Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

# Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини

Тошкент - 2004

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу китобда кўк турк обидалари номи билан юритилаётган битиглар тарихий-матний жиҳатдан таҳлил этилади. Битиглар асосида кўк турк даври тарихнавислигининг ўзига хос хусусиятлари, матн тузиш принциплари ҳақида баҳс юритилади.

Китоб тарихчилар, манбашунослар ва ёзма ёдгорликлар билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

**СОДИҚОВ Қ.** ***Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини.*** -Тошкент Давлат Шарқшунослик институти нашриёти. 2004. -Б. 144.

---

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори **М. ИСҲОҚОВ**
тарих фанлари номзоди **О. ЖАЛИЛОВ**

Тех.муҳаррир: **С. ЮСУПОВА**

Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиуми ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этган (№ 26, 20.04.2002).

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (№4 баённома, 12.04.2002).

Босишга рухсат этилди 21.01.2004.
Бичими 60х84 1/16 Шартли 9,0 б.т. 200 нусхада босилди. Буюртма № 13
Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Қ. Содиқов, 2004 й.
© Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2004 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ушбу китобимни азиз отамиз Фозилжон Мирсидиқ ўғли ва мухтарама волидамиз Бухон Саидумархўжа қизининг ёрқин хотираларига бағишладим. Аллоҳ уларни раҳмат қилсин.*

# СЎЗ БОШИ

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги, маданияти, санъати, адабиёти тарихида Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари даври (VI-VIII асрлар) алоҳида ўрин тутади. Турклар ўтмишининг бу қадим даври ҳозирги замон тарих китобларида «кўк турк даври», улуснинг ижтимоий-сиёсий уюшмасини эса «кўк турк хоқонлиқлари» деб ҳам юритилмоқда. Бунга, одатда, «урхун-енисей битиглари» деб атаб келинган қадимги туркий ёзма ёдгорликларимизда қўлланган «кӧк түрк» атамаси асос бўлди. Тарихан кӧк сўзининг «ранг»дан ташқари «эркин, озод; илдиз, томир, асл» маънолари ҳам бор. Битигларда кечган «кӧк түрк» номида турклар ўзагини ташкил этувчи «асл турк» деган маъно мужассамдир.

Кўк турк даври туркий улуснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юксалиш рўй бериб, улуғ салтанатлар қурган, маданий ҳаётда катта ютуқларга эришган давридир. Бу давр санъатида сангтарошлик, ҳайкалтарошлик, тош ва бино пештоқларига нақш ишлаш авж олди, ҳайвонат услубига алоҳида эътибор берилди. Ажойиб архитектура обидалари, суғориш иншоотлари бунёд этилди.

Туркий ёзма адабиёт ҳам ана шу даврда шаклланиб, ривож топди. Қадимги турк адабиётининг йирик намояндалари, улуғ адиблар етишиб чиқди. Ёзма адабиётимизнинг энг кўҳна намуналари ана шу юксалиш даврининг маҳсулидир. Ушбу обидалар фанда «турк руний, урхун-енисей, кўк турк ёдгорликлари» номлари билан машҳур.

Туркий ёзувлар тарихи ҳам, чамаси, ўша чоғларда яратилган битиглардан бошланади. Бу кезларда кўк турк хати бутун туркий элга ёйилиб, адабий-ёзма тилнинг шакллануви ва унинг тараққийсига хизмат қилди. Аждодларимиз сўзини замонлар оша бизгача етказиб келди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий тарихнавислик ҳам ўз тарихини кўк турк давридан бошлади. Тарихий матн тузиш принциплари ишлаб чиқилди.

Бизгача етиб келган кўк турк битиглари фақат адабий ёдгорликларгина эмас, балки кўк турк даври тарихининг энг ишончли манбаларидир. Битигларда турк хоқонлиқларининг тарихи, давлатни мустаҳкамлаш йўлида хоқон ва саркардаларнинг олиб борган курашлари баён этилган.

Қўлингиздаги китобда айни битиглар тарихий жиҳатдан таҳлил этилади, матн тузилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баҳс юритилади. Шу ўринда китоб бўлимларининг тартиби, уларда келтирилган матнларнинг интерпретация принциплари хусусида қисқа изоҳ бериб ўтиш жоиздир.

«Ўрта Осиё-кўк турк ёзувининг бешиги» деб номланган биринчи бўлимда ёзувнинг шаклланиш тарихи, Ўзбекистонимиз ҳудуди қадимда ушбу ёзувнинг маданий марказларидан бири бўлганлиги ҳақида баҳс юритилади. Шунингдек, Андижон яқинидаги Лўмбитепа археологик комплексидан, Сурхондарёнинг икки еридан чиққан битиглар тавсифи берилган. Ушбу даъвою мисоллар билан мазкур ёзувнинг асослари бошлаб Ўрта Осиёда шаклланиб, сўнг Олтой, Марказий Мўғулистон ҳудудлари томон тармоқ отган деган кўз қарашни муҳокамага ташламоқчимиз.

Иккинчи бўлим битигларнинг мазмуни ва тарихий талқинига бағишланган. Таҳлил, асосан, Иккинчи кўк турк хоқонлиқлари даврида яратилган урхун битиглари асосида. Унда фақат битигларда қайд этилган тарихий воқеалар, машҳур шахслар ҳақида маълумот берилади. Ушбу бўлимда кўк турк хоқонлиқлари даврида рўй берган муҳим тарихий воқеалар жадвали ҳам келтирилди. Унда воқеа рўй берган сана, бу хусусда матнда келтирилган маълумот ва, ниҳоят, ушбу воқеалар қайси битигнинг қандай сатрида келтирилгани қайд этилади.

Китобнинг учинчи бўлимида битигларнинг матний таҳлили берилади. Битиглардаги айрим сатрларнинг ўқилиши ҳақидаги ўз муносабатларимиз ҳам шу бўлимдан жой олди.

Сўнгги-тўртинчи бўлимда Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг матнлари келтирилади. Бу бўлимдаги дастлабки матнни шартли равишда [«Билга хоқон мурожаати»] деб атаяпмиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матн моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шундай атадик уни. Мурожаат иккала ёдгорликда мавжуд бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Китобда битиглардаги айни бўлакларнинг қиёсий матни берилади: устки сатрдаги босмача ёзувлиси Кул тигин матнидан, остки-ётиқ ҳарфларда келтирилгани Билга хоқон матнидан. Тадқиқотчилар фойдаланишида қулай бўлсин дея шундай йўл тутилди.

Айни бўлимда битигларнинг тўлиқ транскрипцияси ва ўзбекча талқини ҳам келтирилмоқда. Битиглар қайта-қайта нашр этилган бўлса, бунинг зарурати бормиди, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Бошқа нашрлардан фарқли равишда биз матнларни қисмларга (муқаддима, унинг иловаси; асосий қисм; хулоса, унинг иловаси) ажратиб бермоқдамиз. Бундай тартиб тадқиқотимиз мақсади ва унда кўтарилаётган фикрни далиллаш учун ҳам зарур. Чунки ушбу тарихий-адабий матнлар ғоят мураккаб тузилишга эгадир (иккинчи бўлимда бу ҳақда кенг маълумот бор).

Кул тигин ва Билга хоқон матнларини тийёрлашда ёдгорликларнинг 1995 йили Анқарада чоп этилган урхунча (кўк туркча) ҳарф терма нашри (Orhun, 70-76) ҳамда ушбу китобда берилган битигларнинг фотонусхалари, эстампаж тасвирлари асос қилиб олинди.

Матн транскрипцияси учун қуйидаги белгилардан фойдаланилмоқда.

Унлилар учун:

1. Олд қатор унлилар:
 а) лабланмаган: и, ä.
 б) лабланган: ү, ö.
2. Орқа қатор унлилар:
 а) лабланмаган: ы, а.
 б) лабланган: у, о.

Ундошлар учун ҳозирги ёзувимиздаги б, п, с, т, ч, х, д, р, з, ш, ғ, қ, к, г, л, м, н.

Шунингдек:

Сонор [нг] учун <нг> ҳарф бирикмасидан фойдаланилди.

[н] фонемасининг [нй] варианти учун <нй> ҳарф бирикмаси ишлатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олд қатор [э~ä]ни ифодалаш учун ёзувда <и> ёки <ä> билан берилган сўзларни (*йити~йäти* каби) айни шаклда, <с//ш> ҳодисасини англатган (*äрмис~äрмиш* каби) сўзларни матнда ўзидай қолдиришни маъқул кўрдик.

Транслитерацияни беришга эҳтиёж туғилганда ундошларнинг йўғон вариантини одатдаги ҳарф билан, ингичка вариантини эса штрихли ҳарфларда келтирилади (б-б′, р-р′, т-т′ каби). Шунингдек, транслитерацияда, керакли ўринларда, ёзувда акс этган белги бош ҳарфларда, ёзилмайдиган, лекин ўқиладиган белги эса кичик ҳарфларда берилади. Масалан: ҚаҒаН сўзидаги каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# I БЎЛИМ. ЎРТА ОСИЁ - КЎК ТУРК ЁЗУВИНИНГ БЕШИГИ

## Аждодларимизнинг улуғ кашфиёти

Кўк турк ёзуви аждодларимизнинг улуғ кашфиётидир. Унинг илдизлари ва шаклланган даври хусусида тугал бир тўхтамга келинган эмас. Туркшуносликда бу масалада қатор, ҳатто бир-бирига зид фикрлар билдирилган. Айрим олимлар унинг асосларини қадимги туркий тамғалар (уруғ-қабила белгилари)га боғлаганлар. Уларнинг фикрича, кўк турк хати айни тамғалар асосида шаклланган. Бошқа бир кўз қарашга биноан, ушбу ёзув оромий алифболари, аниқроғи, суғд хатининг негизида ҳосил бўлган. Суғдийнинг такомиллашган шакли мазкур алифбонинг шаклланувида асос бўлиб хизмат қилган; унга айрим ўзгартишлар киритиш, янги белгилар орттириш йўли билан ёзув туркий тилга мослаштирилган. Бу маданий жараён кўк турк хоқонлиқлари даврида, тахминан, VI юз йилликларда юз берган.

Ёзувнинг генезиси масаласида яна бир фикр диққатга молик. Унга биноан, ушбу алифбо туркий муҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркийнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатга олинган. Шунинг билан бирга, у оромий, суғд, паҳлавий ёзувларининг кучли таъсирида бўлган (булар ҳақида қаранг: Васильев 1983, 5-9).

Палеографик кузатувлар, қадимий ёзувларни ўзаро қиёслаш олимларни яна бир фикрга олиб келмоқда. Жумладан, олим А. Аманжоловнинг фикрича, ушбу ёзувнинг тарихи мелоддан бурунги I минг йилликларга туташади. Унинг олд Осиё ёзувларига ўзакдош бўлган қадимги юнон ва сомий-финикий ёзувлари билан айрим жиҳатдан боғлиқлиги бор (Аманжолов 1978, 76-87; 2003, 289-300).

Қадимги туркий ёзувнинг келиб чиқиши ҳақидаги баҳс, афтидан, ҳали ўз ечимини топиши қийин кечар. Биз мазкур ўринда у ёки бу фикрга муносабат билдирмоқчи эмасмиз. Лекин ушбу масала ҳақида фикр юритганда ёзувнинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш керакки, кўк турк алифбосининг тизими ва ёзув принциплари тамоман ўзига хос. У қадимги ҳамда ўртанча эро-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ний тилларнинг товуш қурилишига мослашган орамий ёзувларидан фарқ қилади. Маълумки, оромий ёзувларида ҳарфлар бирбирига уланади. Кўк турк хатида эса ҳарфлар уланмай, айриайри ёзилган. Туркий ёзув суғд хатининг сўнгги такомиллашган курсивли туридан шаклланган экан, янги ёзувда ҳарфларни ажратиб ёзишнинг маъниси нима? Бу ҳодиса ёзув тарихида прогресс эмас, орқага қайтиш бўлмайдими? Шундай бўлган дея фараз ҳам қилайлик. У ҳолда турклар суғд хати негизида бошқа бир алифбо-уйғур хатини яратганликларини қандай тушунмоқ керак? Маълумки, уйғур хатини яратиш жараёнида суғдийдан у қадар чекиниш содир бўлгани йўқ. Уйғур хати палеографик жиҳатдан суғдчанинг сўнгги тезкор шаклига жуда яқин туради. Назаримизда, уйғур хатининг кашф этилиши ва ўта оммалашуви, ҳатто кийинчалик кўк турк хатини сиқиб чиқарганлигининг сабабларидан бири ҳам унинг китобат ишида қулайлиги бўлган.

Суғд алифбосида 22 ҳарф мавжуд эди. Уйғур алифбосида унга бир белги – <л> ҳарфи орттирилиб, 23 ҳарфдан фойдаланилган. Лекин кўк турк матнларидаги ҳарфлар сони 38-40 атрофида (айрим матнларда бундан ҳам ортиқ). Юқоридаги фараз назарда тутилган тақдирда алифбода ҳарфлар сонининг салкам икки бор орттириб юборилишининг боиси нима? Ахир ҳарфлар миқдорини деярли сақлаган ҳолда уйғур хатини яратган эмасмидилар?

Суғдча ҳарфлар билан кўк турк ҳарфларининг баъзиларини ўзаро чоғиштириш ҳам мумкин. Лекин туркий алифбода мазкур белгининг иккинчи эши-да бор. Масалан, <р′> ҳарфи суғдча <р>га ўхшаш дейдиган бўлсак, унинг йўғон шакли – <р> суғдчадагидан тамоман фарқ қилади.

Яна бир хусусияти: кўк турк хатида айрим идеографик белгиларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчиларнинг эътирофича, <й> ҳарфининг генезиси *ай* (ой) сўзи билан боғлиқ. Яъни ойнинг кўринишини назарда тутиб, ушбу ҳарфни яратганлар деб фараз қилиш мумкин (ёзувда *ай* сўзи ой шаклидаги <й> билан ёзилади). Шунинг сингари <р> ҳарфи *эр* (одам) кўриниши, <оқ> ҳарфи «ўқ»нинг кўриниши, <т> эса «том»нинг кўриниши асосида шаклланган кўринади, чамаси. Айни фараз



www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғри бўлган тақдирда, кўк турк ёзувининг туркий муҳитда кашф этилгани мутлақо шубҳа туғдирмайди.

Муҳими, ёзувда қадимги туркий тилининг фонетик-фонологик хусусиятлари тўлалигича инобатга олинган эди. Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичида ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди. Ёзувнинг бу каби хусусиятларини ҳисобга олмай, унинг асосини бошқа ёзувларга тўғридан-тўғри боғлаб қўйиш, назаримизда, ўзини оқламас.

Кўк турк ёзувининг оромий ёзувлари, хусусан, суғд хатига айрим жиҳатдан боғлиқлигини умуман инкор этмаслик керак (бу ёзув ҳам финикий алифбо тизимига бориб туташади). Лекин ёзувнинг шаклланишини кейинги даврларга ёки айнан суғд алифбосигагина боғлаб қўйиш, бизнингча, асоссиз. Туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бир йўла эмас, аста-секинлик билан, асрлар давомида, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан узвий ҳолда ривож топганидан далолат бермоқда.

Бизгача сақланиб қолган урхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг илк босқичига оид эмас, балки мазкур обидалар ёзувнинг такомиллашган босқичида яратилган. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да қадимийдир.

Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган, деб ҳам ҳисоблайдилар. Лекин сўнгги ўнйилликларда топилаётган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Алмати яқинидаги Иссиқ қўрғонидан, Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги шаҳар харобаларидан чиққан битиглар бунинг далилидир. Қадимги туркий ёзув маданиятини тадрижий жараён сифатида яхлит талқин этмоқ учун ушбу топилмалар устида яна чуқур тадқиқотлар бажарилмоғи лозим.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган, деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув, асосан, кўк турк хоқонлиқлари даврида Енисей ва Урхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Шарқий Туркистонга қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий атрофлари бўйлаб Шарқий Оврўпагача бўлган



www.ziyouz.com kutubxonasi

улкан ҳудуддан топилган ва топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу заминда ёзув маданиятининг ғоят равнақ топганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил.. Уларни палеографик жиҳатдан ягона гуруҳга бириктириб бўлмайди. Ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айрим белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради. Жумладан, урхун битигларида қўлланган белгилар сони енисей ва талас битигларидаги белгилар билан баробар эмас. Матнларда бир-биридан фарқ қилувчи белгилар бор, айрим ҳарфларнинг шаклида ҳам ўзгариш рўй берган. Ёки Ўрта Осиё ҳудудида ёзувнинг ўзига хос кўриниши амал қилган. Ёзувнинг бу хусусияти баъзи олимларни турк руний битиглари бир неча алифбода битилган деган мулоҳазага ҳам олиб келмоқда. И.Л. Кизласовнинг фикрича, ушбу битигларда саккиз хил алифбо амал қилган. Урхун-енисей ёдгорликлари ўзаро яқин бўлган икки хил алифбо – урхун ва енисей хатида. Талас битиглари эса уларга ўзакдош учинчи алифбода битилган (қаранг: Кызласов 1994,33; 1998,7-8).

Қадимги турк ўлкаларидан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг ўзаро фарқли эканлигидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминидан топилаётган илк ўрта асрларга мансуб обидалар мазкур ҳудуд ҳам қадимда кўҳна турк ёзувининг маданий ўчоқларидан бири ўтганидан далолат бермоқда.

## Ўзбекистондан топилган кўк турк ёзувли битиглар

Ўзбекистон еридан топилган археологик ёдгорликлар ичида кўк турк (туркий рун) ёзувли эпиграфик матнлар алоҳида ўринга эга (Мазкур топилмалар рўйхатига қаранг: Заднепровский 1967, 270-274; Васильев 1983, 41-42).

Мавжуд ёдгорликлар гуруҳи кейинги даврларда топилаётган битиглир билан бойиб бормоқда. Кўк турк ёзувли ёдгорликлар, асосан, ер остида қолиб кетган қадимий қўрғон харобаларидан, эски қабрлардан чиққан. Ҳозирга келиб бу заминдан топилган битиглар, уқадар кўпсонли бўлмаса ҳам, кўк турк ёзувининг ёй-



www.ziyouz.com kutubxonasi

илиш чегаралари, ёзув генезиси ва тарихий такомили, мазкур ўлкада кечган ёзув маданияти тарихи ҳақида янги илмий хулосаларни айтишга имкон берадиган даражага етди.

Қуйида Ўзбекистон ҳудудидан сўнгги кезларда топилган ёдгорликлар хусусида фикр юритамиз.

**I. Лўмбитепадан топилган кўзадаги битиг.** 1988 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти томонидан Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган Лўмбитепа ёдгорлигида қазиш ишлари бошланди. Ушбу ёдгорлик майдони 60х90 метр, баландлиги 8 метр келадиган тепалик бўлиб, илк ўрта асрларда (V-VIII юз йилликлар) мустаҳкамланган қишлоқ қасри бўлган. Қаср қадимги карвон йўли ёқасида жойлашган. Археологик қатламларнинг кўрсатишича, қасрда ҳаёт бир неча аср давом этгач, IX-X асрларда узилиб қолган. Ушбу ёдгорликда кўплаб ашёлар билан бир қаторда қадимги туркий ёзувли кўза ҳам топилди. Унинг бўйи 20 см. дан сал ортиқ, қорин қисмининг кенглиги 16-17 см., оғзидан елкасигача бир ёқлама банди (тутқичи) бор. Бандининг сиртига пастдан юқорига йўналган қадимий туркий битиг ўйиб ёзилган (чизмасига қаранг). Битиг чамаси, идишнинг пиширилишидан олдин битилган. Хати тартибли, эътибор билан ёзилган. Чамаси, кўза бирор амалдор томонидан махсус буюртириб тайёрланган кўринади. Битиг ҳарфларининг эпиграфик қиёфаси маълум ёдгорликлар орасида бир қадар қадимий кўринишда. Бу бежиз эмас, идиш ёдгорликнинг VI-VII асрга оид қатламидан чиқди. Уни археолог Б. Абулғозиева топган (Қаранг; Абулғозиева, Исҳоқов, Содиқов 1993 (1); Исҳоқов, Содиқов 1993 (2); Содиқов 1995, 10-11).



(а) (б)

Лўмбитепадан топилган кўза чизмаси:
а) кўзанинг умумий кўриниши, б) кўза бандидаги ёзув.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўзадаги битиг жами етти белгидан иборат. Унинг чизмаси шундай:



Матн ўнгдан сўлга ўқилади. Биринчи ва олтинчи белгиларни <к> деб тан олиш мумкин. <к> ҳарфининг бу шакли бошқа битиглардаги шаклидан бир оз фарқли. Унинг юқори қисмидаги қўшалоқ шохчаси, урхун–енисей битигларидаги шаклидан кўра кўпроқ қиялатиб чизилган. Иккинчи ҳарф [и] учун ишлатилган белги. Учинчиси - <а>. Битигда диққатимизни тортадиган яна бир белги - тўртинчи ҳарфдир. Уни <м> га йўйиш мумкин. Лекин ушбу белги бошқа битиглардаги <м> дан (одатда, уларда ушбу ҳарф сиқиқ шаклда ёзилади) қисмларининг ёйсимонлиги ва уларни бирлаштирувчи чизғиси билан фарқ қилади. Шунга яқин шакл Тўнюқуқ битигтошида учрайди, лекин унинг туташтирувчи чизиғи горизантал, ушбу битигда эса қиялатиб тортилган.

Бешинчи белги <н> ҳарфидир; охирги белги [с′] учун ишлатиладиган тик чизиқ кўринишида. Лекин остки қисмида чап томонга чиқарилган қиялама шохчаси бўлиб, кўз илғаши қийин. Агар шу белгини инобатга олсак, уни <ч> деб ўқишимиз мумкин. Шундай қилиб, битигдаги етти ҳарфнинг кетма-кетлиги аён бўлади: к и а м н к ч.

Кўк турк хатининг товушлар уйғунлиги қонуни (сингармонизм)га мослашганлиги бу ўриндаги сўзларнинг қаттиқ ёки юмшоқ ўзакли эканлигини аниқлашга имкон беради. Шунга асосан фикр юритилса, биринчи сўз юмшоқ ўзаклидир. Чунки у <к> билан келган. Ундан кейин <и> ва <а> ҳарфлари олдинма-кетин жойлашган. Таъкидлаш керакки, туркий сўзларда икки унли ёнма-ён келмайди. Демак, сўзнинг чегараси ҳам шу ерда бўлади: <и> биринчи сўзга, <а> эса кейингисига тааллуқлидир. Бешинчи белги [н] товушининг йўғон эши (варианти)ни, ундан кейинги белги эса юмшоқ [к] ни англатади. Кўринадики, бу ўринда ҳам чегара бор: <н> олдинги, <к> эса охирги сўзга алоқали. Шундан келиб чиқиб, битигни уч сўзга ажратиш мумкин: ўртадаги қаттиқ, икки ёндагиси юмшоқ ўзакли сўзлардир.

Энди ёзувнинг имло принципларига асосланиб, шу гуруҳлардан маъно чиқаришга чоғланиб кўрайлик. Биринчи сўзга



www.ziyouz.com kutubxonasi

икки ҳарф (<к> ва <и>) бирлашади. Уларнинг олдига, кўк турк хитининг имлосига мувофиқ равишда, ёзувда ҳар доим ҳам ёзилавермайдиган юмшоқ олд қатор [ä (~э)] қўшиб, äки (~эки) деб ўқиш мумкин. Қадимги туркий тилда «икки» сўзи шундай талаффуз этилган.

Ҳарфларнинг иккинчи гуруҳини (а м н) жамлаб *аман* ёки *амын* шаклида ўқиш мумкин. *Аман* сўзи арабча бўлиб, ҳозирги ўзбекчада *омон* шаклида қўлланилади. Лекин унинг қадимги, айниқса, араб истелосидан илгари даврда туркий тилда қўлланилганлигига ишониш қийин. Шунинг учун ҳам битигдаги ҳарфлар гуруҳини *аман* эмас, *амын* деб ўқиган маъқул. В. Радловнинг туркий лаҳжалар бўйича тузган луғатида *амын* сўзи учрайди. Олимнинг таъкидлашича, ушбу сўз «яшамоқ, турмоқ, турмуш, ҳаёт, макон» маъноларини англатган. Кўза матнидаги сўзни ҳам, эҳтимол, шу маъноларнинг бирига йўйиш мумкиндир.

Сўнгги икки ҳарф - <к> ва <ч> ни бирлаштириб, кäч (~кэч) деб ўқиса бўлади. Уни феъл–кесим - кэч– (кечирмак, кечмак) шаклида талқин қилиш мумкин. Шунда ушбу жумладан «Икки умр кечир, икки одам умрини яшагин», «У дунёинг ҳам обод бўлсин» деган маъно келиб чиқади. Қадимги туркларнинг эътиқодича, инсон ўлгандан кейин, у дунёда ҳаёти давом этади. Шунинг учун ҳам улуғларнинг қабрига баъзан қимматли буюмлар қўшиб кўмишган, яқинларининг у дунёси ҳам тўкин-фаровон бўлишини истаб шундай қилганлар. Ким билади, кўзадаги битиг ҳам суюкли кишисидан айрилганнинг яхши ниятини ифодалаган чиқар.

Муҳими, Лўмбитепадан топилган қадимги туркий битиг VII-VIII асрларга оид туркий обидалардан ёш жиҳатдан қарийб бир-икки аср қадимийдир. Ушбу топилма қадимги туркий битиглар рўйхатини ва улар топилган жойлар географиясини анча бойитади, ёзув тарихи хусусида янги хулосаларга олиб келади.

**Кўҳна Кеш заминидан топилган битиглар.** Археологлар Қашқадарё вилоятида Китоб шаҳридан 15 км. узоқликда Узунқир қишлоғи яқинидаги тарихий тепаликда қадимий шаҳар-қўрғон комплексини очдилар. Бу жойни маҳаллий аҳоли Подаётоғ-тепа деб атайди. Археологларнинг фикрича, Подаётоғ ёдгорлиги хронологик жиҳатдан 2400-2500 йиллар билан белгиланади. У



www.ziyouz.com kutubxonasi

уч комплекс (қатлам)дан иборат бўлиб, остки қисми мелоддан аввалги VI аср Аҳмонийлар давлатининг сўнгги даврларига, ўрта қатлами антик даврларга, устки комплекси эса илк ўрта асрларга мансубдир. Мазкур ёдгорликда шаҳарнинг ҳимоя девори, қабристон, уй-жой, маҳаллалар сақланган. Ёдгорлик шаҳарсозлик маданиятининг барча талабларига жавоб беради. Тарихий шаҳарнинг умумий майдони 70 гектар. Бу майдоннинг ҳимоя деворидан ҳозирги пайтда 300 метрли бўлаги сақланган, холос. Тепалик ҳолига келиб қолган девор харобасини ҳозир аҳоли Узунқир дейди. Шаҳарнинг ғарбий сархадидан Шўробсой оқиб ўтади.

Текширув натижасида Узунқирдан 500 м. шарқда квадрат майдони икки гектарли ҳимоя девори билан ўралган яна бир тарихий тепалик аниқланди. Ушбу тепалик Кўмиртепа қишлоғининг ёнгинасида жойлашган бўлиб, ҳозир Сангир номи билан аталади. Сангир ёдгорлиги, археологларнинг таъкидлашича, беш қатламдан иборат. Ёдгорликнинг энг устки – 5-қатлами илк ўрта асрларга оид, 4-3-қатламлар антик босқич, 2-қатлам Аҳмонийлар даврига оиддир. Энг чуқур – 1-комплекс ҳали очилгани йўқ. Дарвоқе, археологик далиллар 2-қатламнинг 2500-2700 йиллик тарихга эга эканлигини исботламоқда. Демак, бу ҳудуддаги шаҳарсозлик тарихи ҳам шу қадар қадимийдир.

Маълум бўлувича, бу жой ҳокимнинг шаҳар ташқарисидаги қишки қароргоҳи бўлган. Одатда, қишки қароргоҳ шаҳар яқинида, ёзги қароргоҳ эса тоғда бўлар эди.

Қазишма чоғида Подаётоғ ва Сангир ёдгорликларидан жуда кўп буюмлар чиқди. Тош ашёлар, сопол, мисдан ясалган буюмлар, турли ҳайкалчалар шулар жумласидандир. Қўлга киритилган ашёларнинг бари Шаҳрисабздаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейига келтириб сақланмоқда.

Ёдгорликлар орасида бўртма белгили икки сопол парчаси эътиборни ўзига тортади. Археологларнинг сўзича, уларнинг иккови қалъа деворининг ёнгинасидан оқиб ўтувчи Шўробсой лабидан топилган. Сопол ашёлар антик даврнинг бошларига мансуб бўлиб, ёши 2300-2400 йилларга тўғри келади. Улар сой ёқасига нураган қатлам билан кўчиб тушган (Содиқов 1998, 30-31).

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар икки сопол парчасида ҳам бўрттириб ёзилган белгилар бор. Биринчи сопол парчаси жом



www.ziyouz.com kutubxonasi

идишнинг туби бўлиб, унга «Ч»симон белги битилган. Кичик сопол парчаси эса катта бир кўзанинг қорин қисми бўлиб, унга бўртма илгаксимон белги туширилган (чизмасига қаранг). Ҳар икки securityсополдаги бўртма шаклларнинг ён-верида бундан бошқа белгиларнинг изи учрамайди. Чамаси, айни белгиларнинг ўзи якка ҳолда муайян маънони билдирган.

Янада муҳими, сополлардаги белгилар Туронзамин халқлари қўллаган қадимий ёзувларнинг айрим ҳарфларига уйғун. Чунончи, жомнинг тубига туширилган «Ч»симон белги кўк турк хатидаги <р> ёки пастга ўгирилган ҳолатида <т> ҳарфига мос келади (ёдгорликлар буюм парчаси бўлгани туфайли унинг юқори ва остки қисмини аниқлаш мушкул). Кўза қорнига бўрттириб туширилган илгаксимон белги эса кўк турк матнларидаги <п>, пастга ўгирилган чоғда <л> ҳарфини эслатади.



Китоб яқинидаги Подаётоғ ёдгорлигидан чиққан белги туширилган сополакларнинг чизмаси.

Шунга қисман уйғун келадиган белгиларни финикий алифбоси асосида шаклланган қадимий ёзувларнинг баъзиларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, жом тубидаги «Ч»симон белги финикий (шимолий сомий) ва унинг негизида шаклланган оромий алифбосидаги <р>, кўза қорнидаги илгаксимон белги эса пастга ўгирилган ҳолатида оромий, жанубий сомий алифболаридаги <л> ҳарфига бир оз ўхшаб кетади.

Кўринадики, сопол идишларга бўртти-риб туширилган белгилар қадимий алифболарнинг ҳарфлари бўлиб, муайян маънони англатган. Айни чоғда, ушбу белгилар уларни ясаган кулоллар ёки буюм эгаларининг тамғаси (уруғ белгилари?) вазифасини ҳам бажарган кўринади.

Кейинчалик Подаётоғ комплексини қазув чоғида ер ости қатламидан яна турли белгили сопол парчалари чиққан. Ушбу



www.ziyouz.com kutubxonasi

топилмалар ҳам айни қатламга мансуб. Улар ҳам текширув ишларини тақазо этади.

Муҳими, сопол идишлар сиртига муҳрланган белгилар илк ўрта асрларда Марказий Осиёда амал қилган ёзувларга туташ. Агар сопол идишларнинг антик босқич-2300-2400 йил бурунги даврларга мансуб эканлиги назарда тутилса, ушбу ҳудудларда ёзув маданиятининг ҳам шунинг қадар қадимийлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Идиш сиртидаги белгиларнинг, айниқса, кўк турк алифбосидаги ҳарфларга уйғун эканлиги диққатга молик. Бу, ўз навбатида, VI-VIII асрларда Енисей ва Урхун бўйларида битилган обидалар хатининг асоси милоддан аввалги даврларга илдиз отган дейишга имкон беради.

**Чашмимирондан топилган ёзувли иврик.** Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Боғичорбоғ жамоа хўжалигининг Чашмимирон қишлоғидан кичик бир иврик (кўзача) топилди. Иврик ҳозир қишлоқдаги Садриддин Айний номли 10-ўрта мактаб музейида сақланмоқда. Тарих ўқитувчиси Н. Мўминовнинг уқтиришича, уни мактаб ўқувчиларидан бири топиб келтирган.

Идишнинг бўйи 10 см., оғиз айланасининг диаметри 5 см. Қорин айланаси 21,5 см. У нисбатан қўпол бўлиб, қўлда ясалган. Оғзидан белига қадар ёпиштирилган банди бор. Сопол сингитиб пиширилмаган кўринади: сиртида қизғиш доғлари қолган. Идишнинг ичи қорамтир жигарранг. Сопол тоза тупроқдан ишланган бўлиб, таркибида аралашмалар йўқ. Идишнинг оғзи учган.

Муҳими, кўзачанинг қорни бўйлаб чизгилар битилган. Чамаси у кейинчалик ўткир тиғли нарса билан тирнаб чизилган. Археологлар аввалига ушбу чизгиларни суғд хати бўлса керак, деб тахмин қилган эдилар. Лекин бизнинг кузатувимизча, ушбу тартибсиз чизгилар ташқи кўринишдан суғд хатини эмас, кўк турк ёзувини эслатади.



Чашмимирон қишлоғидан чиққан иврик чизмаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иврик сиртидаги чизгиларда бир-биридан ажратиб ёзилган тўрт белгини кўриш мумкин: уларнинг учтаси ёнма-ён, тўртинчи чизги булардан ҳоли-бир оз жой қолдириб чизилган. Ҳарф деб тахмин этилаётган мазкур белгилар бир-бирига тенг эмас, анча беўхшов. Улар ўнгдан сўлга қараб қуйидаги тартибда: тўғри чизиқ шаклидаги дастлабки чизиқ кўк турк алифбосидаги <с'> ҳарфига уйғун. Икки бағридан айри чиқарилган иккинчи чизиқ бир оз мулоҳазали. Башарти, унинг ўнг томонга чиқарилган айрисини инобатга олинмаса, <нг> ҳарфига тўғри келади. Учинчи белги остидаги ўнгга қайрилган илгагини инобатга олмаганда <р> ни эслатади. (Иккинчи ва учинчи белгиларнинг ўнг ёғидаги қисқа чизиқчалар, эҳтимол, ҳарфларни бир-бирига бирлаштирувчи элемент вазифасини бажарган бўлуви ҳам мумкин.) Аййриб ёзилган тўртинчи белгини кўк турк алифбосидаги муайян ҳарфга менгзаш қийин.

Демак, кўза қорнидаги чизгиларда уч ҳарфни кўриш мумкин: <с'>< нг>< р>. Биринчи ҳарф юмшоқ, баъзан қаттиқ ўзакларда; иккинчиси ҳам юмшоқ, ҳам қаттиқ; учинчи ҳарф эса фақат қаттиқ ўзакли сўзларда қўлланилади. Булардан мазкур сўз қаттиқ ўзакли эканлиги маълум бўлади. Уни *сингар* деб ўқиш мумкин. Бу сўз қадимги туркий тилда «ярим» маъносини англатган (ДТС, 504). Чамаси, иврик суюқликни ўлчаш учун мўлжалланган. Унинг сиғими муайян ўлчовнинг ярмини ташкил этган. Устидаги ёзуви эса ана шунга ишорадир.

II. Ўзбекистон ҳудудидан топилган кўк турк ёзувли битиглар комплекси, асосан эпиграфик матнлардан иборат. Уларнинг кўпи сопол буюмларга битилган. Терига ёзилгани айнан бу ҳududдан бўлмаса-да, унга яқин ердаги Муғ қалъа вайронасидан суғд ёдгорликлари билан бирга чиққан (Бернштам 1951, 65-75). Мазкур ҳудуд ёдгорликлари орасида узукка туширилган, қояга битилгани ҳам бор. Чунончи, бронза узукка туширилган тўрт белгидан иборат битиг Қарамозор тоғидаги Муғхонадан топилган. Тошдаги кўк турк битиги эса Саритош қишлоғидан Иркештомга борадиган йўл ёқасида (Қаранг: Заднепровский 1967, 273).

Эпиграфик ёдгорликларнинг кўпроқ ер остида қолиб кетган тарихий комплекслардан топилаётганлиги бежиз эмас. Бунинг тарихий сабаблари бор. Маълумки, VIII юзйилликда Ўрта Осиёга



www.ziyouz.com kutubxonasi

бошланган араб босқини ерли халқ маданиятига кескин зарба берди. Истело асрлар давомида яратилган улкан маданиятни янчиб, бу ўлка халқлари орасида исломни ўрнатишга қаратилди. Маданият ёдгорликлари, осори атиқалар билан бир қаторда ёзув ёдгорликлари ҳам кўкка совурулди (Бу ўринда Абу Райҳон Берунийнинг «Осорул-боқия» асарида келтирилган маълумотларни эслаш кифоя). Бунинг оқибатида бу ўлкада амал қилган авеста, қадимги хоразмий, суғд ёзувлари қаторида кўк турк хати ҳам ривожланишдан тўхтади. Маҳаллий тиллар учун араб хати ўзлаштирила бошланди. Лекин ислом бориб етмаган турк ўлкаларида туркий ёзув маданияти аввалгидай ривожланишда давом этаверди.

Шунинг учун бўлса керак, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминидан топилган кўк турк ёзув ёдгорликларининг деярли бари ер остидан чиққан. Ёдгорликлар қоғоз ёки бошқа ашёларда эмас, кўпроқ, эпиграфик матнлар эканлиги ҳам, чамаси, шундан (Ер юзида қандай ёдгорликлар бўлган-у, қирғинлар таъсирида қанчалик йўқолиб кетгани тарих қаърида яшириниб қоладиган кўринади). Муҳими, кўҳна харобалардан топилган ёдгорликларнинг ўзиёқ бу заминда қачонлардир кўк турк хати кенг ва узоқ асрлар давомида амал қилганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон еридан топилган кўк турк ёзувли битиглар турли даврларга мансуб. Уларнинг энг эскилари кўпроқ тамғалар (кулолларнинг шахсий белгилари) вазифасини ўтаган кўринади. Ёзувнинг ривожланган босқичидаги ҳарфий белгилар график-ифодавий жиҳатдан айни белгиларга жуда яқин. Бундан икки хил мулоҳаза келиб чиқади. Биринчиси: буюмларни ясаган кулоллар қўллаган тамғалар (?) тасодифий эмас, ёзув белгиларига асосланган. Иккинчи фикр: кўк турк алифбосининг белгилари, бошлаб, тамғалар шаклида бўлган. Ёзув тарихининг кейинги босқичида улар туркий тилнинг фонетик-фонологик қуруми билан узвий ҳолда тараққий этиб, мустақил ҳарфлар даражасига эришган. Ҳарқалай, иккинчи тахмин ҳақиқатга яқин чиқар.

Яна бир жиҳати, Китоб яқинидаги Подаётоғ комплексидан чиққан рунийсимон белгили сопол парчалари ёш жиҳатдан салкам Алмати яқинидаги Иссиқ қўрғонидан топилган ёзувни бўйлайди. Иссиқ қўрғонидан топилган битигнинг тили туркий, ёзуви эса кўк турк хатининг илк босқичи эканлиги ҳақидаги кўзқа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рашлар ҳозирги кезда ўз асосини топмоқда (Аманжолов 1978, 82-83). Ҳар икки комплексдан топилган ёдгорликларга асосланганда Ўрта Осиёнинг катта бир ҳудудида мелоддан бурунги даврлардаёқ туркий ёзув маданияти шаклланиб, V-VIII аср ёдгорликларига қадар узоқ босқични босиб ўтганлиги аён бўлади.

Эътиборга лойиқ ери, шу кезга қадар Ўрта Осиёдан топилган кўк турк ёзувли ёдгорликлар, асосан, Талас, Фарғона водийлари, Тошкент воҳаси, юқори Зарафшондан чиққан эди. Энди мазкур битигларнинг бошқа ҳудудлардан, хусусан, Жанубий Қашқадарёдан топилганлиги, айниқса, уларнинг ёш жиҳатдан анчайин қадимийлиги эътиборга лойиқ. Бу, ўз навбатида, кўк турк ёзувининг қўлланиш тарихини кўк турк хоқонлиқлари давридан бир неча аср қадимийроққа олиб боради ва тарқалиш географиясини анча кенгайтиради.

Машҳур сангтарошлар томонидан тошларга ўйиб битилган Кул тигин (732 йил), Билга хоқон (735 йил), Тўнюқуқ (712-716....йил?), шунингдек, қамишда битилган турк монийчилардан қолган қоғоз парчаларидаги матнлар (кўк турк ёзувли қоғоз узундилари ҳақида қаранг: Sertkaya 1995, 225-276) қадимги турк хоқонлиқлари маданий муҳитида эпиграфика ва хаттотлик санъати анчайин ривож топгани, хат битиш техникаси пухта ишлаб чиқилганидан далолат беради. Айни юксалишнинг излари бошқа бир маданий муҳитда яратилган ёдгорликларда, қадимийроқ кўринишда Ўрта Осиё эпиграфикасида ҳам сақланган. Чунончи, Лўмбитепа археологик ёдгорлигидан чиққан кўзадаги матн ўзининг тартибли битилгани билан бошқа сопол буюмларда қолган оддий ёзувлардан ажралиб туради. Шунингдек, Фарғона шаҳри яқинидаги қадимий Ўшхона қалъа харобасидан чиққан кўзанинг бўйин қисмидаги битиг (Бернштам 1956, 54-55, рис.2), Қувадан топилган сопол парчасидаги туркий битиг (Булатова 1965, 60-62), Муғ қалъадан чиққан теридаги матн (Расмига қаранг: Бернштам 1951, 67, рис.1) ҳам тартибли битилган. Мазкур матнларни кўк турк хатининг эпиграфик ва палеографик жиҳатдан такомиллашган услуби деб баҳолаш мумкин.

Мазкур битигларнинг ҳарфлари ўз шаклига кўра ҳам урхун ёки енисей битигларининг ҳарф шаклларидан фарқли. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, туркий ёзув VII-VIII аср-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда яратилган урхун-енисей, Талас, Исфара, Фарғона ёдгорликларидаги кўринишигача бир неча тарихий босқични бошдан кечирган. Урхун ва енисей битигларининг хати, кузатувларга қараганда, ёзувнинг дастлабки эмас, кейинги такомиллашган босқичига мансубдир.

Кўк турк ёзувли айрим битигларнинг суғдча ёдгорликлар билан бир тарихий комплексдан топилаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, Муғ қалъада олиб борилган қазиш чоғида айни тарихий харобадан Деваштич даврига мансуб 76 дона тарихий ҳужжат, кўплаб моддий маданият обидалари ва бир неча танга аниқланган. Ҳужжатларнинг 74 донаси суғдча, бири арабча, бири эса кўк турк хатида битилган туркий матндир. Қазув чоғида топилган хитойча матнлар бу муҳит учун ҳужжат вазифасини ўтай олмайди. Чунки уларнинг терс томони, қоғоз тахчиллигидан бўлса керак, суғдча матнни битиш учун фойдаланилган (Фрейман 1934, 33-51; Лившиц 1962, 3-4). Шунингдек, Боткент воҳасидаги Қорабулоқ қишлоғи яқинидан чиққан кўк турк ёзуви битилган кўза парчаси 700-710 йилларда ҳукмдор Тархун даврида зарб этилган суғдча танга билан бирга топилган (Қаранг: Заднепровский 1967, 272). Бу фактлар илк ўрта аср давлатлари, хусусан, Суғдда суғдча билан бир қаторда туркий тилга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, мазкур давлатларда амал қилган икки тиллилик (масалан, суғд ва турк қўштиллилиги ёки унга қўшни муҳитда қадимги хоразмча билан туркий), Ўрта Осиё халқларининг маданий, сиёсий-ижтимоий муносабатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон заминидан топилган битиглар кўк турк ёзувининг тарихи, келиб чиқиши ҳақида янги фикр уйғотиши ҳам табиий. Аёнки, кўк турк алифбоси бир йўла яратилган эмас. Мазкур ёзув тарихан Урхун-Енисей томондан Ғарбга эмас, Ўрта Осиёдан Шарқ томон силжиган кўринади. Унинг асослари, чамаси, Ўрта Осиёда шаклланиб, сўнг бошқа турк ўлкалари-Олтой, Урхун водийлари томон тармоқ отган бўлса эҳтимол. Мавжуд топилмалар ана шундан белги бериб турибди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## II БЎЛИМ. УРХУН ОБИДАЛАРИ: МАТН МАЗМУНИ ВА ТАРИХИЙ ТАЛҚИНИ

Мўғулистоннинг поёнсиз текисликлари бўйлаб ўтган Урхун, Кўкшин-Урхун ва Селенга дарёларининг атрофи қадимда йирик маданият ўчоқларидан эди. Бу воҳа кўк турк хоқонликларининг маркази бўлган. Қудратли турк салтанатларининг йирик шаҳарлари шу заминда бунёд этилган. Бу заминда қадимги турк маданияти ва адабиёти гуллаб-яшнаган, турк давлатчилиги қарор топган. Ҳозирги пайтда ўша улуғ маданий кўтарилишнинг излари сақланган, холос: водийнинг ҳар ер-ҳар ерида кўҳна шаҳарларнинг харобалари, улкан-улкан сарой ва мақбараларнинг вайроналари, йирик қабр тошлари, уларга битилган ёзув ва расмлар, парчаланган ҳайкаллар, қуш ва ҳайвон тасвири туширилган тошлар, нақш санъат асарлари (қаранг: МТА) ўша даврдан хабар бериб турибди.

Урхун обидалари орасида ўша кезларда яшаб ўтган турк хоқон ва амалдорлари қабрига ўрнатилган битигтошлар алоҳида эътиборга молик. Булар орасида матн ҳажми, бадиий-ғоявий хусусиятлари билан икки битиг ажралиб туради. Улар Иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг ўғиллари Билга хоқон (735 йил) ва Кул тигин (732 йил) шарафига ўрнатилган. Иккала битигнинг муаллифи Йўллуғ тигиндир. Мангутошлар Кошо Цайдам водийсида Кўкшин-Урхун дарёсининг яқинида бири-биридан 1 км. узоқликда ўзи ўрнатилган жойидан топилган.

Кул тигин ва Билга хоқон ёдгорликлари ўша кезлар бутун бир мақбара комплексидан иборат бўлиб, даврининг ажойиб обидаси сифатида қад ростлаган. Мақбаралар халқнинг қутлуғ зиёратгоҳлари эди. Уларни қуришда бино архитектурасига, ҳашамига жиддий эътибор қилганлар. Биносини машҳур меъмор ва наққошлар ишлаган. Чунончи, Кул тигин битигида қайд этилувига қараганда, мазкур зиёратгоҳни безаш учун табғач хоқони ўз сарой наққошини юборган. Унинг ич ва ташига нақшлар ишланган; тўрига мангутош ўрнатилиб, хоқоннинг дил сўзлари, ўгутлари битилган (қаранг: КТк.11-13). Ҳозирги ҳолати эса ўша муҳташам ёдгорликнинг қолдиқлари, холос.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Битигларнинг ғоявий хусусияти

Битиглар улуғ йўлбошчилар, миллий қаҳрамонлар хотирасига битилган ёдномалардир. Уларда халқ қаҳрамонлари кўзи тириклигида кўрсатган мардликлар, юрт озодлиги ва фуқаро тинчлиги учун кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Қолаверса, битигларда акс этган тарихий воқеалар муаллифнинг ягона мақсади эмас. Тарихий воқеалар турк халқ қаҳрамонлари образини яратиш ва бу қаҳрамонларни мадҳ этишга фон бўлиб хизмат қилади (Стеблева 1991,279). Матн баёни бадиий тилда. Унинг услубий, ғоявий хусусиятлари ёдномаларни бадиий асар даражасига кўтарган. Шу маънода битиглар тарихий асарларгина эмас, туркий ёзма адабиётнинг энг кўҳна намуналари ҳамдир.

Кул тигин ва Билга хоқон ёдномаларида матннинг асосий бўлими туркий қавмларнинг узоқ ва идеал ўтмиши-Биринчи турк хоқонлиғи даврини хотирлаш билан бошланади. Битигларда таърифланувича, қачонлардир Шарқда Қадирқан йишдан Ғарбда Темир қопиққа қадар улкан заминда Бумин хоқон ва Истами ҳукмронлик қилиб, туркнинг эркин ва қудратли давлатига бош бўлиб турганлар. Улар доно хоқон экан, баҳодир экан, вазирлари ҳам ботир ва оқил, халқи ҳам халол бўлган экан. Бу икки хоқон давлатни шу хилда тутиб, вафот этган. Шундан сўнг уларнинг иниси ва ўғли тахтга чиқибди. Лекин улар оталаридай иш тутмабди. Улар жоҳил, бадфеъл, вазири ҳам калтафаҳм, ёвуз экан. Шунга яраша, беклари, халқи орасидан ҳам инсоф кўтарилибди. Турк давлати таназзулга юз тутибди. Ҳийлакор табғач бундан фойдаланиб, фитна қўзғабди. Оқибат, турк халқи давлатини қўлдан чиқарибди: хоқонини йўқотибди, бек бўладиган ўғлони билан табғачга қул бўлибди, сулув қизи билан чўри бўлибди. Турк беклари туркча отини ташлаб, ўзларига табғачча ном олиб, ёвга қарам бўлибди. Табғач хоқони: «Турк халқини ўлдирайлик, уруғини қолдирмайлик» дея уни йўқотмоққа бел боғлаган экан. Аммо тангри инояти, туркнинг муқаддас ер-суви шарофати билан Элтариш хоқон туркка бош бўлибди. У эрларнинг бошини қовуштириб, курашга отлантирибди. Табғачга қарши курашиб, давлатини, хоқонини йўқотган, қулга айланган, ҳукмронлигини бой берган турк халқини қайта оёққа турғазибди, ота-боболар қонун-қоидасини тиклабди. У



www.ziyouz.com kutubxonasi

қудратли давлат барпо этибди. Унинг даврида турк эли мислсиз фаровонликка эришибди, эркин-эмин яшай бошлабди. Шундан сўнг битигларда давлатни мустаҳкамлаш йўлида Элтариш, Билга хоқон, Кул тигин каби турк хоқон ва саркардалари бошчилигида кечган курашлар, саркардалар кўрсатган қаҳрамонликлар ҳикоя қилинади. Битигларда кечган сўнгги воқеалар Иккинчи турк хоқонлиғи даврида рўй берган.

Диққатга лойиқ ери шундаки, иккала ёдномада матннинг асосий қисми муаллиф Йўллуғ тилидан эмас, унинг отаси Билга хоқон тилидан ҳикоя қилинади. Боиси, битигларда турк хоқонининг ўз элига мурожаати, даъвати битилган. Хоқон бутун турк улусини, келажак авлодни ўз сўзларига қулоқ тутмоққа ундайди: «Сўзимни тугал эшитгил кейинимдаги ини, жияним, ўғилларим, иттифоқ, уруғим, халқим, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз... тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла!» (КТк.1-2). Матн давомида бу мурожаат янада жиддийлашади. Хоқон турк улусини бирлашишга, тинчлик-иттифоқликка, оталар заҳмат ила қўлга киритган истиқлолни асраб, турк давлатини ҳимоя қилишга даъват этади. Ўтмишни эслатиб, ундан сабоқ олиш, ёв ҳийлаларидан огоҳ бўлишга ундайди. Улуғ йўлбошчи элига қарата: «Бу хоқонингдан, бу бекларингдан, eрингдан, сувингдан айрилмасанг, турк халқи, ўзинг эзгулик кўражаксан, уйингга киражаксан, беташвиш бўлажаксан», - дея хитоб қилади (Xb.13-14). Битигларнинг бош ғояси ҳам, асосан, шулар билан белгиланади. Билга хоқоннинг бутун турк улусларига мурожаати, ўз навбатида, ўша кезлар туркий қавмлар орасида умумий адабий тил амал қилганидан далолатдир.

Битигларда Бумин, Истами, Элтариш, Билга хоқон, Кул тигин сингари тарихий шахслар адабий қаҳрамон сифатида гавдаланади. Мазкур турк хоқон ва саркардалари улуғ йўлбошчилар, туркий улуснинг миллий қаҳрамонлари даражасига кўтарилиб, мадҳ этилади.

Асарларда таърифланувича, турк халаскорлари эл озодлиги, унинг осойишталиги йўлида кеча-кундуз тиним билмайдилар: Турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим (КТу.27). Халаскорларнинг қўл остида юртда тинчлик қарор топиб, эл



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпайди, фуқаро тўқ яшади. Бу вазият Билга хоқон тилидан шундай тасвирланади: Тангри ёрлақагани учун, қутим, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб, оёққа қўйдим. Яланг халқни тўнли қилдим, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим (Х.23-24). Ёки бошқа бир сатрда: У замонда қул қулли, чўри чўрили бўлган эди (Х.18).

Мангутошларда битилувича, бу қаҳрамонларсиз халқ қирилиб битар эди: Тангри ёрлақагани учун, мен муваффақият қозонганим учун турк халқи зафар қозонди. Мен давлатни шундай бошқармасам, турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди (Х.33). Кул тигин битигида бу ҳодиса шундай тавсифга эга: Кул тигин бўлмаганида, бутунлай ўлар эдингиз (КТу.50). Тангри турк хоқонига, элнинг миллий қаҳрамонига жасур ва енгилмас лашкар ато этган, душманини эса ночор қилган: Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридай экан, душмани қўйдай экан (КТу.12). Қаҳрамонларнинг қўли ёв устидан баланд келади: Ҳаммаси бўлиб йигирма беш марта қўшин тортдик, ўн уч марта жанг қилдик. Эли борни элидан жудо қилдик, хоқони борни хоқонидан айирдик, тиззаси борни чўккалатдик, боши борни таъзим эттирдик (КТу.18).

Элпарвар хоқон мамлакат тинчсизлиги, улуснинг уюшмаганидан, баъзан унинг ёв таъсирига тушиб қолишидан азият чекади, безовта бўлади. Элини душман ҳийлаларидан огоҳ бўлишга, унинг қимматбаҳо буюмларига учмасликка чақиради: Табғач халқи сўзи ширин, ипаклиги нафис экан. Ширин сўзи, нафис ипаклиги билан алдаб, йироқ халқни шундай яқинлаштирар экан. Яқин бўлгандан сўнг ёвуз илмини у ерда кўрсатар экан (КТк.5). Ёки: Турк халқи, тўкис ишонувчисан. Самимий, носамимийни ажратмайсан. Бир тутоқсанг, самимийни фарқламайсан. Ўшандайлигинг учун (сени) ардоқлаган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг. У ерда хўп ғойиб бўлдинг, бадар кетдинг (КТк.8-9). Яна бошқа бир сатрда: Тепадан осмон босмаса, пастда ер ёрилмаса, турк халқи, элингни, ҳукуматингни ким бузди?... Ўзинг адашдинг, ёмонни киритдинг. Қуролли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди? (КТк.22-23).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эътиборга сазоворлиси шундаки, Кул тигин битигида матн бўйлаб давом этиб келаётган эпосларга хос тасвир асар якунига бориб кескин ўзгаради, унинг ўрнини хазин мазмун эгаллайди. Билга хоқон иниси Кул тигиннинг ўлимидан қайғу-алам чекади: Иним Кул тигин вафот этди. Ўзим алам чекдим. Кўрар кўзим кўрмасдек, билар ақлим билмасдек бўлди [эс-ҳушимдан айрилдим], ўзим алам чекдим. Дунёни тангри ясайди, инсон боласининг бари ўладиган қилиб яратилган. Шунчалик алам тортдимки, кўзга ёш келса, азоб бериб кўнгилдан йиғи келса, қайта қайғурдим, қаттиқ алам чекдим (КТу.50-51). Матннинг бу қисми Енисей атрофларидан топилган қабр ёзувларидаги қайғули мазмунни эслатади.

Таъкидлаш жоиз, Кул тигин битигидан бундай марсиянинг ўрин олгани табиий. Чунки мангутош марҳум хотирасига ўрнатилган бўлиб, матни оғаси тилидан сўзланмоқда. Билга хоқон ёдномасига келсак, матннинг асосий-хоқоннинг ўз тилидан сўзланган қисмида бундай мазмун йўқ. Бироқ, муҳими шундаки, битиг ниҳоясида, хоқон сўзлари якунлангандан кейин унинг муаллифи Йўллуғ тигин отаси ўлимидан чеккан аламини изҳор этади. Матннинг ушбу қисмидан узуқ-юлуқ жумлалар сақланган. Мана ўша қисм: ...Билга хоқон вафот этди. Ёз бўлса, юқорида фалак(нинг) тоқи... тоғда кийик чопса, ўйлайман отам хоқон(ни) (Хс). Йўллуғ тигин худди шундай дарду аламини ўзининг аввалги асари-Кул тигин ёдномасининг охирига ҳам ёзиб қолдирган. У ерда ҳам муаллифнинг дил сўзлари хоқон нутқидан кейин келтирилади. Мана ўша сатрлар: Паноҳталаб ўғлонингизга, таянувчингизга қийинчиликда тарбият қилар эдингиз. Вафот этдингиз. Тангри яшатувчидир (К.II).

Кул тигин ва Билга хоқон ёдномалари хоқон ва улуғ саркарда хотирасига ўрнатилган оддий хотира битиглари эмас. У улуғ йўлбошчининг бутун турк элларига, келажак авлодга мурожаати, ўгитлари эди. Битиглар ўрнатилган манзилни эса халқ зиёрат қилиб, улуғ хоқон, миллий қаҳрамонлари хотирасини ёд этган. Битигларни ўқиб, улардан сабоқ олган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Туркий тарихнавислик: унинг шаклланиши ва такомили

Тарих битиш анъанасининг шаклланганига қадар туркий халқлар кечмиши ҳақидаги маълумотлар достон ва ривоятларда оғиздан оғизга ўтиб келар эди. Матн тузиш, ёзма тил (*битиг сӧз*) анъанаси билан баробар тарихнавислик (историография) ҳам юзага кела бошлади. Туркларнинг маънавий тафаккуридаги бу жараён кўк турк хоқонлиқлари даврида (илгарироқ бўлса борки, лекин кеч эмас) рўй берди.

Чин маънодаги тарихнавислик ўз йўлини, ҳарқалай, эпиграфика, хусусан, монументал матнлардан бошлаган кўринади. Эпиграфик матнлар, айниқса, монументал битигларнинг услубий талаби (матнда аниқ маълумотларнигина қайд этиш, тарих келтириш ва б.) тарихнависликнинг изга тушиб олиши учун имкон туғдирди. Муаррихлар хоқонлар, турк давлатчилигининг равнақига ҳисса қўшган кишилар тарихини аждодларга ана шу мангутошларда ёзиб қолдиришни истадилар. Шунга биноан, монументал матн тузишнинг ўзига хос принципларини яратдилар.

Кўк турк муҳитида тарих битилган ёдгорликларнинг энг эскиси Биринчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган турк амалдори Махан тигиннинг ўлими муносабати билан, тахминан, 583-588 йилларда ўрнатилган Буғут битигтошидир. Битигтош Мўғулистоннинг Архангай аймоғидан топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, тошдаги ёзув асли икки тилли бўлган. Ҳозирги сақланиб қолгани – тошнинг кенг қисми ва икки тор биқинидаги матни – суғдчадир. Тошнинг бошқа ёғи эса анча емирилган. Унда ҳарф изларинигина илғаш мумкин, холос. Лекин ушбу бўлакдаги матн қандай ёзув ё тилда эканлигини аниқлашнинг имкони йўқ. Айрим олимлар ушбу матн парчасини хитойча, баъзилар браҳма хатида бўлган деб фараз қилмоқдалар. Нима бўлганда ҳам унинг браҳма ёзувида эканлиги даргумон. Чунки браҳма хати, асосан, буддийлик муҳитида амал қилди. Эҳтимол, у суғдча матннинг туркий версияси бўлуви мумкин. Сабаби, тошдаги суғдча матнда қайд этилишича, бу қабр тошини «турклар ўрнатган» (қаранг: Исҳоқов 1989,39-40; тасвирига боқинг: (МТА, 157-164; Sertkaya 1995,177).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий матн тузиш тарихида олий даражадаги матн тузилиши, чин маънодаги тарихнавислик анъанасининг такомилини бошлаб Иккинчи турк хоқонлиқлари даврида битилган урхун обидаларида кузатамиз. Тўнюқуқ (712-716...?), Кули-чўр (721 йил), Қутлуғ хоқон (Унгин) (731 йил), Кул тигин (732 йил), Билга хоқон (735 йил) номлари билан машҳур мангутошлар ана шундай асарлар сирасига киради.

Енисей комплексига кирган баъзи қабр ёзувларида ҳам тарихий воқеалар баён этилган. Таъкидлаш керак, мазкур битиглардан кўпининг тикланган даври номаълум. Эҳтимол айримлари урхун мангутошлари билан чоғдош чиқар. Лекин улар ўзга маданий муҳитда, ўзга мактаб намояндалари томонидан битилган. Шу боис, уларнинг матн тузилиши ҳам ўзига хос. Енисей битигларининг эътиборга лойиқ хусусиятларидан бири уларда матн марҳумнинг ўз тилидан баён этилади. Марҳумнинг ўз оиласи, яқинлари, элидан айрилиқ дарди ифодаланади. Айрим битигларда унинг кўзи тириклигидаги жасоратлари тарихий фонда берилган (қаранг: Малов 1952; 10,26,32,44-45-сонли битиглардан тарихий воқеалар ҳам жой олган). Лекин ушбу обидалар матн қамрови, тузилиши билан урхун битигларига тенглаша олмайди.

Уйғур хоқонлиғи даврида ҳам ўзига хос тарихнавислик мактаби вужудга келди. Ушбу мактаб ҳам кўк турк мактаби анъаналарига суянди. Жумладан, 745 йили турк хоқонлиғи устидан зафар қозониб, уйғур хоқонлиғини тузган Мўюн-чўр хотирасига ўрнатилган қабр тоши ёки айни хоқонлиқ даврида тикланган тариат ёдгорлигида кўк турк (урхун) матнчилик анъанасини кузатамиз.

Урхун комплексига кирувчи асарларнинг иккиси – Кул тигин ва Билга хоқон битиглари матн тузилиши, қамрови билан ўзига қадар яратилган, чоғдош ҳамда кейинги юзйилликларнинг монументал матнларидан буткул ажралиб туради. Улар кўк турк хоқонлиқлари муҳитида яратилган монументал битигларнинг энг ажойибидир.

Кўк турк муҳитида турк тарихнавислиги шаклланибгина қолмай, улкан такомил босқичига ҳам эришди. Унинг такомил йўли Биринчи турк хоқонлиғи даврида ўрнатилган суғдча Буғут ёдномасидан бошлаб VIII юзйилликнинг биринчи ярмида ўрнатилган урхун битигларида ўз ифодасини топган. Муаррих, адиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўллуғ тигин турк тарихнавислигини юқори босқичга олиб чиқди. У туркий матннавислик ва тарихнависликда матн тузишнинг янги, хос шаклини яратди. Унинг асарларида турли тип матнлар аралаш қўлланган; хоқон мурожаати, ёрлиқлар, ҳатто марсия ва таърих муайян изчилликда умумий қолипга жойланган. Кул тигин ва Билга хоқон битиглари кўк турк матннавислигининг улуғ кашфиётидир.

Ислом давридан бошлаб Ўрта Осиё халқлари, хусусан, туркийларда қабрга ёзув битиш усули тамоман янги йўлга кўчди. Матн шакли ва мазмуни ҳам ўзгарди: кўк турк муҳитида битилган битиглардаги матн қамрови ўзгарди, тарихий воқеалар аввалгидай тўла-тўкис ёзилмайдиган бўлди, эпосларга хос тасвирлар ўрнини исломий мазмун олди. Энди тириклигида эътибор қозонган кишилар хотирасига тикланган битигларда Аллоҳнинг исми-сифатлари (ал-асма' ал-ҳусна), Қуръони Карим оятлари битиладиган бўлди; марҳум шаънига марсиялар ёзилди ва б. Лекин урхун битигларида шаклланган ва такомил топган тарихнавислик, анъаналари изсиз кетгани йўқ. Ўрта асрлар тарихнавислигида бу анъана тарих китобларига кўчиб, ривожланишда давом этди.

## Тарихнавислар. Кўк турк адабиётининг намояндалари

Турк хоқон ва амалдорлари хотирасига ўрнатилган қабр тошларидаги битиглар кўк турк даврининг тарихий, шу билан бирга, бадиий асарларидир. Айрим битигларда муаллифларнинг исмлари ҳам сақланган. Кўк турк муҳитида шуҳрат топган икки тарихнавис, адибнинг номи маълум. Иккови ҳам Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ижод этган. Булар Тўнюқуқ ва Йўллуғ тигиндир. Ўз даврининг энг йирик ва шуҳратли обидалари-Тўнюқуқ, Кул тигин, Билга хоқон битиглари шу тарихнавис ва адиблар қаламига мансуб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Тўнюқуқ

Билга Тўнюқуқ – Иккинчи турк хоқонлиғининг барпо этилуви ва салтанатнинг мустаҳкамланишига муносиб улушини қўшган давлат арбоби, шу билан бирга, тарихнавис, ўз даври адабиётининг йирик намояндаларидан эди. У уч хоқон – Қутлуғ (=Элтариш~Элтарис: ҳукмронлик даври 682-692 йиллар), Бўгу (=Қапған~Қапаған: 692-716 йиллар) ҳамда Билга хоқон (716-734 йиллар)нинг маслаҳатчиси ва саркардаси ўтган. Бу ҳақда Тўнюқуқ битигининг 50-52– сатрларида ҳам маълумот берилган. Айниқса, Қутлуғ ва Билга хоқон тахтда эканликлари чоғида унинг обрўси ва мавқеи баланд бўлган. Тўнюқуқ Билга хоқоннинг қайнотаси ҳам эди. Айрим хитай манбаларида у танг сулоласи даврида ўтган атоқли давлат арбоблари, улуғ донишманд ва саркардалар билан бир қаторга қўйилади.

Туркий битигларда унинг исми <Н> ёки <НЙ> билан икки хил ёзилган: ТОНуҚуҚ (Тўн.1) ҳамда ТОНЙуҚуҚ (ХЬ.14). Аввалги шаклидаги <н> талаффузда [нй] шаклида бўлган дейиш мумкин.

Тарихнавис ва адиб Тўнюқуқнинг бир асари етиб келган. Асар икки тошга битилган бўлиб, битиглар фанда муаллифнинг номи билан юритилади. Тўнюқуқнинг ҳаёти ва фаолияти шу асарда яхши берилган. Тўнюқуқни Йўллуғ тигин ҳам Билга хоқон хотирасига ўрнатилган битигида эслаб ўтади (Ха.14). Кули-чўр битигида Тўнюқуқнинг номи икки бор қайд этилган (КЧ.1-2). Яна ўша даврнинг хитойча манбаларида ҳам Тўнюқуқ ҳақида маълумотлар учрайди. Мазкур манбаларда унинг оти Юан-шжен. У Тўнюқуқ исмининг хитойча таржимасидир.

Тўнюқуқнинг туғилган ва вафот этган йили маълум эмас. Болалиги хусусида муаллиф ўз асарида шундай ёзади: Билгä Тонйуқуқ – бäн. Öзүм Табғач элингä қылынтым. Түрк бодун Табғачқа кӧрүр эрти - (Мен) Билга Тўнюқуқ-мен. Ўзим Табғач юртида туғилдим. (У чоғлар) турк халқи Табғачга тобе эди (Тўн.1)[1].

[1] Ушбу сатрнинг ўқилиши ва талқини ҳақида қаранг: Sertkaya 1995, 41-44. Баъзи олимлар бу сатрни икки гапга бўладилар. Яна сўнгги *қылынтым* сўзини



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лиу Мау-тсаи, хитой манбаларини таҳлил этар экан, Тўнюқуқ 716 йили етмиш ёшларда эди деган фикрни билдиради. Г. Клоусон, Л. Базин унинг ана шу фикрига таяниб, Тўнюқуқ 646-647 йилларда туғилган, деган хулосага келганлар (Sertkaya 1995,115).

Билга Тўнюқуқ битиги ёнма-ён ўрнатилган икки тошга ёзилган. Ёднома матни 62 сатрли бўлиб, унинг 35 сатри биринчи тошга, кейинги 27 сатри эса иккинчисига битилган. Ёдгорлик ҳозир ҳам ўзининг тикланган жойида. Атрофида яна бир қанча боши учган ҳайкаллар бор. 1957 йили мазкур комплексдан тўрт қаторли матн парчаси ҳам топилди (Sertkaya, ўша асар, 116).

Ёдномани муаллиф кўзи тириклигида тошга ёздирган: Түрк Билгä қаған илингä бититдим бäн Билгä Тонйуқуқ – Турк Билга хоқон давлатида ёздирдим, мен – Билга Тўнюқуқ (Тўн. 58). Матн унинг ўз тилидан ҳикоя қилинади. Бироқ битигнинг ёзилган санаси-да аниқ эмас. Баъзи олимлар ёдгорлик 712-716 йиллар орасида, баъзилар 720, бошқа бирлари 725-726 йилларда битилган деб тахмин билдирганлар. У. Серткая асарда акс этган тарихий воқеаларни таҳлил этиб ҳамда матнни Кул тигин, Билга хоқон битиглари билан ўзаро текстологик қиёслаш натижасида битиг бирмунча кеч – Билга хоқон тахтда эканлиги чоғида (Түрк Билгä қаған илингä бититдим), 732-734 йиллар орасида ёзилган деган хулосага келди. Унинг фикрича, Тўнюқуқ бу кезлар 85 ёшларда эди (Sertkaya, ўша асар, 119-128).

## Йўллуғ тигин

Йўллуғ тигин Иккинчи турк хоқонлиғи даврида (VIII асрнинг биринчи ярми) яшаб ижод этган тарихнавис, кўк турк ёзма адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. Обидаларни нашр эттирган олимлар транскрипцияда унинг исмини Йолығ~Йолуғ~Йоллуғ~Йулуғ шаклларида берадилар. Битигларда унинг оти икки хил ёзилган: ЙОЛҒТ'ИГН' (Х.1; КТк.13) ва ЙОЛЛҒТ'ИГН' (К.I). Кейинги <ЛЛ> билан ёзилган шаклини

---

«тарбияландим» деб изоҳлайдилар: Билга Тўнюқуқ, мен ўзим, Табғач давлатида тарбияландим. Турк халқи Табғачга қарам эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

инобатга олиб, бу исмни *Йоллуғ тигин* тарзида ўқиган маъқул. Исм таркибидаги *тигин* - «шаҳзода» деган маънони англатади.

Йўллуғ тигин тарихнавис сифатида хоқонликлар тарихини ўша давр битигларида ёзиб қолдирган. Унинг асарлари, айни чоғда, қадимги турк адабиётининг намуналари ҳамдир. Тарихнавис ва адиб Йўллуғ тигиннинг икки битиги маълум: иккови Иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтаришнинг ўғиллари хотирасига ўрнатилган мангутошларда. Бири Элтаришнинг кичик ўғли-саркарда Кул тигин (=Кўл тигин), иккинчиси-хоқоннинг катта ўғли Билга хоқон битигидир. Мангутошлар Мўғулистоннинг Кошо Цайдам водийсида Кўкшин-Урхун дарёсининг яқинида бири-биридан 1 км. узоқликда ўзининг ўрнатилган жойидан топилган.

Саркарда Кул тигин 731 йилнинг 27 февралида вафот этган: Күл тигин қонй йылқа йити йигирмикä учды. Тоқузунч ай йити отузқа йоғ äртүртимиз – Кул тигин қўй йилида, ўн еттинчи [кун]да ўлди. Тўққизинчи ой[нинг] йигирма еттисида азасини ўтказдик (КТу.53). Лекин битигтош ва мақбара комплекси кейинроқ – 732 йилнинг 21 августида тугалланган: Барқын бäдизин битигташ[ын] бичин йылқа йитинч ай йити отузқа қоп алқдымыз – Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой[нинг] йигирма еттисида бутунлай тугатдик (КТу.53).

Билга хоқон вафотининг санаси – 734 йилнинг 25 ноябрь ойи: (Билгä) қаған ыт йыл онунч ай алты отузқа уча барды – Хоқон ит йили ўнинчи ойининг йигирма олтисида вафот этди (Ха.10). Битигнинг ўрнатилган вақти номаълум. Лекин Йўллуғ уни 34 кун ўтириб битганлигини таъкидлайди: Бунча барқығ бäдизиг узуғ... қаған атысы Йоллуғ тигин мäн ай артуқы тöрт күн олуруп битидим, бäдизтим – Бундай иморатни, нақшни, санъатни... хоқон жигари Йўллуғ тигин мен бир ою тўрт кун ўтириб ёздим, нақшладим (X.I). Яна матнда йўғ маросимининг ўтказилган санаси ҳам қайд этилган: Лағзын йыл бишинч ай йити отузқа йоғ äртүртим – Тўнғиз йили, бешинчи ойнинг йигирма еттисида (=735 йил 22 июнь) йўғ қилдирдим (Ха.10). Шунга биноан, битигтош 735 йили ўрнатилгани аён бўлади.

Билга битигида Йўллуғ тигин хоқонни «отам хоқон» (қангым қаған) дея тилга олади: Қангым қаған ыт йыл онунч ай алты



www.ziyouz.com kutubxonasi

отузқа уча барды – Отам хоқон ит йили ўнинчи ойнинг йигирма олтисида ўлди (Ха.10). Ёки: Қангым түрк Билга қаған олуртуқунта – Отам турк Билга хоқон [тахтда] ўтирганда (Ха.13). У. Серткая матндаги ана шу қайдларни инобатга олиб, Йўллуғ тигин Билга хоқоннинг ўғли бўлган, деган мулоҳазани билдиради. Унингча, исм таркибидаги *тигин* ҳам шуни англатади (Sartkaya 1995,14). Менимча-да айни фикр тўғри.

Энди тубандаги фактга эътибор қаратайлик. Кул тигин битигида Йўллуғ ўзини «Күл тигин атысы» деб таъкидлайди: Күл тигин атысы Йоллуғ тигин битидим (К.II). Бу калимани отаси Билга хоқонга ўрнатилган битигда ҳам қўллаган: қаған атысы Йоллуғ тигин (Х.I). Мазкур битиглардаги *атьı* сўзини «невара, жиян» деб тушунадилар (қаранг: ДТС,67). Холбуки, муаллиф матнда Билгани «отам хоқон» дея атагани назарда тутилса, у бирйўла ҳам Кул тигиннинг, ҳам Билга хоқоннинг жияни бўла олмайди. Менимча, ҳар икки битигда қўлланган *атьı* сўзи «жигар, энг яқин киши» маъноларини англатган чиқар: Кул тигиннинг жигари Йыллуғ тигин; (Билга) хоқоннинг жигари Йыллуғ тигин.

## Кўк туркларнинг машҳур хоқон ва саркардалари

### Бумин хоқон

Бумин хоқон Биринчи кўк турк хоқонлиғининг қурувчисидир. Буминнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар оз: қадимги туркий битиглар, хитой манбаларида қисқа хабар берилади.

Кул тигин улуғ битигининг 1-4-қаторларида Бумин ва унинг турк салтанатининг равнақи йўлида олиб борган фаолияти ҳақида маълумот берилган. Айни матн Билга хоқон улуғ битигининг 2-5-сатрларида ҳам такрорланади.

Тўнюқуқ битигида ҳам муаллиф туркларнинг ўтмишини хотирлар экан, ўз хонига эга бўлган Биринчи кўк турк хоқонлиғи даврини тилга олади. Лекин у Бумин исмини атамаган (қаранг: Тўн.2-3).

Билга хоқоннинг саркардаси Алп Элетмиш хотирасига ўрнатилган дея тахмин этилаётган Унгин битигининг 1-сатрида ЙМИ ҚҒН ҳарфлар бирикмаси берилган. Бирикмадаги кейинги



www.ziyouz.com kutubxonasi

уч ҳарф *қаған* ўқилади, бунинг маъниси «хоқон» дегани. Аёнки, аввалги уч ҳарф хоқоннинг исми бўлади. Мавжуд нашрларда биз исм деб чамалаётган сўзни икки хил ўқиганлар. С.Е. Малов уни *Бумын* деб ўқиган (1959,8). Баъзи олимлар *Йамы* ўқиган (Абдураҳмонов, Рустамов 1982,142). Ҳарқалай, битигдаги ЙМИни *Бумын* эмас, *Йамы* ўқиган маъқул... Ҳарфлар гуруҳи шуни тақазо этади. Диққатга сазовор ери шундаки, Унгин битигидаги *Йамы* ҳам Кул тигин, Билга битигларида тилга олинган *Бумын* сингари *ачумыз апамыз* (ота-бобомиз) деб қайд этилади. Яна бир жиҳати, Унгин битигининг бошламасида ҳам кейинги икки битигдаги сингари туркларнинг узоқ ўтмиши - Биринчи турк хоқонлиғи ёдга олинган. Ями ҳақидаги маълумотлар эса Бумин ҳақидаги хотираларнинг қисқа баёнидан иборат. Мана ўша таъриф: Ачумыз апамыз Йамы қаған тӧрт булунгуғ қысмыс, йығмыс, йаймыс, басмыс – Ота-бобомиз Ями хоқон тўрт жиҳатни ушлаб турган, бирлаштирган, тебратиб, тинчитиб турган (О.1). Мазкур далиллар битигларда кечган *Йамы* билан *Бумын* бир шахс бўлуви мумкин деган фаразга олиб келади. Айрим тарихчиларнинг *Йамы – Бумын* нинг иккинчи отидир деган фикри, эҳтимол, чин чиқар.

Муҳими шундаки, битигларнинг барида Буминнинг ҳукмронлик даври туркларнинг идеал ўтмиши, Буминнинг ўзи эса хоқонларнинг улуғ бобоси, миллий қаҳрамон, доно ва ботир йўлбошчи сифатида хотирланади. Жумладан, Кул тигин битигида Бумин ва Истамининг таърифи тубандагича берилган: Тӧрт булунг қоп йағы ӓрмис. Сү сүлӓпӓн, тӧрт булунгдақы бодунуғ қоп алмыс, қоп баз қылмыс, башлығығ йүкүнтүрмис, тизлигиг сӧкүрмис – Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт жиҳатдаги халқни бутунлай олган, бутунлай қарам қилганлар. Боши борни юкунтирган, тиззаси борни тиз чўктирганлар (КТу.2). Битигларда ёзилувича, улар доно хоқон экан, баҳодир хоқон экан (билгӓ қаған ӓрмис, алп қаған ӓрмис). Вазири ҳам доно ва ботир экан, беклари, халқи ҳам тўғри экан (КТу.3). Хоқон вафот этганда атрофдан бўкли чўлгил, табғач, тупут, апар, пурум, қирқиз, уч қуриқан, ўтуз татар, қитан, татаби – шунча халқ келиб йиғлаган, аза тутган. У шундай машҳур хоқон экан (КТу.4).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Элтариш хоқон
## (... - 692)

Хоқон Элтариш (ёки Элтарис; битигларда ёзилиши: ИЛ'Т'Р'С' - Тўн.7,48; КТу.11; Х.10. Ёки: ä Л' Т' Р' С'- $0_4$)- Иккинчи кўк турк хоқонлиғининг қурувчисидир. Унинг бошқа бир оти- Ашина Қутлуғ.

Элтаришнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Тўнюқуқ, Кул тигин, Билга хоқон битигларида анча кенг маълумот берилган. Битигларда қайд этилишича, Элтариш чет-ёқада юриб, атрофига мард ўғлонларни йиғди ва улар билан бирга табғач ҳукмронлигига қарши кураш олиб борди. Жумладан, Кул тигин битигида Билга хоқон тилидан келтирилган шундай маълумотларни ўқиймиз: Отам хоқон ўн етти эр билан ташга чиқиб кетган. Ташда юрибди, деган овозани эшитиб, шаҳардаги ташга чиқибди, тоғдаги инибди. Терилиб, етмиш эр бўлибди... Шарққа, ғарбга лашкар тортиб, одам йиғибди, оёққа турғазибди. Ҳаммаси етти юз эр бўлибди. Етти юз эр бўлиб, давлатини йўқотган, хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, қул бўлган халқни, турк ҳукмронлигини бой берган халқни, ота-боболарим йўсунича оёққа турғазибди (КТу.11-13). Бу воқеа 682 йили содир бўлган эди. Элтаришнинг ҳукмронлиги билан Иккинчи турк хоқонлиғи даври бошланади.

У то ўлимига қадар – ўн йил (682-692) давлат тепасида турди.

Элтаришнинг хотини Эл Билга хотун (битиглардаги ёзилиши: ИЛ'Б'ИЛ'ГÄ ҚТУН-КТу.11) эди.

Элтаришнинг икки ўғли тарихда ном қолдирган: Билга хоқон ва саркарда Кул тигин.

Кул тигин битигининг хотимасида (КТу.49-50) Билга хоқон: «Онам хотун, кейинги оналарим, акаларим, келинларим, хонзодаларим, шунчангиз ҳам тиригингиз чўри бўлар эдингиз, ўлигингиз вайронада, йўлда ётиб қолар эдингиз. Кул тигин бўлмаса, бутунлай ўлар эдингиз» дея азият чекишига қараганда Элтаришнинг бошқа фарзандлари ҳам бўлган. Лекин улар ҳақида маълумот йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Бўгу хоқон
## (664/665-716)

Бўгу хоқонлиқнинг асосчиси Элтаришнинг инисидир. Элтариш ўлганидан кейин тахтга Бўгу чиқди ва 25 йил (692-716 йиллар) давлатни бошқарди. Хитой манбаларида унинг исми Мо-тжо (mo-tsch'o) деб берилган. Исмининг иккинчи қисми *тжо* туркий рун матнларида *ЧУР* га тенг келади. Мутахассислар бу сўзни аввалига *чур* деб ўқиган эдилар. Браҳма хатли туркий матнлар нашр этила бошлангандан кейин иккинчи ҳарфини *о* га ўзгартириб, *чор* деб ўқий бошладилар. Хитойчада *тжо,* браҳма хатли матнларда *чор* бўлгандан кейин, туркий рун хатидагиси ҳам *чор* бўлмоғи табиий. *Чор* нинг маъниси унвондир, даражаси хоқондан кейин туради. Бўгу тахтга чиққунга қадар чўр (Бөгү чор = хитойча: Мо-тжо) унвонида эди, 692 йилда хоқонлиққа эришди.

Унинг исми туркий матнларда икки хил: Тўнюқуқ битигининг 34-, 50-сатрларида Б'ҮГ(Ү) ҚҒН~Т'ҮР'К Б'ГҮ ҚҒН шаклида ёзилган. Ўқилиши: Бөгү (ёки Бөгö) қаған~түрүк Бөгö қаған. Кейинги шаклидаги *түрүк* сўзи нисба бўлиб, «жасур, музаффар» деган маънони беради. Айни битигнинг 60-61-сатрларида у *Қапған қаған* деб аталган (ёзилиши: ҚПҒН ҚҒН). Унгин ёдномасида ҳам у *Қапған* деб ёдга олинган (О.4).

Кул тигин ва Билга хоқон битигларида хоқон Бўгу Билга тилидан «амаким» (ӓчим) деб қайд этилган (қаранг: КТу. 16, 17, 26, 31, 43).

Бўгунинг ҳаёти ва фаолияти, хоқонлиқ даврининг тарихи Тўнюқуқ, Кул тигин, Билга хоқон ёдномаларида анча кенг берилган.

## Билга хоқон
## (684-734)

Билга (матнлардаги ёзилиши: Б'ИЛ'ГӒ) хоқон Элтаришнинг катта (эҳтимол тўнғич?) ўғлидир. Манбаларда унинг исми кўпроқ *түрк~түрүк* сифати билан қўшиб ёзилган: *түрүк Билгӓ қаған* (масалан: X.1). Бу бирикмадаги *түрүк*-исм компоненти



www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, билки нисбадир: «жасур» дегани (Бунинг маъноси ҳақида қўлингиздаги китобнинг 73-бетига қаранг).

Билга хоқон хитойча манбаларда *Мо-ки-лиен (~Мо-ги-лан)* деб аталган. Маъноси хусусида аниқ-таниқ хулосага келинмаган.

Билганинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бергучи манбалар анчагина. Хусусан, унинг хотирасига ўрнатилган ёдномада ва иниси Кул тигин шарафига ўзи қўйдирган қабр тошида ҳаёти, қилган ишлари батафсил ёритилган.

Билга хоқон битигида унинг ўз тилидан келтирилган шундай маълумотни ўқиймиз: [қангым] қаған учдуқда öзүм сäкиз йашда қалтым – Отам хоқон ўлганда ўзим саккиз ёшда қолдим (Х.14). Билганинг отаси Элтариш хоқон 692 йили ўлган. Шунга биноан, Билга тигин 684 (692-8) йили туғилганлиги аён бўлади. У 734 йили 25 ноябрда 51 ёшида вафот этди. Бу ҳақда унинг ўғли Йўллуғ тигин ёдномада шундай ёзади: Қангым қаған ыт йыл онунч ай алты отузқа уча барды – Отам хоқон ит йили ўнинчи ойнинг йигирма олтисида ўлди (Ха.10).

Элтариш хоқон вафот этганда шаҳзода Мўгилан (Билга) ҳали балоғатга етмаган эди. Шунинг учун ҳам тахтга унинг амакиси Бўгу ўтиради. Бу хусусда битигда шундай хотирланади: Ол тöрүдä үзä äчим қаған олурты... Äчим қаған олуртуқда öзүм тигин äрк... - Ўша ҳукумат бошига амаким хоқон бўлиб ўтирди... Амаким хоқон бўлиб ўтирганда ўзим шаҳзода эрк... (Х.14).

Билга 14 ёшида тардуш халқи узра шад бўлди: Тöрт йигирми йашымқа тардуш бодун үзä шад олуртым - 14 ёшимда тардуш халқи узра шад бўлиб ўтирдим (КТу.17; Х.15). У 19 йил шадлик лавозимида турди: Мäн тоқуз йигирми йыл шад олуртум – Мен ўн тўққиз йил шад бўлиб ўтирдим (Ха.9). У 32 ёшида (716 йил) амакиси Бўгу ўрнига хоқон бўлиб кўтарилди ва хоқон бўлиб 19 йил давлатни бошқарди; тоқуз йигирми йыл қаған олуртум (ўн тўққиз йил хоқон бўлиб турдим) деб ёзилган бу ҳақда битигда (Ха.9).

Билганинг тўнғич ўғли ота ҳали тириклигида касалга чалиниб нобуд бўлган. Ёдномадан шундай сўзларни ўқиймиз: Улуғ оғлум ағрып йоқ болуча Қуғ сäнгүнүг балбал тика биртим (Тўнғич ўғлим касал бўлиб нобуд бўлишига Қуғ сангунни балбал қилиб тикиб қўйдим) (Ха.9).



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Кул тигин
# (685-731)

Кул тигин Иккинчи турк хоқонлиғининг асосчиси Элтариш хоқоннинг кенжа ўғлидир. Унинг исми хотирасига ўрнатилган қабр тошида КҮЛ′Т′ИГН′ шаклида битилган (масалан, қаранг: КТу.26,27,30,31,32,35 ва б.). Мазкур исм таркибидаги кейинги тўрт ҳарф *тигин* ўқилади, бу қадимги туркийда «шаҳзода» дегани; у хоқоннинг ўғли бўлгани боис шундай ном олган. Аввалги уч ҳарфни баъзилар *Күл* деб ўқиб, исм маъносини «шаҳзода Кул» (Күл тигин) деб тушунадилар. Баъзи олимлар эса ушбу ҳарф бирикмаларини *Кӧл* деб ўқиб, маъносини «кўл»га боғлайдилар (қаранг: Sertkaya 1995, 129-133). Бу-да эҳтимолдан ҳоли эмас. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида уйғур хонининг нисбаси *кӧл билгӓ хан* (маъноси: ақли кўлдек демак), қорлуқларнинг катталари *кӧл эркин* ( маъниси: лиммо-лим кўл каби ақли кўп, ақли тўлган) деб қайд этилганлиги ҳам (МК I, 403,132) бунга асос бўла олади.

Кул тигин (ёки Кўл тигин) ҳаёти ва фаолияти ҳақида унга атаб битилган ёдномада яхши маълумот берилган. Ушбу ёдномани оғаси Билга хоқон Кулнинг ўлимидан бир йил ўтиб ўрнаттирган. Битиг муаллифи эса унинг жияни Йўллуғ тигиндир. Шунингдек, Билга хоқон битигида ҳам унинг ҳақида маълумот бор.

Кул тигин мақбара комплексидан унга атаб ўрнатилган ёзувли қабр тоши, ярим синган ҳайкаллар, тошбақа шаклли тош бўлаги, бино устунларининг қолдиқлари сақланган. Муҳими, буларнинг орасида Кул тигин ҳайкалининг боши ҳам бор. Унда бўрк кийган жиддий қиёфали ёш саркарда тасвирланган. Бўркига эса нақшлар билан қанотларини ёйиб турган қуш туширилган (расмларига қаранг: Sertkaya 1995, 161-176,178-179,181).

Ёдномада Кул тигиннинг туғилган йили ҳақида маълумот йўқ. Лекин битигда Билга хоқон тилидан Элтариш вафот этганда (яъни 692 йили) Кул тигин етти ёшли гўдак қолгани ҳақида маълумот бор: Қангым қаған учдуқда иним Күл тигин йит(и йашда қалты) - Отам хоқон ўлганда иним Кул тигин етти ёшда қолди (КТу.30). Шунга биноан, Кул тигин 685 йилда (692-7) таваллуд топгани аён бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳзода 731 йил 27 февралда 46 ёшида ўлди. Бу сана битигда қайд этилган: Кʏл тигин қоңй йылқа йити йигирмикä учды – Кул тигин қўй йилида (биринчи ой?) ўн еттинчи [кун]да ўлди (К.III). Ўша ерда яна йўғ маросими ўтказилган вақт, ёдгорлик, мақбара тикланган сана ҳам келтирилган: Тоқузунч ай йити отузқа [йоғ äртʏртимиз. Барқын бäдизин] битиг таш[ын] бичин йылқа йитинч ай йити отузқа қо[п ал]қд[ымы]з – Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ойнинг йигирма еттисида бутунлай тугатдик (ўша жойда).

## Тўнюқуқ битигида кечган *турк(~турук) сир бодун* бирикмаси ҳақида

Тўнюқуқ ёдгорлигида беш жойда Т'ʏР'К: С'ИР' БОДН~Т'ʏР'К С'ИР' БОДН бирикмаси учрайди (3,11,60,61,62-сатрлар). Ушбу бирикма, ҳарқалай, уч сўздан иборат. Биринчиси *тʏрк,* учинчиси *бодун* ўқилади. Қадимги туркий тилда *тʏрк* сўзи бир неча маънони англатган (қаранг: ДТС, 599). Қайд этилган бирикмада у этноним маъносидадир. Сабаби, ушбу калима *бодун* (яъни халқ) сўзига боғланмоқда. Жумбоқ уч ҳарфли иккинчи сўзда. Унинг ўқилиши ва маъноси хусусида туркшуносликда ҳали бир тўхтамга келинган эмас. Айримлар уни *сир* шаклида ўқиб (*тʏрк сир бодун*), ушбу жумлада туркий қавмлардан бирининг оти берилган дея талқин қилганлар (қаранг: ДТС, ўша жойда). Баъзилар бу уч ҳарфни *äсир* (яъни тутқун) деб ўқиб, бирикмани «турк тутқун халқи» дея шарҳлаганлар (Айдаров 1990,104-115. Юқоридаги сатрларнинг транскрипцияси ва шарҳига қаранг).

Қуйида ана шу сўзнинг ўқилиши ва маъносини кўриб чиқайлик. Ингичка товушларни билдирувчи ҳарфлар билан (С', Р') ёзилганлигини эътиборда тутиб, ушбу сўзни *сир* деб ўқиган маъқул (бироқ, маъносини чиқаришга ошиқмайлик). Шунда бирикма *тʏрк сир бодун* ўқилади.

Матнга эътибор берилса, ушбу бирикма 3,11,60-сатрларда *йäр* (яъни ер) сўзи билан бирикиб, унинг аниқловчиси бўлиб келади: *тʏрк сир бодун йäри.* Кўринадики, бу сатрларда айни



www.ziyouz.com kutubxonasi

халққа (*түрк сир бодун* га) тегишли ер (ҳудуд, давлат, мамлакат) назарда тутилмоқда. Шунга мувофиқ, *түрк сир бодун* атамаси муайян элга нисбатан қўлланганн аён бўлади. Лекин бирикмадаги *сир* сўзини туркий қавмлардан бирининг оти деб тушунмаслик керак.

Таъкидлаш жоизки, қадимги туркий тилда этнонимларнинг грамматик, семантик-стилистик жиҳатдан шаклланган қолипи мавжуд. Жумладан, *түрк* сўзи барча туркий қавмларнинг (уюшманинг) умумий номини билдирган. Матнларда туркий қавмлар *түрк бодун, түрк эли* деб аталган. Бирон бир туркий қавм назарда тутилган тақдирда ўша қавмнинг номи *бодун, эл* сўзларига қўшиб айтилган: *оғуз бодун, тоқуз оғуз бодун, қырқыз бодун, қарлуқ бодун* каби. Туркий бўлмаган халқларнинг номи ҳам шундай тартибда: *табғач бодун, соғдақ бодун* ва б. Ана шу тартиб назарда тутилса, *түрк сир бодун* бирикмасидаги *сир* сўзи қавмнинг номи эмас, балки халқ (бодун)нинг сифати эканлиги маълум бўлади.

Айни қолипдаги бошқа бир бирикмани «Сюань-цзан кечмиши» асарининг туркий версиясида ҳам учратамиз. Асарнинг VI бўлимида *түрк йочул бодун* бирикмаси қўлланган (қаранг: СЦVI,43,18-19;44,25). Л.Ю. Тугушева ушбу бирикмани «кўчкин турк халқи (тюркский кочевой народ-хунну) деб изоҳлайди (Тугушева 1991,17-24).

Энди матнда келтирилган далиллар асосида *түрк сир бодун* ҳудудини аниқлаб кўрайлик. Маълумки, Кул тигин ва Билга хоқон битигларида *кӧк түрк* атамаси мавжуд. Битигларда кўк турклар яшайдиган ҳудуд чегараси ҳам таърифланган (мисолларнинг ўзбекча талқинини келтирамиз): Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт ёқдаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай тобе қилганлар. Боши борни юкунтирганлар, тиззаси борни тиз чўктирганлар. Олдинга (шарққа) Қадирқан йишга, орқага (ғарбга) Темир қопиққача манзил қилганлар. Иккисининг (Қадирқан ва Темир қопиғнинг) орасида хўжайинсиз, танобсиз (чексиз ерда) асл турк (кӧк түрк) шу тарзда яшар экан (КТу.2-3). Демак, матнда номи келтирилган *кӧк түрк* халқининг ери шарқда Темир қопиққача улкан ҳудудга чўзилган эди. Айни факт асосида хулоса қилинадиган бўлса, бу атама бутун туркий



www.ziyouz.com kutubxonasi

қавмларга нисбатан қўлланилгани аён бўлади. Демак, ўша давр турклари шундай аталган.

Тўнюқуқ битигида қайд этилган «турк сир бўдун ери»нинг чегараси эса нисбатан кичик: Шарқда Қитан, жанубда Табғач, ғарбда Қурдан, шимолда Ўғуз эли билан ўралган (қаранг: Тўн.14). Матнда ёзилувича, унга ўнгдан табғач, олдиндан қитан, чапдан ўғуз бирлашиб, ҳужум уюштирадилар (Тўн.11-12). Битигда Элтариш хоқон тасарруфидаги ҳудудгина «турк сир бўдун ери» деб қайд этилади (Тўн.12). Муҳими, ушбу атама туркий қавмларнинг бари учун қўлланган эмас. Чунончи, матнда ўн ўқ хоқони, қирқиз хоқони ҳам душман ва улар ушбу ҳудуддан ташқаридаги улуслар деб таърифланади (Тўн.19-20).

Битиг охиридан Билга хоқон давридаги воқеалар тафсилоти ҳам жой олган Бу ўринда ҳам турк сир халқи ўғузлардан айри эл сифатида таърифланади: Түрк Билгä қаған түрк сир бодунуғ, оғуз бодунуғ игидү олурур – Турк Билга хоқон турк сир халқини, ўғуз халқини тарбият қилиб турибди (Тўн.62).

Демак, *түрк сир бодун* атамаси туркий қавмларнинг барини эмас, муайян қисмини билдирган. Шунга биноан, «турк сир бўдун»ни кўк туркларнинг бир бўлаги дейиш мумкин. Ҳудудига кўра шарқий туркларга тўғри келади. Битигда келтирилган табғач, ўн ўқ хоқони, қирқиз хоқони-учови бирлашиб, шарққа-турк хоқонига лашкар тортиш тараддудида эканлиги ҳақидаги маълумотда ҳам бунга ишора бор. Мана ўша сатрлар: Табғач хоқони душманимиз эди. Ўн ўқ хоқони душманимиз эди. Яна қирқизнинг кучли хоқони (ҳам) душманимиз бўлди. Ўша уч хоқон фикрлашиб, Олтун йиш устига талон солайлик дебди, шундай фикрлашибди. Шарққа-турк хоқонига лашкар тортайлик, дебди (Тўн.19-20).

Мисоллардан англашиладики, Тўнюқуқ битигида кечган *түрк сир бодун* атамаси этнос ёки қавмни эмас, балки хоқонликнинг муайян ҳудудида яшовчи туркий улусни билдирмоқда. Менимча, ушбу атама туркий элнинг ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисмига нисбатан қўлланган чиқар. У шаҳар маданиятига эга ҳамда қишлоқ шароитида деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ ҳаёт кечирувчи халқни билдирган (*сарт* атамаси ҳам, ўрни билан, ўтроқ аҳолини билдиргани манбашуносларга яхши маълум).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунга биноан, битигларда кечган қадимги туркларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт тарзини ифода этган уч атама маъносини фарқламоқ керак: *кӧк түрк* – Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари давридаги туркий улуснинг умумий номини билдирган; *түрк сир бодун* – туркларнинг ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисми; *түрк йочул бодун* эса туркларнинг чорвачилик билан кун кўрувчи, кўчманчи ҳаёт тарзига эга қисмини англатган.

## Битигларда акс этган тарихий воқеалар

Урхун ёзув мангутошлари кўк турк даври тарихнавислигининг ажойиб ёдгорлиги, тарих китобларидир. Матнларда туркларнинг бундан ўн тўрт-ўн икки аср бурунги тарихи, хоқон ва саркардаларнинг кечмиши муайян изчилликда баён этилган. Ушбу тарих Биринчи кўк турк хоқонлиғининг ўрнатилиши (VI асрнинг иккинчи ярми)дан то Иккинчи кўк турк хоқонлиғининг гуллаб-яшнаган даврлари (734 йил)ни ўз ичига олади.

## Биринчи кўк турк хоқонлиғи

Битигларда Биринчи кўк турк хоқонлиғининг тарихи қисқа баён этилган. Жумладан, Кул тигин ва Билга хоқон битигларида Буминнинг хоқон бўлиб давлат тахтига келиши, унинг замонида турк давлатиниг қудратли салтанатга айлангани, Бумин ва Истами ўлимидан кейин эса мамлакат инқирозга юз тутиб, табғачлар қарамлигида қолганлиги хусусида сўз боради. Тўнюқуқ, Унгин ёдномаларида эса бу давр тарихи ўта қисқа. Умуман, VIII асрда яшаган муаррихларга ўзидан икки аср аввалги тарих анчайин узоқ туюлган кўринади. Қолаверса, улар битигларда Биринчи турк хоқонлиғи тарихини тўла-тўкис ёзишни мақсад қилиб қўймаган эдилар. Шу боис Иккинчи турк хоқонлиғи даври обидаларида бу маълумотлар оз.

Биринчи кўк турк хоқонлиғи тарихнинг 552 йили бунёдга келди. Унинг қурувчиси Бумин хоқондир. Бумин шарқи Қадирқан йишдан ғарби Темир қопиққача бўлган улкан ҳудудда қудратли давлат барпо қилди. Кул тигин битигида бу хусусда шундай ёзилган: Илгäрү Қадырқан йышқа тäги, кирү Тäмир қапығқа тäги қонтурмыс. Икин ара иди оқсыз кӧк түрүк анча олу-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рур ärмис – Шарққа Қадирқан йишга қадар, ғарбга Темир қопиққача манзил қилдирган. Иккисининг орасида хўжайинсиз, танобсиз [чексиз ерга эгалик қилиб], кўк турк шу тарзда яшар экан (КТу.2-3).

Унгин битигида бу давр «Ота-бобомиз Ями [яъни Бумин?] хоқон тўрт тарафни ушлаб турган, бирлаштирган, тебратиб, тинчитиб турган» (Äчүмиз апамыз Йамы қаған төрт булунгуғ қысмыш, йығмыш, йаймыш, басмыш) дея хотирланади (О.1). Муаррих Тўнюқуқ эса ота-боболар қурган қудратли салтанатни «турк халқи хонли бўлди» (түрк бодун қанланты) деб эслайди (Тўн.2).

Хоқонлиқ узоқ тургани йўқ. Бумин хоқоннинг ўлимидан сўнг бирлик йўқолди, мамлакатда ички низо авж олди ва 581 йили икки (Шарқий ва Ғарбий кўк турк хоқонлиқлари)га бўлиниб кетди. Парчаланган ушбу давлатлар ҳам узоқ яшай олмади. Тахт учун кураш, ички низо ўша-ўша давом этаверди. Бу вазиятдан хоқонлиқнинг азалий душмани бўлиб келган табғач (хитой) фойдаланиб қолди: ҳийла билан орага кириб, ниҳоят 630 йилга келганда турк давлатини ўзига қарам қилиб олди.

Буминнинг ўлимидан сўнгги низолар, мамлакатда рўй берган жоҳилликлар Кул тигин битигида шундай тасвирланган: Шундан кейин иниси хоқон бўлган экан, ўғли, жигари хоқон бўлган экан. Ундан кейин иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўғли отасидай иш тутмаган экан. (Тахтда) жоҳил хоқон тургани учун, бадфеъл хоқон экани учун вазири ҳам калтафаҳм экан, ёвуз экан (КТу.4-5).

Табғач давлатининг орага кириши ва туркларнинг унга буткул қарам бўлиш воқеаси хусусида эса битигдан ўқиймиз: Табғач халқи ҳийлакор, тўймаслиги учун, фирибгари бор учун, ини ва оғани (бир-бирига) қайрагани учун, беги ва халқини бир-бирига чаққани учун турк халқи ушлаб турган давлатини қўлдан чиқариб юборган, хоқонлик қилиб турган хоқонини йўқотиб юборди. Табғач халқига бек бўладиган ўғли билан қул бўлди, сулув қизи билан чўри бўлди. Турк беклар туркча отини ташлаб, табғачлик бекларнинг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонга қарам бўлди (КТу.6-8).

Унгин битигида Бумин ўлимидан кейинги давлат инқирози ва туркларнинг Табғачга қарам бўлиб қолуви қисқа, шу билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

бирга, ярим ўчган ҳолда сақланган. Ўша сатрлар мазмуни шундай: Ул хоқон йўқ бўлгандан кейин давлат йўқолган, қўлдан чиққан, тарқаб кетган... Хоқонлиқ қилган хоқонини қўлдан бериб, ўз ҳолига қолган турк халқи шарққа – кунтуғарга, ғарбга-кунботарга, жанубга – Табғачгача, шимолга йиш... (О.1-2).

Тўнюқуқ эса бу узоқ ўтмиш ҳақида ёзади: (Турк халқи) хоқонини қўйиб, яна Табғачга қўшилди(таслим бўлди). Тангри шундай деган шекилли: Хон бердим. Хонингни қўйиб, таслим бўлдинг. Таслим бўлгани учун тангри «ўл» деган шекилли, турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди. Турк сир халқи ерида (бирор бут) уруғ қолмади (Тўн.2-4).

Туркларнинг Табғачга қарамлиги эллик йил давом этди. Кул тигин битигида бу муддат «эллик йил меҳнатини, кучини бериб-ди» (ӓлиг йыл исиг күчүг бирмис) деб қайд этилади (КТу.8).

## Иккинчи кўк турк хоқонлиги

Битигларда Иккинчи кўк турк хоқонлиги тарихи анча батафсил ёзилган.

Мазкур хоқонлиқ тарихнинг 682 йили ташкил топди. Унинг қурувчиси Элтариш хоқон эди. Узоқ давом этган қарамликдан сўнг турклар табғачларга қарши бош кўтарди. Ушбу ҳаракатлар бошида Элтариш турди. У чет ёқада юриб, атрофига элпарвар ўғлонларни йиғди; уларнинг бошини қовуштириб, босқинчи-ҳукмдорларга қарши кураш бошлади. Турклар тарихидаги бу ҳаракатлар Кул тигин битигида Билга хоқон тилидан шундай таърифланган: Отам хоқон ўн етти эр билан ташга чиқиб кетибди. «Ташда юрибди» деган овозани эшитиб, шаҳардаги ташга чиқибди, тоғдаги инибди. Терилиб, етмиш эр бўлибди <...> Шарққа, ғарбга лашкар тортиб, [одам] йиғибди, [оёққа] турғазибди. Ҳаммаси етти юз эр бўлибди. Етти юз эр бўлиб, давлатини йўқотган, хоқонини йўқотган халқни, турк ҳукмронлигини бой берган халқни ота-боболарим йўсунича оёққа турғазибди (КТу.11-13).

Тўнюқуқ ҳам табғачга қарши етти юз нафар эр билан кураш бошлангани хусусида маълумот берган: Тўқайда, тоғу тошда қолгани тўпланиб, етти юз киши бўлди (Тўн.4). Муаррихнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзувича, бу черикнинг икки қисми отлиқ, бир қисми яёв эди (ики ҮлҮги атлығ ärти, бир ҮлҮги йадағ äрти) (ўша жойда).

Элтаришнинг эл мустақиллиги йўлида олиб борган ҳаракатлари, турк давлатини тиклаб унда юритган фаолиятлари ҳақида Тўнюқуқ ўз асарида аниқ ва кенг маълумот берган. У мазкур тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган ва уларда ўзи иштирок этган. Элтаришнинг энг содиқ маслакдоши, кенгашчию саркардаси Тўнюқуқ эди. «Алломаси, човуши мен ўзим эдим» (билгäси, чабысы бäн-öк äртим) ёки яна бошқа сатрда: «Ўшанда маслаҳатчиси ҳам менинг ўзим эдим, урушувчиси ҳам мен эдим» (Анта айғучы йäмä бäн-öк äртим, йағычысы йäмä бäн äртим) деб ёзади бу ҳақда тарихнавис (Тўн.7;49-50). Элтаришнинг фарзанди Билга тигин (Мўгилан) эса ҳали бу кезларда гўдак эди. Кул тигин ва ўз хотирасига ўрнатилган битиглардаги отасининг фаолиятлари хусусидаги маълумотларни у кейинчалик кимдандир тинглаган ёки бирор манбадан ўқиб, ўғли Йўллуғга ёздирган кўринади.

Тўнюқуқнинг ёзишича, Элтариш қўшини бошлаб Чуғай қуз ва Қорақумни манзил қилди. Ҳали у чоғда Ўтукан хоқонлиқ маркази эмасди. Жанубда Табғач, шарқда Қитан, шимолда Ўғуз хоқони унга душман эди. Элтариш черигги уларнинг тинчини бузди. Ўғуз хоқони Табғач ва Қитан хоқонига элчи юбориб, тил бириктирди: бирлашиб Элтаришга қарши курашишга келишиб олди. Келишувга биноан турк сир халқи (тҮрк сир бодун) юртига ўнгдан Табғач, олдиндан Қитан, чапдан Ўғуз ҳужум уюштирмоғи керак эди. Бунинг хабарини Ўғуздан қайтган кузатувчи келтирди. Буни эшитгач, кенгашчи Тўнюқуқ Элтаришга маслаҳат солди; хоқондан изн сўраб, қўшинни курашга бошлади. Қўшин Кўк ўнгни босиб Ўтукан йишга йўл солди. Инигак кўл ёнида ўғузлар билан Тўнюқуқ лашкари тўқнашди. Унинг лашкари икки минг, душман уч минг эди. Жангда ўғуз таслим бўлиб, Ўтуканга йўл очилди. Шундан сўнг Элтариш Ўтуканга ўрнашди. Бу воқеа 687 йили содир бўлди.

Кул тигин ва Билга хоқон битигларида Элтаришнинг тахтда ўтирган чоғидаги мазкур тарихий воқеалар ҳақида шундай ёзилган: Жанубда табғач халқи душман экан, шимолда Баз хоқон, тўқуз ўғуз халқи душман экан, қирқиз, ўтуз татар, қитан, татаби



www.ziyouz.com kutubxonasi

бутунлай душман экан. Отам хоқон бунча... қирқ етти марта лашкар тортган, йигирма марта жанг қилган. Тангри ёрлақагани учун давлатлини давлатсизлантирган, хоқонлини хоқонсизлантирган, душманни эл қилган, тиззаси борни чўккалатган, боши борни таъзим қилдирган (КТу.14-15). Лекин мазкур битигларда Элтаришнинг Ўтуканга кўчиши ҳақида ҳеч гап йўқ. Яна ушбу матнда Элтариш қирқ етти марта лашкар тортиб, душманга қарши йигирма марта жанг қилгани таъкидланмоқда (қырқ артуқы йäти йолы сүлäмис, йигирми сүнгүс сүнгүсмис). Тўнюқуқ эса унинг курашлари ҳақида ёзади: Элтариш хоқон билгаси билан бўлгани учун, қаҳрамони билан бўлгани учун Табғачга қарши ўн етти марта уруш қилди, Қитанга қарши етти марта уруш қилди, Ўғузга қарши беш марта уруш қилди (Тўн.48-49).

Элтариш ўн йил хоқон бўлиб тахтда ўтирди. 692 йили у вафот этгандан кейин тахтни Бўгу хоқон (Қапған хоқон) эгаллади. Бўгу хоқон бўлиб турганда Билга тигин (Мўгилан) тардуш халқи устидан шад эди. Кул тигин ва Билга битигида Бўгунинг фаолиятлари Билга хоқон тилидан шундай ёзилган: Амаким хоқон билан шарққа Яшил ўгуз (Хуанхе дарёси), Шантунг текислигигача лашкар тортдик, ғарбга Темир қопиққача лашкар тортдик (КТу.17). Бошқа бир ўринда бу тарихий воқеалар Билга тилидан шундай берилган: Шарққа Шантунг текислигигача лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга Тўқуз арсангача лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Ғарбга Йинчу ўгуз (Сирдарё)ни кечиб, Темир қопиққача лашкар тортдим, шимолга Ер Байирқу еригача лашкар тортдим, шунча жойгача юриш қилдим (КТк.3-4).

Тўнюқуқ асарида ушбу тарихий воқеалар тафсилоти бирмунча кенг. Мазкур воқеалар Тўнюқуқ фаолияти билан боғлиқ кечади. Битигда ёзилишича, турк эли [ер юзига] ўрнашгандан бери, турк хоқони тахтга ўрнашгандан бери Шантунг шаҳрига, денгиз, дарёга етмаган эди. Тўнюқуқ бош бўлиб турк қўшини Шантунг шаҳрига, денгиз, дарёга етди. Йигирма уч шаҳар мағлуб бўлди. Бундан саросимага тушган Табғач, Ўн ўқ, Қирқиз хоқони шарққа – турк хоқонига қарши лашкар тортмоққа келишиб олдилар. Ёвнинг бу ниятидан хабар топган Тўнюқуқ Кўгман (Саян)га йўл солди. Қиш бўлгани туфайли ягона йўлни қор



www.ziyouz.com kutubxonasi

босган эди. У суруштириб, шу ерлик йўл бошловчини топди. Қўшин йўл бошловчи ортидан ёлғиз от юрадиган сўқмоқ билан қорли довонни кечишга мажбур бўлди. Йўлда ерчи ҳам янглишиб, қўшин анча азобда қолди. Хоқон буйруғига кўра қўшин Ани ёқалаб сувнинг қуйисига юрди. Водийда черик дам олди. Нафас ростлангач, Қирқизга ҳужум бошланди. Кучли жангдан сўнг қирқиз халқи таслим бўлди. Қўшин Кўгманни айланиб манзилга қайтди. Қирқизларга қарши юриш ана шундай қийин кечди.

Кул тигин битигида қирқизларга қарши ҳужум Кул тигин фаолиятига боғлиқ ҳолда тасвирланган. Ушбу воқеалар Билга хоқон тилидан шундай баён этилган: Кул тигин... ёшида Қирқиз томон лашкар тортдик. Найза ботими қорни ёриб, Кўгман йишга кўтарилиб юриб, қирқиз халқини қўққисдан босдик. Хоқони билан Сунга йишда жанг қилдик. <....> Қирқиз хоқонини ўлдирдик, давлатини олдик (КТу.35-36). Билга хоқон битигида қирқизларга ҳужум хоқон фаолияти билан боғлиқ ҳолда берилган. Чунончи, битигда хоқон тилидан ушбу ҳодисалар хусусида шундай хотирланади: Йигирма етти ёшимда Қирқиз томон лашкар тортдим. Найза ботими қорни ёриб Кўгман (Саян) йишни ошиб қирқиз халқини қўққисдан босдим. Хоқони билан Сунга йишда жанг қилдим. Хоқонини ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим (X.26-27). Эътибор берилса, матнда Билга йигирма етти ёшида Қирқиз элига жанг қилгани таъкидланмоқда. Шунга биноан, бу жанг тарихнинг 711 йили содир бўлгани аён бўлади.

Бу воқеалардан сўнг Тургаш, Ўн ўқ, Табғач хоқони тиллашиб, туркларга қарши кураш бошладилар. Айни чоғда Бўгунинг аёли – хотун вафот этган эди. Хоқон унинг маросимини ўтказиш учун уйга қайтди. Қўшинга бош бўлиб лашкарбоши Инал хоқон, Тардуш шади Мўгилан қолди. Маслаҳатчи этиб Тўнюқуқни қўшди. Хоқоннинг кўрсатмасига кўра қўшин Олтун йишда ўрнашди. Уч кузатувчи хабар келтирди. Гапига қараганда, душман бекаму кўст йўлга чиққан. Ярис даштида йиғиламиз, деган. Тўнюқуқ Бўгуга бу хабарни жўнатди. Кўрсатма қайтгач, доно маслаҳатчи унга амал қилиб ўз билгича иш тутди. Қўшин Олтун йишни ошиб, Эртиш дарёсидан кечиб жанг майдонига етдилар. Кузатувчи тил тутиб келтирди. Унинг хабарича, Ярис даштида ўн туман (юз минг) лашкар терилган эди. Бу хабардан беклар



www.ziyouz.com kutubxonasi

чўчиб қолди. Лекин Тўнюқуқнинг даъвати туфайли лашкар орқага қайтмади. Икки кун қаттиқ жанг бўлди. Жангда Тардуш шади Билга ҳам шижоат кўрсатди. Душман таслим бўлди. Шу зайлда ўн ўқ беклари, халқи енгилди.

Тургашларга қарши кураш Кул тигин битигида шундай тасвирланади: ...Эртиш дарёсини кечиб юрдик. Тургаш халқини қўққисдан босдик. Тургаш хоқон лашкари Бўлучуда ўтдай-бўрондай келди. Жанг қилдик. <...> Хоқонини ўшанда ўлдирдик, элини олдик. Оддий тургаш халқи бутунлай таслим бўлди (КТу.37-38). Бу воқеалар Билга битигида шундай таъриф этилган: Олтун йишни ошиб, Эртиш дарёсини кечиб, юриш қилдим. Тургаш халқини қўққисдан босдим. Тургаш хоқоннинг қўшини ўтдай-бўрондай келди. Бўлучуда жанг қилдик. Хоқонини, ябғусини, шадини ўшанда ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим (Х.27-28). Билга хоқоннинг хабарига қараганда бу воқеалар ҳам ўша йили (яъни қирқизларга карши юриш бўлган йили) кечган (қаранг: Х.27).

Ўн ўқ ва тургашлар билан бўлган жангдан сўнг Тўнюқуқ битигида Йинчу ўгуз (Сирдарё)ни кечиб Темир қопиққача лашкар тортилгани хусусида сўз боради. Кул тигин битигида ушбу сафар ҳақида икки ўринда қайд этилган: «Суғдақ халқини тузатайин деб, Йинчу ўгузни кечиб, Темир қопиққача лашкар тортдик» деб ёзилган битигда мазкур юриш Билга хоқон тилидан (қаранг: КТк.3-4; КТу.39).

Тарихнинг 714 йили турк қўшини Бешбалиққа ҳужум қилди. Бу хусусда «Ўттиз ёшимда Бешбалиқ томон лашкар тортдим» дея қайд этилади Билга битигида хоқон тилидан (Х.28). Олти марта жанг бўлди. Аҳоли таслим бўлгач, шаҳар омон қолди. 715 йили қарлуқлар билан муносабат кескинлашиб, жанг бошланди. Жанг Тамғидуқ башда кечди. Билга битигида ушбу воқеа хусусида шундай битилган: «Ўттиз бир ёшимда қарлуқ халқи бениҳоя бегоналашиб кетгач, душман бўлди. Тамғидуқ башда жанг қилдим. Қарлуқ халқини ўлдирдим, ўшанда қўлга олдим» (Х.29). Бу жанг ҳақида Кул тигин битигида ҳам маълумот берилган. Унда таъкидланишича, Кул тигин ўша кураш бўлган кезлар ўттиз яшар эди (КТу.41-42). Орадан бир йил ўтиб (716



www.ziyouz.com kutubxonasi

йил) аз халқи билан уруш чиқди. Қора кўлда жанг бўлди. Аз халқи енгилди.

Ушбу жанг ҳақидаги маълумотлардан сўнг Кул тигин битигида изгил халқи билан бўлган тўқнашув ҳақида қайд этилган. «Амаким хоқон давлати заиф бўлганда, халқ ўлиб, касал бўлиб турганда изгил халқи билан жанг қилдик» деб ёзилган битигда (КТу.43). Чамаси, бу жумлада давлат ичидаги тинчсизлик даври назарда тутилган кўринади. Манбалардан маълумки, айни кезлар ички низолар авж олиб кетди. Бўгу хоқон ўлиб, ўрнига Инал тахтга чиқди. Лекин Иналга хоқонлик тахти узоқ насиб этмади. У амакиваччаси Кул тигин томонидан ўлдирилди ва Элтаришнинг тўнғич ўғли Билга (Мўгилан) тахтга чиқди.

Манбалардан англашилувича, Бўгу хоқоннинг икки фарзанди бўлган. Биринчи фарзанди Тўнга тигин 714 йили вафот этди. Иккинчи ўғли Инал хоқон эди.

Бўгу тахтда эканлиги чоғида оғасининг икки ўғли – Билга (Мўгилан) тигин ва Кул тигин ёш эди. Мўгилан 14 ёшга тўлганда (698 йил) уни тардуш халқи уза шад қилиб тайинлади. Лекин тахтга ўз ўғилларини қолдириш ниятида уларнинг бирини «кичик хоқон» деб эълон қилди (699 йил). Инал хоқон исмининг маъноси ҳам «кичик хоқон» (ини эл хоқон)дир (қаранг: Sertkaya 1995, 13-14; 76-93).

Матнда унинг исми ИН'Л' ҚҒН шаклида ёзилган. Буни *Инӓл қаған* ўқиган маъқул. Чамаси, *ини ӓл* нинг талаффузи шундай бўлган кўринади.

Тўнюқуқ битигининг 31-сатрида Бўгунинг фарзанди *Инӓл қаған*, Билга эса *тардуш шад* деб қайд этилади. Айни битигнинг 45-сатрида Темир қопиғ сафари хотираларида (711 йил) ҳам Инал хоқон тилга олинган.

Таомилга мувофиқ, Бўгудан сўнг тахтга унинг асл ворийси Элтаришнинг тўнғич ўғли Билга кўтарилуви керак эди. Бироқ Бўгунинг васияти ва тириклигидаги уринишлари туфайли тахтга ўз ўғли Инал хоқон чиқди. Бу адолатсизликдан Элтаришнинг ўғиллари жумбушга келди. Кул тигин бунга қарши бош кўтариб, оғаси Билгани тахтга қўйишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, Элтаришнинг тўнғич ўғли тахтга чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир маҳаллар тўқуз ўғузлар билан муносабат жуда яхши эди. «Тўқуз ўғуз менинг халқим эди» деб таъкидланади битигда (КТу.44). Лекин, орада низо чиқиб, тўқуз ўғузлар билан ҳам келишмовчилик бошланди. Битигда ёзилишича, бир йилда беш марта жанг бўлди. Тўқнашув аввал Тўғу шаҳрида кечди. Иккинчи бор Қушлағақда адиз халқи билан жанг бўлди. Учинчи марта ўғуз билан жанг бўлди. Тўртинчи марта Чуш бошида жанг кечди, турк халқи оёқдан қолди. Бешинчи жанг ўғузлар билан Азганти Қадазда бўлди (КТу.44-47). Айни маълумотлар Билга хоқон битигида ҳам келтирилган. Бироқ унда бир йилда тўрт марта жанг борганлиги таъкидланган. Чамаси, бу ўринда Билга хоқоннинг ўзи қатнашган жанглар назарда тутилган кўринади. Биринчи жанг Тўғу шаҳрида, иккинчиси Антарғуда, учинчиси-турк халқи оёқдан қолгани - Чуш бошида, тўртинчи жанг Азганти Қадазда кечди (қаранг: Х.29-31). Бу жанглар Билга хоқон тахтга ўтиришидан бир оз илгари рўй берди.

Муҳим бир маълумотга диққатни қаратсак шу ўринда. С.Е. Малов нашрида ушбу тўқуз ўғузларга қарши воқеалар тафсилотидан сўнг матн шундай давом этади: [қырқ йашы]ма Мағы Қорған қышладуқда йут болды, йазынга Оғуз тапа сүлäдим. Бунинг таржимаси: Во время моей зимовки в Магы Кургане (в крепости Магы Амгы), на сороковом году моей жизни, случился падеж скота. К весне (того года) я двинулся против огузов (Малов 1951,17,21). С.Е. Малов нашри асосида тайёрланган кейинги нашрларда ҳам бу қайд айни шаклда такрорланади (қаранг: Абдураҳмонов, Рустамов 1982, 128-129). Эътибор берилса, С.Е. Малов жумла бошини [*қырқ йашы]ма* шаклида тикламоқда. Бу сана Билга хоқоннинг ёшига ишорадир. Яъни, «унинг 40 ёшида Мағи Қўрғонда қишланган чоғда элда ют бўлди. Баҳорда Ўғуз томон лашкар тортилди» деган маъно келиб чиқади. Шундай ўқилган тақдирда бу воқеа 724 йилнинг кўкламида рўй берган бўлиб чиқади. Чунки Билга ана шу йили қирққа чиққан.

Аслида матннинг мана шу бошланиш қисми йўқ; тошнинг синган ерига тўғри келади. С.Е. Малов уни қавсда берганлигининг сабаби ҳам шунда.

Шу ўринда матн мазмунини бошқа сатрларга қиёсан кўриб чиқайлик. Билга хоқон битигида қарлуқларга қарши Тамғидуқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

башда жанг кечганда Билга 31 ёшда эканлиги қайд этилади (қаранг: X.28-29). Бу воқеа 715 йили бўлган эди. Айни битигнинг 38-сатрида ўғузнинг қочиб табғачга қўшилгани ҳақида маълумот берилган. Битигда ёзилишича, бу кезда Билга хоқон 34 ёшда эди (718 йил) (Отуз артуқы тӧрт йашыма Оғуз тäзип Табғачқа кирти). Аёнки, Мағи Қўрғонда қиш ўтказилган ва кўкламда ўғузга қарши юриш бошланган воқеалар бундан аввалроқ рўй берган эди. Демак, С.Е. Малов нашрида бу воқеалар Билганинг 40 ёшида содир бўлган, дея тиклангани хато.

Яна бир далил. Кул тигин битигида ҳам Мағи Қўрғон қишлови ва ўғузларга қарши кураш воқеалари берилган. Унда ушбу ҳодисалар Кул тигин фаолиятига боғлаб берилган. Мана матннинг ўша қисми: Мағы Қорған қышлап йазынга Оғузғару сү ташықдымыз – Мағи Қўрғонда қишлаб, кўкламда Ўғуз томон лашкар билан чиқдик (КТу.48). Муҳими, мазкур воқеалар тафсилоти битигда қарлуқ, сўнг изгил ва тўқуз ўғузлар билан бўлган жанглардан кейин берилган. Битигда қайд этилувича, бу жанглар кечган чоғда Кул тигин 31 яшар эди (Күл тигин бир қырқ йашайур äрти) (КТу.42). Бу сана 716 йилга тўғри келади.

Ушбу далилларга кўра Билга хоқон битигининг 31– сатридаги матнни [*қырқ йашы]ма* деб эмас, [*отуз артуқы ики йашы*]*ма* ёки [*ики қырқ йашы*]*ма* шаклида тикланганi маъқул. Шунда Мағи Қўрғон қишлови ва кўкламдаги жанг Билганинг 32 ёшида (716 йили) рўй бергани аён бўлади: [Отуз артуқы ики йашы]ма // [ики қырқ йашы]ма Мағы Қорған қышладуқда йут болды, йазынга Оғуз тапа сүлäдим – Ўттиз икки ёшимда Мағи Қўрғонда қишлаганимизда ют бўлди. Кўкламда Ўғуз томон лашкар тортдим (X.31-32).

Тарих тафсилотида давом этамиз. Кул тигин улуғ битигида 716 йилги ўғузларга карши кураш ва унда Кул тиган кўрсатган жасорат таърифи билан тарихий баён охирлайди. Шундан кейин битигдан Кул тигинга аталган марсия (эпитафия) жой олган. Билга битигида эса бундан кейинги йилларнинг воқеалари ҳам берилган. Битигда ўғузлар билан кечган жанг ва ундан кейинги воқеалар шундай баён этилган. Билга қўшини ўғузлар билан бўлган курашда иккига бўлинди. Бир қисм лашкар йўлга чиққан, иккинчи қисм қалъада эди. Ўғузнинг чериги уч қисм



www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Бири қалъага ҳужум қилди, бир қанот лашкари урушди. Ўғуз тўқуз татар билан йиғилиб келди. Ағуда икки бор катта жанг бўлди. Билга қўшини зафар қозонди. Тўқуз ўғуз халқи ер-сувини ташлаб, Табғачга кетди. У ерда оти, донғи йўқ бўлди. Бу ерда эса Билга хоқон улуғ мартабага етишди. Битигда бу хусусда Билга тилидан «Менга мартаба насиб бўлди» (манга қур болты) деб ёзилган (Х.36). Ушбу қайдда, чамаси, Билганинг тахтга чиқанлиги назарда тутилмоқда.

Шундан сўнг битигда Ўғуз, Татаби, Қарлуқ, Табғач, Қитанга уюштирилган жанглар, Билга хоқоннинг кўрсатган мардликлари ва қозонилган зафарлар хусусида сўз боради (қаранг: Х.37-41; Ха.1-9).

Иккинчи кўк турк хоқонлиғининг энг ривожланган ва гуллаган даври Билга хоқон бўлиб тахтда турган кезларга тўғри келади. Билга 18 йилу 4 ой (716-734 йиллар ораси) хоқон бўлиб тахтда турди. Битигда «ўн тўққиз йил хоқон бўлиб турдим, давлатни тутиб турдим» (тоқуз йигирми йўл қаған олуртум, ӓл тутдум) деб қайд этилган бу хусусда (Ха.9). Бу пайтда хоқонлиқнинг маркази Ўтукан йиш эди: Түрүк қаған Ӧтүкӓн йыш олурсар, ӓлтӓ бунг йоқ (Турк хоқони Ўтукан йишда турса, элда ташвиш йўқ) (КТк.3); ӓл тутсық йир Ӧтүкӓн йыш ӓрмиш (давлатни тутиб турадиган ер Ўтукан йиш экан) (КТк.4). Мамлакат сарҳади шарқда Шантунг чўлига, жанубда Тўқуз арсанга, ғарбда Темир қопиққа, шимолда Ер Байирқугача етди. Битигда бу ҳақда Билга тилидан шундай ёзилган: Шарққа Шантунг чўлигача лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга Тўқуз арсангача лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим, ғарбга Йинчу ўгузни кечиб Темир қопиққача лашкар тортдим, шимолга Ер Байирқу еригача лашкар тортдим, шунча жойгача юриш қилдим (КТк.3-4).



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Кўк турк хоқонлиқлари тарихининг муҳим даврлари (552-744 йиллар)

I. Биринчи кўк турк хоқонлиғи (552-581 йиллар).

II. Хоқонлиқнинг иккига бўлиниши:

1) Шарқий кўк турк хоқонлиғи (582-630 йиллар).

2) Ғарбий кўк турк хоқонлиғи (582-630 йиллар).

**Манба:** I ва II босқич учун умумий: Тўн.2; КТу.1-6; Х.2-7; О.1.

III. Туркларнинг Табғачга қарамлик даври (630-681 йиллар).
**Манба:** Тўн.2-4; КТу.6-11; Х.7-10; О.1-3.

VI. Иккинчи кўк турк хоқонлиғи (682-744 йиллар):

А. Элтаришнинг хоқонлиқ даври (682-692 йиллар).
**Манба:** Тўн. 4-19, 48-50, 54-56, 59, 61; КТу.11-16; Х.10-14.

Б. Бўгу (Қапған)нинг хоқонлиқ даври (692-716 йиллар).
**Манба:** Тўн.20-48, 50-51, 60-61; КТу.16-24; Х.14-20.

В. Иналнинг хоқонлиқ даври (716 йил).

Г. Билганинг хоқонлиқ даври (716-734 йиллар).

## Кўк турк хоқонлиқлари тарихининг муҳим воқеалари[1] (552-744 йиллар)

**I. Биринчи кўк турк хоқонлиғи (552-581 йиллар).**

*Биринчи кўк турк хоқонлиғининг ташкил топиши. Буминнинг тахтга чиқиши* (552 йил).

Тўн.2; КТу.1; Х.3; О.1.

*Шарқи Қадирқан йишдан ғарби Темир қопиққача бўлган ерларда қудратли салтанатнинг тикланиши.*

КТу.2; Х.3.

*Турк хоқонининг ўлими. Йўғ маросими.*

КТу.4; Х.4-5.

**II. Хоқонлиқнинг иккига бўлиниши:**

*1) Шарқий кўк турк хоқонлиғи* (582-630 йиллар).

*2) Ғарбий кўк турк хоқонлиғи* (582-630 йиллар).

Турк давлатининг инқирози.

КТу.4-6; Х.5-7.

---

[1] Жанглар таърихи қайд этилганда хоқонлиқнинг қўшни эллар билан олиб борган курашлари назарда тутилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**III. Туркларнинг Табғачга қарамлик даври** (630-681 йиллар: 50 йил): ...Табғач қағанқа көрмис. Алиг йыл исиг, күчүг бирмис – Табғач хоқонга қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини сарф қилибди (КТу.7-8).

Тўн.2-4; КТу.6-11; Х.7-10; О.1-3.

**IV. Иккинчи кўк турк хоқонлиғи** (682-744 йиллар).

*Табғач ҳукмронлигига қарши озодлик ҳаракатларининг бошланиши.*

Тўн.4; КТу.9-13; Х.8-11.

*Иккинчи кўк турк хоқонлиғининг ташкил топиши. Элтаришнинг хоқон бўлиб тахтга чиқиши* (682 йил).

КТу.11-13; Х.10-11.

*Чуғай қуз ва Қорақумдан Ўтукан йишга кўчиш.*

Тўн.15.

*Инигак кўл ёнида ўғузлар билан бўлган жанг. Туркларнинг Ўтукан ерига ўрнашуви* (687 йил).

Тўн.16-17.

*Элтаришнинг вафот этиши. Бўгунинг хоқон бўлиб тахтга чиқиши* (692 йил): [Қангым қаған] төрүг қазғанып уча бармыс. <...> Ол төрүдä үзä äчим қаған олурты – Отам ҳоқон ҳукмронликни эгаллаб вафот этган. Ўша ҳукумат тепасига амаким [яъни Бўгу] хоқон бўлиб ўтирди (КТу.16); Қаған учдуқда öзүм сäкиз йашда қалтым – Хоқон ўлганда ўзим саккиз ёшда қолдим (Х.14).

КТу.16; Х.13-14.

*Билганинг тардуш халқи устидан шад бўлиб кўтарилиши* (698 йил): Төрт йигирми йашымқа тардуш бодун үзä шад олуртым – (Мен-Билга) ўн тўрт ёшимда тардуш халқи тепасига шад бўлиб кўтарилдим (Х.15).

КТу.17; Х.15.

*Шарққа Яшил ўгуз (Хуанхе дарёси), Шантунг текислигига қадар лашкар тортилди.*

КТу.17-18; КТк.3; Х.15-16; Хb.2.

*Тангутга қарши кураш* (701 йил): Йäти йигирми йашыма Тангут тапа сүлäдим – (Мен-Билга) ўн етти ёшимда Тангутга қўшин тортдим (Х.24).

Х.24.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Олти чуб суғдларига қарши кураш* (702 йил): сäкиз йигирми йашыма Алты чуб соғдақ... тапа сүлäдим – Ўн саккиз ёшимда олти чуб суғд эли томон лашкар тортдим (Х.24-25).

Х.24-25; КТу.31.

*Табғач Ўнг Тутуқ билан Идар башда кечган жанг* (702 йил).

КТу.32; Х.25.

*Басмил идиқутга қарши кураш* (704 йил).

Х.25.

*Табғач Чача Сангунга қарши кураш* (706 йил): Äки отуз йашыма Табғач тапа сүлäдим – (Мен-Билга) йигирма икки ёшимда Табғачга қўшин тортдим (Х.25-26); Бир отуз йашынга Чача Сäнгүнкä сүнгүшдимиз – (Кул тигин) йигирма бир ёшида Чача Сангунга уруш қилдик (КТу.32).

КТу.32-33; Х.25-26.

*Ер Байирқули Улуғ Эргин билан Турги Ярғун кўлда кечган жанг* (706 йил).

КТу.34.

*Чик юртига қарши кураш. Ўрпанда кечган жанг* (710 йил): Алты отуз йашыма чик бодун қырқыз бирлä йағы болты. Кäм кäчä Чик тапа сүлäдим. Öрпäнтä сүнгүшдүм – (Мен-Билга) йигирма олти ёшимда Чик халқи қирқиз билан душман бўлди. Кам (дарёси)ни кечиб, Чик томон лашкар тортдим (Х.26).

Х.26.

*Қирқиз (қирғиз)ларга қарши кураш* (711 йил): Йäти отуз йашыма Қырқыз тапа сүлäдим – (Мен-Билга) йигирма етти ёшимда Қирқиз томон лашкар тортдим (Х.26).

Тўн.20-29; КТу.35-36; Х.26-27.

*Ўн ўқ ва тургашларга қарши кураш. Бўлучу жанги* (711 йил); Ол йылқа Түргäс тапа Алтун йышығ аша Äртис öгүзүг кичä йорыдым. <...> Болучуда сүнгүшдүмиз – Ўша йили [яъни 711 йили] Тургаш томон Олтун йишни ошиб, Эртиш дарёсини кечиб юриш қилдим. Бўлучуда жанг қилдик (Х.27-28).

Тўн.29-43; КТу.36-38; Х.27-28.

*Сирдарёни кечиб Темир қопиққача уюштирилган кураш. Темир қопиқ сафари* (711 йил).

Тўн.44-48; КТу.17-18,39; КТк.3-4; Х.15-16; Хb.3.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бешбалиқ сари кураш* (714 йил): Отуз йашыма Бäсбалық тапа сүлäдим – (Мен-Билга) ўттиз ёшимда Бешбалиқ томон қўшин тортдим (Х.28).

Х.28.

*Қарлуқлар билан Тамғидуқ башда кечган жанг* (715 йил): Отуз артуқы бир йашыма қарлуқ бодун бунгсыз äрүр барур äркäли йағы болды. Тамғыдуқ башда сүнгүшдүм – (Мен-Билга) ўттиз бир ёшимда қарлуқ халқи бениҳоя даража бегоналашиб кетгач, душман бўлди. Тамғидуқ бошда жанг қилдим (Х.28-29); [Күл] тигин ол сүнгүшдä отуз йашайур äрти – Кул тигин ўша жангда ўттиз яшар эди (КТу.42).

КТу.41-42; Х.28-29.

*Аз халқи билан Қора кўлда кечган жанг* (716 йил): Қара кöлтä сүнгүшдимиз, Күл тигин бир қырқ йашайур äрти – Қора кўлда жанг қилдик. Кул тигин ўттиз бир яшар эди (КТу.42).

КТу.42-43.

*Изгиллар билан кечган жанг* (716 йил?).

КТу.43-44.

*Тықуз ўғузлар билан кечган жанг (Тўғу, Қушлағақ, Чуш, Эзганти Қадазда бўлган жанглар).*

КТу.44-48; Х.29-31.

*Ўғузларга қарши кураш* (716 йилнинг кўклами): [ики қырқ йашы]ма Мағы қорған қышладуқда йут болды, йазынга Оғуз тапа сүлäдим – (Мен-Билга) ўттиз икки ёшимда Мағи қўрғонда қишлаган йилимиз ют бўлди, кўкламда Ўғузга лашкар тортдим (Х.31-32).

КТу.48-49; Х.31-34.

*Бўгу хоқон вафот этди* (716 йил 22 июль).

*Инал хоқон бўлиб тахтга чиқди* (716 йил).

*Билга (Мўгилан)нинг хоқон бўлиб тахтга ўрнашуви* (716 йил).

*қаранг:* Х.34-36(?).

*Ўғузнинг Табғачга қўшилиши* (718 йил): Отуз артуқы тöрт йашыма оғуз тäзип Табғачқа кирти – (Мен-Билга) ўттиз тўрт ёшимда ўғуз қочиб Табғачга қўшилди (Х.38).

Х.38.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қитанга қарши кураш* (722 йилнинг қиши): Отуз артуқы сӓкиз йашыма қышын Қытан тапа сүлӓдим – (Мен-Билга) ўттиз саккиз ёшимда қишда Қитан томон лашкар тортдим (Ха.2).

Ха.2.

*Татабига қарши кураш.*

Ха.2-7.

*Тунгкар тоғда татаби билан бўлган жанг* (734 йил?).

*қаранг:* Х.7-9.

*Кул тигин вафот этди* (қўй йили (биринчи ойи)нинг 17 куни = 731 йил, 27 февраль): Күл тигин қонй йылқа йӓти йигирмикӓ учды – Кул тигин қўй йилида, (биринчи ойнинг) ўн еттисида ўлди (КТу.54).

КТу.54.

*Кул тигин хотирасига бағишланган йўғ маросими* (қўй йили тўққизинчи ойнинг 27 куни = 731 йил, 1 ноябрь): Тоқузунч ай йӓти отузқа йоғ ӓртүртимиз – Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида йўғ маросимини ўтказдик (КТу.54).

КТу.54.

*Билга хоқон вафот этди* (ит йил ўнинчи ойнинг 26 куни = 734 йил, 25 ноябрь): Қангым қаған ыт йыл онунч ай алты отузқа уча барды – Отам хоқон [яъни Билга] ит йили ўнинчи ойининг йигирма олтисида вафот этди (Ха.10).

Ха.10.

*Билга хоқон хотирасига бағишлаб ўтказилган йўғ маросими* (Тўнғиз йил бешинчи ойининг 27 куни = 735 йил, 22 июнь): Лағзын йыл бисинч ай йӓти отузқа йоғ ӓртүртүм - Тўнғиз йили бешинчи ойнинг йигирма еттисида йўғ қилдирдим (Х.10).

Х.10.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# III БЎЛИМ. МАТН ТУЗИЛИШИ

## Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг матний-қиёсий таҳлили

Тарихнавис ва адиб Йўллуғ тигин битган Кул тигин, Билга хоқон битиглари туркий матншуносликнинг шаклланиши, унинг такомилини белгиловчи матнлардандир. Иккала ёднома тамоман мустақил асар бўлувига қарамай, битигларда акс этган воқеа-ҳодисалар, матн тузилишидаги ўхшашлик уларни ўзаро яқинлаштиради. Ҳатто Кул тигин кичик битигининг 1-11-сатрларидаги матн Билга хоқон кичик битигининг 1-8-сатрларида, Кул тигин улуғ битигининг 1-30-сатрларидаги матн Билга хоқон улуғ битигининг 2-24-сатрларида такрорланади. Бунинг каби хусусиятлар иккала битигни матний жиҳатдан қиёслаб ўрганишга асос бўлади. Қуйида мазкур битигларнинг матний хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

I. Кул тигин ва Билга хоқон ёдномалари икки тилли (туркий ва хитойча) бўлиб, асосий туркий матн тош лавҳанинг юз томони, ён бағри, тарошланган қирраларида, хитойчаси эса орқа юзида.

Кул тигин мангутошидаги туркий битиг 71 қатор. Шундан 40 сатри тошнинг архар тасвири ишланган юз томонида (К). Тошнинг ўнг кўндаланг ёғига 13 сатр (Kb) ва чап ёнига яна 13 сатр (Ка), тарошланган қирраларига ва орқа томонига ҳам туркий ёзув битилган (К I-III; Кс). Тошнинг чап ёнидаги 13 сатрли матн (Ка) «кичик битиг», юз томонидаги 40 сатрли ва мазмунан унинг давоми бўлган тошнинг бошқа бир ёнидаги 13 сатрлиси (Kb) биргаликда «улуғ битиг» деб аталади.

Билга хоқон битиги 80 сатрдан иборат бўлиб, 41 қатори тошнинг юз томонига (X), икки ёнига 15 сатрдан 30 қатор (Ха, Xb), орқа тарафдаги хитойча ёзувли ёғига 7 сатр (Хс), 2 сатр тошнинг тарошланган икки қиррасига битилган (X I-II).

Битигларнинг муҳим хусусияти уларда матннинг катта бир қисми Билга хоқон тилидан сўзланади. Матнларнинг қиёсий таҳлили учун, биринчи галда, Билга хоқон ва муаллиф Йўллуғ тигин сўзларини айириб олмоқ керак. Аввал Кул тигин ёдгорлигини кўриб чиқамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матн мазмунига кўра Кул тигин асари кичиг битигда келтирилган Билга хоқоннинг бутун турк улусига, келажак авлодга мурожаати билан бошланади. Хоқоннинг бу мурожаати 11-сатрдаги äб öдкä кöрүгмä бäглäр гү йангылтачы-сыз (уй, дунёгагина қарайдиган беклар, сиз гумроҳсиз) жумласи билан тугайди. Шундан кейинги жумладан то 13-сатр охиригача Йўллуғ тигин сўзларидир. Сабаби, матннинг бу бўлагида мангутошнинг ўрнатилуви ва уни Йўллуғ тигин битганлиги хусусида сўз боради. Худди шундай қайд Билга хоқон кичик битигининг якунида ҳам бор. Бироқ у матнда ўша бўлак Йўллуғ тигин сўзлари экани аниқ. Фикрга эътироз туғилмаслиги учун ҳар икки битигдаги монанд бўлакларни ўзбекча талқинида қиёслаб кўрайлик:

КТк.11-13

Мен мангутош... Табғач хоқонидан наққош келтирдим, нақшлатдим. Менинг сўзимни бузмади. Табғач хоқоннинг ички (саройдаги) наққошини юборди. Унга махсус зиёратгоҳ яраттирдим. Ичи, ташига махсус нақш солдирдим, тош ўрнаттирдим, кўнгилдаги сўзларимни ул....(ўн ўқ авлоди)га, тотгача буни кўриб, билинг! Мангутош ўрнаттирдим. Бу сайргоҳ бўлгач, мақбара сайргоҳ ерда бўлса! Шундай сайргоҳ ерда мангутош ўрнатдим, (битиг) битидим. Уни кўриб шундай деб билинг: бу битиг битилгучининг жигари [яқин кишиси] Йўллуғ тигин.

Хb.14-15

...сўнг табғач хоқондан наққош келтирдим. Менинг сўзимни бузмади ... ички (саройдаги) наққошни юбориб, унга тошни, иморатни ясаттирдим. Ичини, ташини алоҳида нақшла (тдим)... Ўн ўқ ўғлига, тотига қадар буни кўриб, билинг: мангутош ўйдирдим, ёздим. Бу ... тош иморатни ...

Асар тузилишига кўра кичик битиг унинг муқаддимасидир.

Асосий қисм улуғ битигдаги Билга хоқоннинг Биринчи турк хоқонлиғининг барпо этилиш тарихи ҳақидаги ҳикояси билан бошланади. Улуғ битиг (К, Кb) бошдан-охир Билга хоқон сўзидан иборат. Тошнинг тарошланган қирраларидан биридаги сатр (К III) ҳам мазмунан улуғ битигнинг якунига тушади.

Тошнинг орқа томонидаги икки сатрли туркий матнни (Кс) ҳам Билга хоқон сўзлари дейиш мумкин. Чунки, унда марҳумни



www.ziyouz.com kutubxonasi

«иним Кул тигин» дея хотирланади. Тарошланган қирралардаги бошқа ёзувлар эса (К I-II) Йўллуғ тигин сўзларидир.

Англашиладики, Кул тигин битигида асосий матн унинг оғаси Билга тилидан сўзланмоқда. Муаллиф Йўллуғ тигин эса битигга ўз сўзларида мангутош тарихига оид айрим қайдларни киритган, холос.

Энди, юқоридаги каби тартибда, Йўллуғнинг бундан уч йил кейин ўз отаси Билга хоқон шарафига битган иккинчи асарини кўриб чиқамиз. Аввалги асарга қиёсан Билга хоқон битиги ҳам кичик битиг (Xb)дан бошланади. Матннинг ушбу бўлагини ҳам ёдноманинг муқаддимаси дейиш мумкин. Тошнинг кўндаланг ёғидаги 15 сатрли битиг ҳам Билга хоқоннинг Кул тигин кичик битигида келтирилган мурожаати билан бошланади. Лекин ушбу битигда хоқон сўзлари Кул тигин битигидагига қараганда ортиқ: унинг сўзлари 13-14-сатрлардаги «бу хоқонингдан, бу бекларингдан, eрингдан, сувингдан айрилмасанг, турк халқи, эзгулик кўражаксан, уйингга киражаксан, ғамсиз бўлажаксан» деган насиҳати билан тугайди. Шунинг давоми ва кейинги сатрга Йўллуғ тигин мангутошнинг ўрнатилиши ҳақидаги қайдни битган (бу сатрларни юқорида келтирган эдик).

Асосий қисм тошнинг юз томонидаги 41 сатрли матн билан бошланади. Бироқ матннинг ушбу қисми Кул тигин улуғ битигидан фарқли ҳолда хоқоннинг Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш түрүк Билгä қаған сабым (Кўкдай тангри яратган турк Билга хоқон сўзим) унвонли ёрлиғи (билдиргулик) билан бошланган. Ушбу ёрлиқ матннинг 1-2-қаторларидадир. Сўнгра Билга хоқоннинг Кул тигин улуғ битигида баён этилган илк турк хоқонлиғининг ўрнатилишидан то ўз замонигача бўлган тарихи ҳақидаги ҳикояси тўла ҳолда келтирилади. Сўнг хоқон эл озодлиги, давлатни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган қаҳрамонликларини сўзлайди. Хоқон сўзлари тошнинг бошқа бир ёнидаги 15 сатрли матн (Xa)да ҳам давом этади. У 10-сатрдаги «Туркимга, халқимга яхшиликни ўшанча қозониб бердим» жумласи билан тугайди. Шундан сўнг битиг муаллифи Йўллуғ тигиннинг сўзлари бошланган. Эътиборга лойиқ ери шундаки, унинг давомида – 13-15-сатрларда «Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш түрүк Билгä қаған сабым» унвони билан бошланувчи яна бир ёрлиқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

келтирилади. Муҳими шундаки, у Билга хоқоннинг эмас, Йўллуғ тигиннинг ёрлиғидир. Ушбу ёрлиқда унвондан кейинги жумла *қангым түрүк Билгä қаған олуртуқунта* (Отам турк Билга хоқон бўлиб турганда) дея бошланади. Яна матн орасида ҳам марҳум *қангым қаған* (отам хоқон) дея тилга олинган. Бу далиллар ёрлиқнинг Йўллуғга нисбат берилиши учун асос бўла олади. Унинг *...түрүк Билгä қаған сабым* унвони билан бошлангани эса Йўллуғ тигиннинг ўз отаси унвонидан фойдаланганини кўрсатади.

Мангутошнинг тарошланган қирраларидан биридаги сатрни (X II) мазмунан 41 сатрли улуғ битигнинг давоми дейиш мумкин. Шундай тахмин қилинган чоғда у ҳам Билга хоқон сўзининг бир бўлаги бўлиб чиқади.

Тошнинг бошқа бир тарошланган қиррасидаги сатр (X I) ва хитойча ёзувли томондаги 7 қаторли туркча матн (Xc) эса Йўллуғ тигин тилидан сўзланади. Аввалгисида муаллиф мазкур битигни бир ою тўрт кунда ёзиб тугаллагани ҳақида маълумот беради, кейингисида эса отадан айрилиқ дардини изҳор этган (эпитафия).

Кўринадики, Билга хотирасига битилган матн ҳам аввалги ёдномадаги сингари хоқон ва муаллиф Йўллуғ тилидан ҳикоя қилинмоқда. Бироқ мазкур битигда муаллиф сўзи анча кенг. Яна бир жиҳати, Билга хоқон кичиг битигида хоқон сўзи аввалги битигдаги матн билан охирламайди; у яна давом этади. Демак, матннинг бу бўлаги (хоқон сўзи) иккинчи ёднома матнини битиш чоғида яна тўлдирилган.

Иккала ёдноманинг асосий қисми (улуғ битиглар)ни ёзишда ҳам ягона матн асос бўлиб хизмат қилган. Унда йўлбошчи Билга турк хоқонлиқлари тарихи, ўзининг тахтга чиқиши билан боғлиқ воқеаларни сўзлайди. Шунинг билан умумий матн тугаб, ҳар иккиси ўзича давом этади: Кул тигин битигида саркарданинг қаҳрамонликлари ҳикоя қилинади; матн сўнгида хоқон ўз инисининг вафотидан қайғу-аламини изҳор этади. Билга хоқон хотира ёзувида эса умумий матндан сўнг хоқоннинг ўз кечмиши баён этилган (Иккала битигнинг умумий ва фарқли жиҳатларини иловадаги жадвалда яхши кузатиш мумкин).



www.ziyouz.com kutubxonasi

II. Энди матний таҳлилимизнинг иккинчи босқичига ўтиб, Кул тигин, Билга хоқон ёдномаларининг муқаддима ва асосий қисмидан жой олган хоқон нутқини ўзаро қиёслаб чиқамиз.

Дарвоқе, иккала мангутош матни тўла сақланган эмас. Тош юзининг айрим жойлари нураб, матни ҳам шикастланган. Айниқса, Билга хоқон битиги кўп талафот еган. Шу боис, асарлар матнини узил-кесил тиклашнинг иложи йўқ. Бироқ, афзаллиги шундаки, бир матннинг шикастланган сатрлари баъзан иккинчи битигда сақланган; битигларнинг бири бошқасини тўлдиради.

Битигларда такрорланган матннинг ўзаро фарқлари тубандагича:

Айрим сўзлар имлоси иккинчи битигда ўзгариши мумкин. Бироқ бундай фарқлар кўк турк ёзувига хос хусусият бўлиб, фонологик ёки диалектал характер касб этмайди. Масалан:

Й(и)нчҮ ӧг(Ү)з (КТк.3) - Йинчү ӧг(ү)з (Xb.3)-дарёнинг оти.

Баъзи сўзлар икки хил фонетик вариантда ҳам учрайди:

*нй~й*: йанйа (КТу.23)-йайа (Х.19)-суриб.

*м~б*: Кäнгү тарман (КТу.21) - Кäнгү тарбан (Х.18)-жой оти.

Бундай фонетик хусусият ўша кезларда иккала варианти аралаш қўлланганидан далолат беради: йанйа~йайа, Кäнгү тарман~Кäнгү тарбан.

Гапларнинг шакли ўзгариши мумкин:

КТк.1:. сабымын түкäти äсидгил – сўзимни тугал эшитгин.

Xb.1: сабымын түкäти äсид – сўзимни тугал эшит.

КТу.10: түрүк бодун ӧлүрäйин – турк халқи(ни) ўлдирайин.

Х.9: түрүк бодунуғ ӧлүр(äйин) – турк халқини ўлдирайин.

КТу.11: Ӧгүм Илбилгä қатунуғ тäнгри тӧпүсинтä тутуп йӧгäрү кӧтүрмис äринч – Онам Элбилга хотунни тангри мартабасида тутиб юқори кўтарган.

Х.10: Огүм Илбилгä қатунуғ тäнгри тӧпүсинтä тутуп йӧгäрү кӧтүрти äринч – Онам Элбилга хотунни тангри мартабасида тутиб юқори кўтарди.

Баъзан бир сўз бошқаси билан алмашади:

КТу.7: Табғач бодунқа бäглик уры оғлын қул болты, силик қыз оғлын күнг болты – Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

X.7: Табғач бодунқа бäглик уры оғлын қул қылты, силик қыз оглын кvнг қылты – Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласини қул қилди, сулув қиз боласини чўри қилди.

Аввалги матнда *уры оғул, қыз оғул* сўзлари восита келишигида (ўғил боласи билан, қиз боласи билан), иккинчи битигда эса тушум келишигида (ўғил боласини, қиз боласини) қўлланган. Шунга мувофиқ равишда гапларнинг кесими ҳам ўзгармоқда (қул болты, кvнг болты - қул. қилди, чўри қилди).

Айни ифоданинг матннинг бошқа бир ерида қўлланувига эътибор беринг: КТу.24: Бäглик уры оғлунг қул болты, силиг қыз оғлунг кvнг болты билмäдvк vчvн. Шу туришда мазкур жумла мазмунини англаш қийин: Бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди, билмаган(и) учун(?)

Иккинчи битигда эса мазмун ойдинлашади: X.20: Бäглиг уры оғлунгын қул қылтығ, силиг ... қылтығ ол билмäдvк äгин (билмäдvкин?) vчvн – Бек бўладиган ўғил болангни қул қилганини, сулув (қиз болангни чўри) қилганини у билмагани учун.

Баъзан бир аффикс ўрнида унинг бошқа варианти қўлланади:

КТу.25: öгvм қатунуғ кöтvрмиш тäнгри

X.21: öгvм қатунуғ кöтvрvгмä тäнгри – онам маликани кўтарган тангри.

Ушбу мисолдаги *-миш, -гмä* қўшимчали сифатдошларнинг маъноси бир (кöтvрмиш// кöтvрvгмä).

Матнларда тасвирий ифода ўзгариши мумкин:

КТу.24: қанынг субча йvгvрти – қонинг сувдай оқди.

X. 20: (қа)нынг öгvзчä йvгvрти – қонинг дарёдай оқди.

Янада муҳими, айрим жумлалар иккинчи матнни тузиш жараёнида таҳрир этилган. Қуйидаги мисолларни чоғиштиринг:

КТу.29: Тäнгри йарлықазу, қутум бар vчvн, vлvгvм бар vчvн öлтäчи бодунуғ тиргvрv игит(т)им – Тангри ёрлақасин, бахтим бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб, оёққа қўйдим.

X.23: Тäнгри йарлықадуқ vчvн, қутум < >, vлvгvм бар vчvн öлтäчи бодунуғ т(ирги)рv игит(т)им – Тангри ёрлақагани учун, бахтим, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб, оёққа қўйдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёки яна:

КТу.28: ...бармыш бодун < > ӧлʏ йитʏ, йадағын, йалангын йана кӓлти – ...кетган халқ ўла-йита, яёв, яланғоч қайтиб келди.

Х.22: ...бармыш бодун [йадағын, йалангын] ӧлʏ йитʏ < > кӓлти – ...кетган халқ яёв, ялангоч, ўла-йита келди.

Иккинчи битигда *бодун* сўзидан кейин нураган ҳарфлар ўрни бор. Матн мазмунидан келиб чиқиб, мазкур ўринда *йадағын, йалангын* сўзларини тиклаш мумкин. Шунда хоқон сўзи битилган матн иккинчи битигни битиш чоғида муаллиф томонидан таҳрир этилгани маълум бўлади.

Муллиф таҳририга яна бир мисол:

КТу.29: Йаланг бодунуғ тонлуғ < >, чығаній бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ ӧкʏш қылтым – Яланг халқни тўнли, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим.

Х.23-24: Йаланг бодунуғ тонлуғ қылтым, чығаній бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ ӧкʏш қылтым – Яланг халқни тўнли қилдим, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим.

Янада муҳими, муаллиф Йўллуғ тигин Билга хоқон матнини тузиш чоғида аввалги матнга янги жумлалар ҳам киритади, уни тўлдиради. Масалан:

КТу.21: Ол ӧдкӓ қул қуллуғ болмыс,... ...... ...< >. – У чоғда қул қулли бўлган, ... ... ... ...< >.

Х.18: Ол ӧдкӓ қул қуллуғ < >, кʏнг кʏнглʏг болмыш ӓрти. Иниси исин билмӓз ӓрти, оғлы қангын билмӓз ӓрти. – У чоғда қул қулли, чўри чўрили бўлган эди. Иниси оғасини билмас эди, ўғли отасини билмас эди.

Яна мисол: КТу.16 да Билга хоқон ўз отасининг вафоти ҳақида шундай эслайди: Қангым қағанқа башлайу Баз қағаныг балбал тикмис – Отам хоқон (гўри)га бошлаб Баз хоқоннинг балбали тикилди.

Х.14 да эса юқоридаги маълумотдан сўнг хоқон ўзининг ўша чоғда неча ёш эканлигини таъкидлайди: Қаған учдуқда ӧзʏм сӓкиз йашда қалтым – Хоқон ўлганда ўзим саккиз ёшда қолдим.

Кейинги қайд аввалги битигда йўқ.

Яна чоғиштиринг:

КТу.26: Иним Кʏл тигин < > бирлӓ сӧзлӓшдимиз – Иним Кул тигин билан сўзлашдик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

X.21: ................игин ики шад, иним [Кү]л тигин (бир)лä сöзлäшдимиз – [Кул т]игин(?) икки шад, иним Кул тигин билан сўзлашдик.

Кул тигин битигининг кейинги сатрида икки шад ҳам ёдга олинади. Лекин Билга хоқон битигида жумла қисқарган. Чоғиштиринг:

КТу.27: Иним Күл тигин бирлä, ики шад бирлä öлү йиту қазғантым – Иним Кул тигин билан, икки шад билан ўла-йита зафар қозондим.

X.22: Иним Күл т... бирлä, < > öлү йиту қазғантым – Иним Кул тигин билан ўла-йита зафар қозондим.

Муаллиф асарда саркарда Кул тигин таърифини бош ўринга қўйиш мақсадида кейинги матнда икки шадни эсламаган кўринади.

Қиёсий таҳлилдан англашиладики, Билга хоқон кичик битигининг 1-8-сатрлари ва улуғ битигининг 2-24-сатрлари КТк.1-11, КТу.1-30 нинг айнан такрори эмас. Йўллуғ тигин Билга ёдномаси матнини ёзишда муқаддима ва асосий қисмнинг биринчи бўлими учун аввалги битиг матнидан фойдаланган. Бироқ энди у аввалги матнни таҳрир этиб, керакли ўринларини тўлдирган.

III. Кул тигин ёдномаси Билга хоқоннинг кўрсатмаси ва ташаббуси билан ўрнатилган. Ҳатто битиг матнини хоқоннинг ўзи ўғли Йўллуғга айтиб туриб ёздирган бўлуви ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, матннинг асосий қисми хоқон тилидан сўзланади. Муаллиф Йўллуғ матн охиридаги айрим қайдларнигина ўз тилидан битган, холос. Билга хоқон ёдномасини эса отасининг ўлимидан кейин Йўллуғнинг ўзи ўрнатган. Шунинг учун унда муаллиф нутқи ҳам салмоқли. Ёдноманинг муқаддима ва асосий қисми аввалги битигдаги сингари хоқон тилидан ҳикоя қилинса, хотимасини муаллиф ўз тилидан баён этади.

Матнлар қиёсидан маълум бўладики, Кул тигин битигини ёзиш чоғида Йўллуғнинг қўлида хоқон кўрсатмаси билан битилган (хоқон айтиб туриб ёздирган?) матн бўлган. Кейинчалик, отасининг ўлимидан сўнг унинг шарафига битилган ёдномада ҳам Йўллуғ ўша матндан фойдаланган. Унинг керакли бўлагини олиб, кейинги битигга ҳам киритган. Ҳар икки битигнинг муқаддимаси ва асосий қисмнинг илк бўлими (фасли) учун ягона



www.ziyouz.com kutubxonasi

матн асос бўлган. Бироқ кейинги битигга киритилган қисм аввалги матннинг айнан қайтариғи эмас. Кейингиси хоқон сўзларининг асар муаллифи Йўллуғ томонидан қайта ишланган, таҳрир этилган, тўлдирилган вариантидир.

Иккала ёднома Билга хоқоннинг бутун турк улусига, авлодларга мурожаати билан бошланади. Сўнгра хоқон тасарруфидаги ерларнинг кенглиги, Билга хоқоннинг турк элини душмандан озод этиб, давлатни мустаҳкамлагани ҳақида билдиргулик айтилади (хоқоннинг куч-қудрати ҳақида маълумот бериш тарихий-эпиграфик матнлар учун хос хусусият бўлган). Турк беклари ва халқига хитоб қилиб, ушбу битигда хоқоннинг даъвати ёзилганлиги таъкидланади. Бироқ Билга битигида хоқоннинг сўзлари шунинг билан тугамайди. У битигнинг 13-14-сатрларида ҳам давом этади. Унда хоқоннинг элга қилган яхшиликлари баён этилиб, элга насиҳат айтилади. Бундан англашиладики, кейинги битигни ёзиш чоғида муаллиф хоқон сўзларини тўлдирган ёки хоқон сўзлари битилган матннинг бошқа бир вариантидан фойдаланган.

Билга хоқон ёдномасининг асосий қисми (улуғ битиг) Кул тигин битигидан фарқли ҳолда хоқоннинг Тängри-тäг тäнгри йаратмыш түрүк Билгä қаған сабым (Кўкдай тангри яратган турк Билга хоқон сўзим) унвонли ёрлиғи (билдиргулик) билан бошланган (1-2-сатрлар). Сўнгра иккала битигда Билга хоқоннинг Биринчи турк хоқонлигининг ўрнатилишидан то ўз замонасигача бўлган тарихи ҳикоя қилинади. Асосий бўлимларнинг иккинчи фаслидан бошлаб ҳар икки асар мустақил ҳолда давом этади: Кул тигин битигида саркарданинг жасоратлари, оғанинг марҳум инисига эҳтироми; кейинги битигда эса Билга хоқоннинг эл бирлиги, давлатни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган фаолиятлари баён этилади.

Эътиборга лойиқ ери шундаки, Билга хоқон битигининг асар муаллифи тилидан келтирилган хотима қисмидан «Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш түрүк Билгä қаған сабым» унвонли яна бир ёрлиқ жой олган. У Йўллуг тигиннинг ёрлиғидир. Чамаси, Йўллуғ тигин матннинг ижтимоий-сиёсий таъсирини назарда тутиб, ўз ёрлиғида ҳам хоқон унвонидан (түрүк Билгä қаған сабым) фойдаланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тарихнавис ва адиб Йўллуғ тигин асарларининг матний-қиёсий таҳлили кўк турк муҳитида матн тузиш принциплари пухта ишлангани, туркий матншуносликнинг илмий асослари шаклланганидан далолат беради.

## Кул тигин, Билга хоқон битигларидан ўрин олган хоқон сўзининг бошлама (унвон)лари

Кул тигин ва Билга хоқон битигларидан ўрин олган хоқон сўзи муайян қолипли бошлама (унвон)га эга. Улар икки хил. Биринчиси иккала битигда ҳам бор. Хоқон сўзи ана шу унвон (формула) билан бошланади.

Иккинчиси фақат Билга хоқон битигида келтирилган бўлиб, икки ўринда такрорланади. Қуйида битигларда кечган айни бошлама унвонларни кўриб чиқамиз.

I. Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг муқаддимаси шундай бошланган: Т΄НГР΄ИТ΄Г: Т΄НГР΄ИД΄А: БУЛМШ: Т΄ҮР΄К: Б΄ИЛ΄ГА: ҚҒН: БУӦД΄КА (Билга хоқон битигида Б΄ӦД΄КА): ОЛРТМ. Кул тигин битигининг мавжуд нашрларида хоқон сўзининг ушбу бошламасини *Тäнгри-тäг тäнгридä болмыш түрк (түрүк) Билгä қаған бу ӧдкä олуртум* шаклида транскрипцияга ўгирадилар. Талқини эса нашрларда бироз фарқланади. Жумладан, С.Е. Малов буни русчага «Небоподобный, неборождённый («на небе» или «из неба возникший») тюркский каган» я ныне сел (на царство) деб таржима қилган (Малов 1951,53). Т΄НГР΄ИД΄А БУЛМС΄ бирикмаси *äл äтмис* билан уюшиқ бўлак ҳолида Мўюн-чўр мангутошининг бошламасида ҳам хоқон нисбаси (алқаби) бўлиб келади. Бу ўринда С.Е. Малов уни «кўкдан ўрнатилган» («небом поставленный») деб таржима қилган (Малов 1959,30,34,38). Кул тигин битигининг Тошкент нашрида қайд этилган бошламанинг мазмуни қуйидаги талқинга эга: «Тангридай (~фалакдай) тангридан бўлмиш турк Билга хоқон бу дунёга келдим» (Абдураҳмонов, Рустамов 1982,89; шунингдек, 91-бетдаги 4-5-изоҳларга ҳам қаранг). Ғ. Айдаров талқинида: «Тангридай тангридан бўлган турк билга хоқон бу чоғда ўтирдим» (Айдаров 1990,53). А.Б. Эржиласун ушбу бошламани «Тангри каби кўкда бўлмиш Турк Билга хоқон» (Tanri gibi gökte olmuş Türk Bilge Kağan), бошламадаги



www.ziyouz.com kutubxonasi

Т'НГР'ИД'А: БУЛМШ биркмасини «кўкдан инган» (gökten inmiş) деб талқин қилади (Ercilasun 1995,6-7) .

Энди бошлама матнини бир бошдан кўриб чиқайлик. Матнда биринчи қўш нуқтагача бўлган оралиқдаги харф бирикмалари *тäнгри-тäг* ўқилади. Навбатдаги сўз *тäнгридä* бўлиб, у чиқиш келишигидадир («тангридан» деган маънони беради). Ундан кейинги БУЛМШ ни нашрларда *болмыш* деб ўқиганлар. Бироқ, шундай ўқилган тақдирда мазмунда ғализлик содир бўлади. Эътибор беринг: Тäнгри-тäг тäнгридä болмыш тʏрк (тʏрʏк) Билгä қаған – «Тангридай (~фалакдай) тангридан бўлмиш турк Билга хоқон» (!) Бошлама бундай талқин қилинганда Билга хоқон ўзини «тангридан бўлган, яралган» деб таърифламоқда. Бунга қўшилиш қийин.

Шу ўринда муҳим бир фактга мурожаат этайлик. Билга хоқон битигининг асосий қисми (улуғ битиг)да кечган хоқон сўзи Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш тʏрк Билгä қаған сабым (Кўкдай (улуғвор) тангри яратган турк Билга хоқон сўзим) деб бошланган (Х.1). Ушбу бошлама – формулада хоқон ўзини «тангридан бўлган» деб эмас, «тангри яратган» (тäнгри йаратмыш) деб атамоқда. Ёки Кул тигин битигида хоқон ўз кечмишини «Тангри ёрлақагани учун, истеъдодим, бахтим бор учун хоқон бўлиб (тахтга) ўтирдим» (Тäнгри йарлықадуқын ʏчʏн, öзʏм, қутум бар ʏчʏн қаған олуртум) деб хотирлайди (КТк.9). Келтирилган мисоллар назарда тутилганда Кул тигин, Билга хоқон битиглари муқаддималаридаги илк бирикманинг «тангридан бўлган, тангридан яралган» (тäнгридä болмыш) деб талқин қилинуви тўғри эмас.

Мабодо, битигдаги БУЛМШ ни *булмуш* деб ўқилса, мазмун ойдинлашади. У икки морфемага ажралади: *бул–муш.* Қадимги туркий тилда *бул* – «эришмоқ, етишмоқ, топмоқ» маъноларини англатган. Ҳарқалай, ушбу сўзни ўтган замон сифатдоши (*булмуш*) шаклида ўқиган маъқул. Буни Мўюн-чўр битиги бошламасида ушбу бирикманинг *äл äтмиш* билан уюшиқ бўлак ҳолида келганлиги ҳам тасдиқлайди.

Айни чоғда расмий ҳужжатларга мурожаат этамиз. Султон Абу Саиднинг 1468 йили уйғур ва араб хатида битилган васиқасида унвон, адресат (inscriptio) ва салом (salutatio) дан сўнг матннинг асосий бўлими шундай бошланади: Тäнгри инайаты



www.ziyouz.com kutubxonasi

булуп Саҳиб қиран Тэмүр-бэг тамам мамаликни мусаххар қылып йүрүгәндә (Kurat 1940,121). Мазкур жумладаги Тәнгри инайаты булуп – «тангридан иноят етиб, тангрининг инояти билан» маъносини беради. Ёки Олтин Ўрда хони Улуғ Муҳаммаднинг 1428 йили подшоҳ Муродга йўллаган мактубининг бошламаси шундай: Ҳақ та'ала инайатийлә Муҳаммад пайғамбар мо'жизатийлә Муҳаммаддын ғази Мурадқа салам (ўша китоб, 8-9). Ёки Маҳмудхоннинг Фотиҳ Султон Маҳмудга йўллаган битиги бошламасидаги даъват (invocatio) арабий жумла ҳолида берилган; битиг *Ҳу* (яъни Аллоҳ)дан кейин Билқувват-ил-Аҳадиййа ва билмо'жизат-ил Муҳаммадиййа вал бурҳаниййат-ил мададиййа (Тангрининг қуввати ва Муҳаммаднинг муъжизоти ила ва Бурҳон мадади ила) деб бошланган (ўша китоб,38-39). Шунингдек, айни битигнинг адресати (inscriptio)да Аллоҳнинг инояти таъкидланади: Сарвар-и салатин баинайат-и рабб-ул-'аламин Султан-и 'азам Муҳаммад ғазиға (Тангри инояти билан султонларнинг буюги бўлган Султон аъзам Муҳаммад Ғозийга) (ўша ерда).

Мисоллардан англашиладики, расмий ҳужжатлар бошламасида (унвонида, даъват қисми, invocatio да), таомилга кўра, Тангрининг инояти, куч-қудрати алоҳида қайд этилган. Айни анъана қадимги туркий ҳужжатчилигида ҳам мавжуд эди дейиш мумкин. Ўрта аср ҳужжатчилигида кенг қўлланган ҳужжатларга хос бўлган анъаналар қадимги битиглардан ўз тараққиётини бошлаган дея оламиз. Шунга биноан, Кул тигин, Билга хоқон битигларидан ўрин олган хоқон сўзи бошламаси (унвони)да ҳам хоқоннинг Тангри инояти билан тахтга ўтирганлиги қайд этилган.

Шу ўринда яна бир муҳим мисол келтирмоқчиман. Тарихчи олим, профессор М. Исҳоқов бир суҳбатда менинг юқоридаги фикримни тасдиқлаб, муҳим бир мисолни илова қилди. Унинг таъкидича, Кирмоншоҳ шаҳри яқинидаги Бехистун қоя тошидаги битиг шундай бошланади: «Мен Дарайаваухш, подшолар подшоси, Форс подшоси, мамлакатлар (Эрону Анэрон) подшоси, Виштаспнинг ўғли, Аршаманинг набираси, Хахамануша авлодиман...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг, Дарайаваухш сўзим. Менинг аждодларимдан саккиз (киши) подшо бўлган, мен - тўққизинчи. Биз - авлоднинг икки тармоғидан тўққиз подшодирмиз.

Мен, Дарайаваухш подшо, дедим (сўзим): Ахура Мазда иродаси (хоҳиши) билан мен подшоман. Ахура Мазда менга подшолик берди. Менинг Дарайаваухш сўзим: мана мен подшолик қилган вақтимда нима ишлар қилдим...»

Этибор берилса, матнда Дарайаваухшнинг Ахура Мазда иродаси билан подшо бўлганлиги таъкидланмоқда. М. Исҳоқовнинг яна қайд этувича, Ксеркс ва бошқа подшолар ёзуви ҳам анъанага кўра шундай формула билан бошланади.

Демак, Кул тигин, Билга хоқон битиглари бошламасини Ўрта ва Марказий Осиё халқлари тарихнавислигида узоқ давом этган тарихий-маданий муносабатлар таъсирида шаклланган дейиш мумкин.

Таҳлилда давом этамиз. Матндаги БУЎД'КА (ўқилиши бу ӧдкӓ) Билга хоқон битигида Б'ӦД'КА шаклидадир. Кейинги битигдаги шаклини *бӧдкӓ* деб ўқиш мумкин. *Бӧд* – қадимги туркийда «тахт» маъносини англатган (ДТС,116). Қиёсланг: бӧдкӓ кӧрүгмӓ бӓглӓр – тахтга кўз тиккан беклар (КТк.11). Кейинги битигга қиёсан Кул тигин битигидаги БУЎД' (бу ӧд)ни ҳам «тахт» деб талқин қилган маъқул. Агар *бу ӧд* даги *ӧд* ни «дунё; вақт» деб талқин қилингудек бўлса, маъно ғализлашади. Чунки у *олуртум* (ўтирдим) феъл-кесимга боғланган. Бунинг билан хоқон бу дунёга келганини эмас, Тангрининг инояти билан тахтга ўтирганлигини билдирмоқда. Шунинг учун С.Е. Малов буни «тахтга чиқдим» («сел (на царство)» ёки «воссел (на престоле)») деб таржима қилганида, менимча, ҳақлидир (Малов 1951,33; шунингдек, 404-бетдаги *олур* – сўзининг изоҳига қаранг). Зеро матнда *олур* – феъли мунтазам равишда «тахтга ўтирмоқ» маъносида қўлланган. Қиёсланг: қаған олуртум – хоқон бўлиб тахтга ўтирдим (КТк. 9). Ёки қангым түрк Билгӓ қаған олуртуқынта – отам турк Билга хоқон (бўлиб) ўтирганда (Ха. 13). Одатда, расмий матнлар муқаддамасида хон ўзининг тахтга ўтирганлигини маълум қилиб, сўнг эл-улусга ёрлиқ берган. Бунга мисол сифатида «Ўғузнома» достонида



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўғузхоннинг ўз ёрлиғида тахтга чиққанлигини маълум қилиб, сўнг халққа мурожаат этганини эслаш кифоя.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, битигларда келтирилган хоқон мурожаатининг бошламасини шундай талқин қилиш мумкин: Тäнгри-тäг тäнгридä булмуш тʏрк (тʏрʏк) Билгä қаған бу ӧдкä (~бӧдкä) олуртум. Бунинг мазмуни: «Кўкдай (улуғвор) Тангридан иноят топган [яъни Тангрининг иноятига эришган/ Тангрининг инояти билан] турк Билга хоқон тахтга ўтирдим.

Шунга қиёсан, *тäнгридä булмуш* алқаби келган Мўюн-чўр мангу тоши бошламасини тубандагича тушуниш мумкин: Тäнгридä булмуш, äл äтмиш Билгä қаған, б(äн)... (Тангридан иноят топган [Тангрининг иноятига эришган], эл этган Билга хоқон, мен... (Малов 1959,30,34).

Мазкур ибора тариат обидасида икки бор қўлланган. Биринчиси матн муқаддамасида қуйидаги жумлада келган: Тäнгридä булмуш, äл атмиш Билгä қаған, Äлбилгä қатун қаған атығ, қатун атығ атанып... (Тангридан иноят топган, эл этган Билга хоқон, Элбилга хотун хоқон отини, хотун отини олиб...) (нашрига қаранг: Айдаров 1990,170-181).

Ушбу жумла асар хотимасида ҳам бироз ўзга шаклда такрорланади (29-30-сатрлар): Қара бодун торйан қаған атады, тäнгридä булмуш, äл äтмиш Билгä қаған атады, Äлбилгä қатун атады, қаған атанып, қатун атанып... – (Уни) бутун халқ Тўрян хоқони деб атади, Тангрининг иноятига эришган, эл этган Билга хоқон деб атади, Эл билга хотун деб атади, (улар) хоқон унвонини олиб, хотун отини олиб...).

II. Энди фақат Билга хоқон битигида келган, матнда икки бор учрайдиган бошлама хусусида.

Билга хоқон улуғ битиги *Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш тʏрк Билгä қаған сабым* унвони билан бошланади. Айни қолипдаги бошламаларни давлатчилигимиз тарихида хон ва бекларнинг туркий тилда битилган мактубларида, ўрта асрларнинг ёрлиқларида ҳам учратамиз. Масалан, X асрда хитойчадан туркийга таржима қилинган «Сюань-цзан кечмиши» асарида бирнеча ўринда роҳиб Сюань-цзаннинг мактуби берилган. Муҳими, ушбу мактубларнинг бари *Тойин хуинтсо сawым* (Роҳиб Сюань-цзан сўзим) деб бошланган (матнига қаранг: Тугушева 1991, IV



www.ziyouz.com kutubxonasi

32,9-10;V 78,22-23;VI 22,10-11). Айни қолипли бошлама, айниқса, ўрта асрларнинг туркий ёрлиқларида кўп учрайди. Жумладан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган уйғур ёзувли ёрлиғи *Тохтамыш сӧзүм Йағайлаға*, хон Темур Кутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғи *Тэмүр Қутлуғ сӧзүм* деб бошланади (Содиқов 1997,85-86). Ҳужжатшунослик (дипломатика)да ёрлиқларнинг бундай бошламасини «преамбула», «начальный протокол» деб юритадилар. Ислом дунёси матншунослигида эса тарихий ҳужжатларнинг бу шаклга кирган бошламасини «унвон» ҳам дейишган.

Билга хоқон битигидаги *Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш түрк Билгä қаған сабым* ҳам айни вазифада келган бўлиб, хоқоннинг эл-улусга ёрлиғининг унвони (преамбуласи)дир. Ушбу бошлама унвон уч компонентдан тузилган: биринчиси Яратганнинг эътирофи (*Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш*), иккинчиси – хоқоннинг оти ва даражаси (*түрк Билгä қаған*), учинчиси эса *саб* («сўз»)нинг хоқонга қарашлилигини англатувчи бўлак (*сабым*).

Биринчи қисмга кирувчи *тäнгри-тäг* (кўкдай) сўзи *тäнгри* (Яратган)нинг сифати бўлиб, унинг кўкдай улуғворлигига ишорадир. Иккинчи қисмда *Билгä* исмидан аввал қўлланган *түрк* сўзи улуғ шахс, қудратли ҳукмдорнинг нисбаси (сифати)дир. У «кучли; қудратли, жасур; тузувчи» маъноларини билдиради. Шунга биноан, иккинчи қисмни ташкил этган бирикма маъносини «қудратли Билга хоқон» деб тушунмоқ керак. *Түрк* сифати бошқа машҳур хоқонлар исмига ҳам қўшиб айтилган. Масалан, Элтариш хоқон инисининг исми манбаларда *түрк Бӧгү қаған* шаклида қайд этилган. Ҳукмдор исмининг нисбаси билан қўшиб ёзиш расмий ҳужжатчиликнинг услубий талаби эди.

Ўрта асрларда битилган туркий ёрлиқларнинг бошламасида ҳам баъзан ёрлиқ берувчи ҳукмдор (intitulatio)нинг даражаси, унвони, нисбаси қўшиб ёзилган. Масалан, Шоҳруҳ Мирзонинг 1422 йили Исмоил исмли шахсга берган уйғур ёзувли нишони *Шаҳруҳ баҳадур сӧзүм* унвони билан бошланади. Ушбу унвондаги *баҳадур* сўзи олий табақа вакилларига берилувчи нисбани билдиради. Ёки 1469 йили Андижонда битилган Умар Шайх Мирзо нишонининг бошламаси *Султан 'Умар Шайх баҳадур сӧзүм* шаклидадир (ўша китоб,87-88). Қиёс учун яна туркий ёр-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ликлар бошламасида қўлланган *Абу-л-музаффар, Абу-л-ғази* каби нисбаларни эслаш кифоя.

Билга хоқон унвонидаги *сабым* «менинг сўзим» дегани эмас, балки «менинг мурожаатим, менинг ёрлиғим» маъносини билдиради. Туркий тилнинг кейинги босқичида *саб (~caw)* сўзи истеъмолдан чиқиб, унинг ўрнида *сöз* калимаси қўллана бошлади. Энди расмий ҳужжатлар бошламасида ҳам қадимги *саб (~caw)* ўрнини *сöз* эгаллади. Бу ҳам тарихий анъанага мувофиқ «буйруқ, фармон, ёрлиқ» маъноларини берди.

Юқоридагилар асосида Билга хоқон улуғ битиги бошламасини шундай талқин қилиш мумкин: «Кўкдай (улуғвор) Тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим». Билга хоқон ана шу унвон билан халққа, авлодларга мурожаат қилади. Айни бошламада барча компонентларнинг тўла-тўкис, лўнда, ихчам ҳолда муайян қолипга жойлашганлиги кўк турк ҳужжатчилигида расмий ҳужжат унвонларининг услуб жиҳатдан анчайин такомиллашганидан далолат беради. Ўрта аср ёрлиқлари унвонларининг қолипи ўз асосларини қадимги турк давридан бошлаган дейишга тўла асос бор. Туркий унвонлар қолипи кўк турк хоқонлиқлари даврида шаклланиб, даврлар оша ёзма тил (битиг сöз) услублари билан баробар такомиллашиб келган.

Бехистун битигида ҳам айни қолипли формуланинг («Менинг Дарайаваухш сўзим») мавжудлиги узоқ давом этган тарихий-маданий алоқаларнинг умумийлигидан далолат беради.

Муҳими шундаки, Билга хоқон битигининг хотима қисмида *Тäнгри-тäг тäнгри йаратмыш түрк Билгä қаған сабым* унвонли яна бир ёрлиқ келтирилади (Ха. 13-15). Лекин у Билга хоқоннинг эмас, балки битиг муаллифи Йўллуғ тигиннинг ёрлиғидир. Англашиладики, Йўллуғ тигин отасининг ўлимидан кейин ўзи битган ёрлиғида ҳам унинг унвонидан фойдаланган. Бунинг билан у матннинг ижтимоий-сиёсий таъсирини назарда тутган кўринади.

## Матнларнинг ёзув ва имло хусусиятлари

Кул тигин ва Билга хоқон битиглари саводли битилган. Қолаверса, мазкур матнларнинг имло хусусиятларини кўк турк даври адабий тили имлосининг мезони сифатида қараш мумкин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳарфлар тизими ва имлода қатъий тартиб мавжуд. Енисей ёки талас ёдгорликларигагина мансуб айрим ҳарфлар урхун битигларида учрамайди.

Алифбо тизимидаги ҳарфлар 37 та. Сўз, сўз бирикмаси ва гапларни чегаралаш учун қўшалоқ нуқта (:) қўлланилган.

Унлилар ёзувда 4 ҳарф билан ифодаланади. Ҳозирги ўзбек тилида [э] билан қўлланаётган туркий сўзлар битигларда <ä> ёки <и> ҳарфи билан ёзилган. Ёзувда махсус белги йўқлиги учун ана шу ҳарфлардан фойдаланилган кўринади (бу хусусда қаранг: Садыков 1992,19-22).

Муҳим хусусиятлардан бири, <а/ä> ҳарфи сўз боши, ундошлар ўртасида ҳар қачон ёзилмайди, лекин ўқилади.

Ундошларни ифодаловчи ҳарфларни уч гуруҳга тақсимлаш мумкин. Биринчи гуруҳ ҳарфлар ундошларнинг қалин ва ингичка эш (вариант)ларини фарқлашга хизмат қилади. Буни шундай тушунмоқ керак. Масалан, бол – (быть) сўзи тил орқа қаттиқ [о] билан талаффуз этилган. Шунга мувофиқ ҳолда унга ёндош келган [б], [л] ундошлари ҳам йўғон талаффуз этилади. Бӧл – (делить) сўзидаги [ö] олд қатор, юмшоқ унлидир. Бу унлининг ўз ёнидаги ундошга ҳам таъсири бор. Унинг таъсирида [б], [л] ҳам ингичка талаффуз этилади. Алифбода ҳам туркийнинг ана шу фонологик хусусиятига мувофиқ равишда [б], [л] ундошлариниг йўғон ва ингичка вариантлари учун айри-айри ҳарфлар (б-б′, л-л′) мавжуд.

Ёки «уй» маъносидаги *äб* сўзи биргина <б′> билан ёзилади. Мазкур ҳарфнинг ингичка эканлигини назарда тутиб, талаффузда олдига [ä] орттирилади ва *äб* деб ўқилади. *Аб* (ов) сўзи эса йўғон <б> билан ёзилган. Уни ўқиганда мазкур ундошнинг йўғонлигини инобатга олиб, орқа қатор [а] қўшилади (*аб*). Шу тартибда алифбода *б, д, ғ(г), й, қ(к), л, н, р, с, т* ундошларининг йўғон ва ингичка эшлари ёзувда мунтазам равишда фарқланади.

Баъзи ҳолларда *й, н, с* ундошларининг йўғон вариантлари ингичка вариант ҳарфлари (й′, н′, с′) билан ҳам ёзилиши мумкин.

Бир гуруҳ товушларнинг йўғон ва ингичка вариантлари ёзувда фарқланмайди. Иккаласи бир ҳарф билан ёзилаверади. Булар: <ч>, <м>, <н(нй)>, <нг>, <п>, <ш>, <з>. Лекин улар ўзак–негизнинг табиатига қараб икки хил ўқилаверган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Алифбодаги айрим белгилар ёнма-ён қўлланадиган ундошларни ҳам билдиради: <лт>, <нт>, <нч>. Бу ҳарфларни тасаввур қилиш учун кирилл хатидаги <ё>, <ю>, <я>, <е> ни эслаш кифоя. Фарқи: кирилл даги бу тўрт ҳарф ундош-унли бирлигини билдирса (й+о, й+у, й+а, й+э), урхун битигларидаги ҳарфлар ундош+ундош ёнма-ёнлигини англатади (л+т, н+т, н+ч): *болты* (бўлди), *қылынтуқда* (яралганда), *тӧртүнч* (тўртинчи). Таъкидлаш жоиз, матнларда <лт>, <нт> шаклли сўзлар алоҳида ҳарфлар (<л>=<т>) билан ҳам ёзилаверган.

Ёзувнинг хос хусусиятларидан яна бири *–ақ/қа–* бирикмали бўғинларда (*қангым*-отам, *йаблақ*-ёмон сўзларидаги каби) муайян <қ> ҳарфи қўлланилса, *–оқ, –уқ/қо–,қу–* бирикмали бўғинларда (*қоп*-бутунлай, *қонй*-қўй, *ыдуқ*- муқаддас сўзларидаги каби) бошқа бир <қ>; *–ық/қы–* бирикмали бўғинларда эса (*қырқыз*-қирғиз, *балық*-шаҳар сўзларидаги каби) ўзга <қ> қўлланади. <К> фонемасининг ифодаланишида ҳам ана шундай тақсимланиш бор. Лекин унда изчиллик йўқ: муайян ҳарф лабланган унлилар билан ҳам, лабланмаган унлилар билан ҳам қўллануви мумкин. Англашиладики, бошлаб <к> нинг ифодасида ҳам юқоридаги каби қонуният амал қилган, кейинчалик ҳарфларнинг вазифасида ўзгариш содир бўлган.

Кўк турк алифбосидаги <нй> ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу ҳарф, масалан, шундай сўзларда келади: *қонй*-қўй (КТу.54), *қытанй*-улуснинг оти (КТу.14). Муҳими шундаки, <нй> билан ёзилган сўз бошқа бир сатрда икки ҳарф – <н>+<й> билан ҳам ёзилган. Жумладан, *Тонйуқуқ* исми Тўнюқуқ битигида бир ҳарф (<нй>), Билга хоқон ёдгорлигида эса икки ҳарф (<н>+<й>) билан ёзилган. Урхун битигларида <нй> ёки <н>+<й> билан қўлланган сўзлар кейинги давр матнларида <н> ёки <й> га ўзгаради: *қонй-қон~қой, чығанй-чығай* каби.

Араб ёзувли матнларда сўз ўртаси ва охирида ف / ڤ билан ифодаланган [w] ундоши ўрнида урхун битигларида <б> ёзилган. Муҳими, ушбу ёдгорликлар билан олдинма-кетин яратилган уйғур ёзувли ёдгорликларда [w] учун махсус ҳарф бор. Уйғур ва араб ёзувли матнларни назарда тутиб, урхун матнларидаги <б> ҳарфи, ўрни билан, [w]ни ҳам англатган деган мулоҳазани билдириш мумкин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матнлардаги <д> <д'> нинг функцияси ҳам кенгроқ бўлган кўринади.

Бунинг каби белгилари ёзувнинг (айрим олимлар чамалаётганидек Биринчи ё Иккинчи турк хоқонлиғи муҳитида) бир пайтда эмас, балки узоқ асрлар давомида, туркийнинг фонетик-фонологик қонуниятларига боғлиқ ҳолда шаклланиб, тараққий этиб келганидан далолат беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## IV БЎЛИМ. МАТНЛАР

### [БИЛГА ХОҚОН МУРОЖААТИ]: ҚИЁСИЙ МАТН

КТк.1-11

Xb.1-8, 9-14

К.1. Тӓнгри–тӓг тӓнгридӓ булмуш түрүк Билгӓ қаған бу ӧдкӓ
X.1. *Тӓнгри–тӓг тӓнгридӓ булмуш түрүк Билгӓ қаған бӧдкӓ*

олуртум. Сабымын түкӓти ӓсидгил: улайу ин[и] йӓгүнүм, оғланым,
*олуртум. Сабымын түкӓти ӓсид: улайу ин[и] йӓгүнүм, оғланым,*

бирики, оғушум, бодунум, бирйӓ шадапыт бӓглӓр, йырйа тарқат,
*бирики, оғушум,* ...........................................................................

буйруқ бӓглӓр, отуз .... 2. тоқуз оғуз бӓглӓри, бодуны, бу сабымы
..........................................................................................................

ӓдгүти ӓсид, қатығды тинглӓ. Илгӓрү күн тоғсуқа, биргӓрү күн
........................................................ *2. тоғсуқынга, биргӓрү күн*

ортусынгару, қурығару күн батсықынга, йырғару түн ортусынгару,
*ортусынгару, қурығару күн батсықынга, йырғару түн ортусынгару,*

анта ичрӓки бодун қо[п] м[ӓнг]ӓ кӧр[үр...]н бунча бо[дунуғ] 3. қоп
*анта ичрӓки бодун қоп мӓнгӓ кӧрүр*...............................................

итдим. Ол амты анйығ йоқ. Түрүк қаған Ӧтүкӓн йыш олурсар ӓлтӓ
........... *Ол амты анй[ығ.....]. Түрүк [қаға]н Ӧтүкӓн ...ш олурсар ...тӓ*

бунг йоқ. Илгӓрү Шантунг йазықа тӓги сүлӓдим, талуйқа кичиг
....... *йоқ. Илг.............нтунг*...........................................................

тӓгмӓдим. Биргӓрү Тоқуз ӓрсӓнкӓ тӓги сүлӓдим, Түпүткӓ кичиг
................ *Б.........рү Т..... 3. ӓрсӓнкӓ тӓги сүлӓдим, Түпүткӓ кичиг*

[тӓг]мӓдим. Қурығару Йинчү ӧг[үз] 4. кӓчӓ Тӓмир қапығқа тӓги
*тӓгмӓдим. Қурығару Йинчү ӧгүз кӓчӓ Тӓмир қапығқа тӓги*

сүлӓдим. Йырғару Йӓр Байырқу йӓрингӓ тӓги сүлӓдим, бунча
*сүлӓдим. Йырғару Йӓр Байырқу йӓрингӓ тӓги сүл......, бу.....*



www.ziyouz.com kutubxonasi

йäркä тäги йорытдым. Ӧтүкäн йышда йиг иди йоқ äрмис, äл
*...............орытд............үкäн й......да йиг и................миш, äл*

тутсуқ йäр Ӧтүкäн йыш äрмиш. Бу йäрдä олуруп табғач бодун
*..............түк.....йыш äрмиш.......йäрд............руп ................н*

бирлä 5. түзүлтүм. Алтун, күмүш, исигти, қутай бунгсуз анча
*бирлä түзүл...... Алтун, күмүс, äсиг.... 4. қутай бунгсуз анча*

бирүр Табғач бодун сабы сүчиг, ағысы йымшақ äрмис. Сүчиг
*бирүр Табғач бодун сабы сүчиг, ағысы йымшақ äрмиш.Сүчиг*

сабын, йымшақ ағын арып, ырақ бодунуғ анча йағутыр äрмис.
*...бын, йымшақ ағын арып, ырақ .........нуғ анча йағутыр äрмиш.*

Йағру қонтукда кисрä анйығ билиг анта үйүр äрмис. 6.Äдгү билгä
*.........у қонтуқ... кисрä анйығ билигин анта ү...............ш. Äдгү........гä*

кисиг, äдгү алп кисиг йорытмаз äрмис. Бир киси йангылсар,
*кисиг, äдгү алп кисиг йо............ äрмиш. Бир киси йангылс...,*

оғушы, бодуны, äби äсүкингä тäги қыдмаз äрмиш. Сүчиг сабынга,
*оғушы, бодун..............үкингä тäги қыд..... 5. äрмиш. Сүчиг сабынга,*

йымшақ ағысынга артуруп öкүш түрүк бодун öлтүг. Түрүк бодун
*йымшақ ағысынга артуруп öкүш түрүк бодун öлтүг. Түрүк бодун*

үлäсикинг, бирйä Чуғай йыш Тöг äлтүн 7. йазы қонайын тисäр,
*үлäсикинг, бирйä Чуғай йыш Тöг äлтүн йазы ....найын .........,*

түрүк бодун үлäсикиг анта анйығ киси анча бошғурур äрмис:
*түрүк бодун үлäсикиг анта анйығ ...иси анча бошғ....... äрмиш.*

Ырақ äрсäр, йаблақ ағы бирүр, йағуқ äрсäр, äдгү ағы бирүр тип
*Ырақ äрсäр, йаблақ ағы бирүр, йағуқ äрсäр, äдгү ағы бирүр тип*

анча бошғурур äрмис. Билиг билмäз киси ол сабығ алып, йағру
*анча бошғурур äрмиш. Би.... 6. билмäз киси ол сабығ алып, йағру*

барып, öкүш киши öлтүг. 8. Ол йäргäрү олурсар, түрүк бодун,
*барып, öкүш киши öлтүг. Ол йäр...... ү барсар, түрүк бодун,*



www.ziyouz.com kutubxonasi

öлтäчи–сäн. Öтүкäн йäр олуруп арқыш тиркиш ысар, нäнг бунгуғ
*öлтäчи–сäн. Öтүкäн йäр о.....руп..........тиркиш ысар, нäнг бу.........*

йоқ. Öтүкäн йыш олурсар, бäнггү äл тута олуртачы–сäн, түрүк
*....қ. Ö............ыш олурсар, бäнггү...............................ы–сäн, түрүк*

бодун, тоқ, арықақ–сäн, ачсақ, тосақ öмäз–сäн. Бир тудсар, ачсақ
*бодун, тоқ, арықақ–сäн, ачсақ, тосақ öмäз–сäн. Бир тудсар, ачсақ*

öмäз–сäн. Антағынгын 9. үчүн игидмиш қағанынгын сабын алматын
*öмäз–сäн. Антағынгын үчүн игидмиш қ................7. сабын алматын*

йäр сайу бардығ. Қоп анта алқынтығ, арылтығ. Анта қалмышы йäр
*йäр сайу бардығ. Қоп анта алқынтығ, арыл..... Анта қалм......... йäр*

сайу қоп туру öлү йорыйур äртиг. Тäнгри йарлықадуқын үчү[н
*......у қоп туру öлү йорыйур äртиг. Тäнгри йарлық..........................*

ö]зүм қутум бар үчүн қаған олуртум. Қаған олуруп, 10. йоқ, чығанй
*.......м қутум бар үчүн қ......................м. Қаған олуруп, йоқ, чығанй*

бодунуғ қоп қобуртдым. Чығанй бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ
*бодунуг қоп қобурт(т)ым. Чығанй бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ*

öкүш қылтым. Азу бу сабымда игид барғу. Түрүк бäглäр, бодун,
*öкүш қылтым. Аз.....8. сабымда игид барғу. Түрүк бäглäр, бодун,*

буны äсидинг! Түрүк [бодунуғ ти]рип äл тутсуқынгын бунта уртум,
*буны äсидинг! Түрүк бодунуғ тирип ...л тутсуқынгын бунта уртум,*

йангылып үлäсикингин йäмä 11. бунта уртум. Нäнг нäнг сабым
*йангылып үлäсикингин ........ бунта ........м. Нäнг нäнг сабым*

äрсäр, бäнггү ташқа уртум. Ангар кöрү билинг түрүк амты бодун,
*.......р, бäнггү ташқа уртум. Ангар кöрү билинг түрүк амты бодун,*

бäглäр, äб öдкä кöрүгмä бäглäр, гү йангылтачы–сиз*.
*бäглäр, äб öдкä кöрүгмä .........р, ...ү й.........лтачы–сиз.*

---

* КТк да шу ерда хоқоннинг сўзи тугайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*9. қаған ачым қаған олуртуқынта төрт булунгдақы бодунуғ бунча... нгр... йарлықад... ч... öзүм олуртуқума төр[т] б.........дунуғ итдим, йар[ат]дым, ы...... қылтым. Мäн [Т]үргäс қаған қа қызым ...г äртäнгү, улуғ төрүн алы биртим. Түр[гäс қағанынг] 10. қызын äртäнгү, улуг төрүн оғлума алы биртим. ...... äртäнгү, улуғ төрүн алы биртим, й...т äртү[р]түм. Түр....баз.....[ба]ш[лы]ғыг йүкүнтүртүм, тизлигиг сөкүртүм. Үзä тäнгри, ас[ра] йäр йарлықадуқ үч[үн] ... 11. көзүн көрмäдүк, қулқақын äсидмäдүк бодунумун илгäрү қыт...тт......биргäрү Таб[ғач]қа, қурығару ......нын үрүнг күмүсин, қырғағлығ қутайын, äкинлиг исигтисин, öзлүк атын, адғырын, қара к... 12. көк тäйингин түрүкүмä, бодунума қазғану биртим, ити биртим ...... бунгсуз қылынмыш. Үзä тäнгри äрклиг ......з бод[ун] ... анча түмäн оғ... йа мäн......... öн...äриг бунч[а] 13. [йä]мä игидинг, äмгäтмäнг, толғатманг. Олуртум. Түрүк бäглäр, түрүк бодунум ...т биртим ... ү...... амты қа ташығ....... үр.... қазғанмыс ағымын [түр] үк бо[дун] ....и бу қағанынгда, бу бäглäриг ...... бунгад....... түрүк ... 14. мäни äдгү көртäчи–сäн, äбингä киртäчи–сäн, бунгсуз болтачы–сäн......*

КТу.1-30

Х.1-2, 2-24

*Х[*] .1. Тäнгри–тäг тäнгри йаратмыш түрүк Билгä [қаған сабым ........] с Түрүк Билгä ....... ты сир тоқуз оғуз öд ир äр күлүг бäглäри, бодуны .......... түрүк ..... 2. үзä қаған олуртум. Олуртуқума öлтäчичä сақынығма түрүк бäглäр бодун ...рип, сäбинип тостамыш, көзи йүгүрү көрти, бöдкä öзүм олуруп бунча ағыр төрүг төрт булунгдақы .................дим.*

К.1. Үзä көк тäнгри, асра йағыз йäр қылынтуқда
Х.2. *Үзä көк тäнгри, ас ...........................................*

икин ара киси оғлы қылынмыс. Киси оғлынта үзä
........................................................ *3. Киси оғлынта үзä*

äчүм апам Бумын қаған, Истäми қаған олурмыш.
*äчүм апам Бумын қаған, Истäми қаған олурмыш.*

---

[*] Мазкур икки сатр В. Радлов нашридаги рутушли нусхадан олинди: Orhun, 28-29.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олурупан тʏрʏк бодунунг ӓлин тӧр[ʏ]син тута
*Олурупан тʏрʏк ...одунунг ӓлин тӧрʏсин тута*

бирмис, ити бирмис. 2. Тӧрт булунг қоп йағы ӓрмис,
*бирмис, ити бирмис. Тӧрт булунг қоп йағы ӓрмис,*

сʏ сʏлӓпӓн тӧрт булунгдақы бодунуғ қоп алмыс, қоп
*сʏ сʏлӓпӓн тӧрт булунгдақы бодунуғ ..........................*

баз қылмыс, башлығығ йʏкʏнтʏрмис, тизлигиг
*..................... башлығығ .....кʏнтʏрмис, тизлиг....*

сӧкʏрмис. Илгӓрʏ Қадырқан йышқа тӓги, кирʏ
.............................................................................

Тӓмир қапығқа тӓги қонтурмыс. Ӓкин ар[а] 3. иди
*4. Тӓмир қапығқа тӓги қонтурмыс. Ӓкин ара иди*

оқсуз кӧк тʏрʏк < > анча олурур ӓрмис. Бил(г)ӓ
*оқсуз кӧк тʏрʏк ...ити анча олурур ӓрмис. Билгӓ*

қаған ӓрмис, алп қаған ӓрмис, буйруқы йӓмӓ билгӓ
*қаған ӓрмис, алп қаған ӓрмис, буйруқы < > билгӓ*

ӓрмис ӓринч, алп ӓрмис ӓринч, бӓглӓри йӓмӓ,
*ӓрмис ӓринч, алп ӓрмис ӓринч, бӓглӓри йӓмӓ,*

бодуны йӓмӓ тʏз ӓрмис. Аны ʏчʏн ӓлиг анча
*бодуны ...................................... ʏчʏн ӓлиг анча*

тутмыс ӓринч. Ӓлиг тутуп тӧрʏг итмис. Ӧзи анча
*тутмыш ӓринч. Ӓлиг тутуп тӧрʏ....................................*

4. кӓргӓк болмыс. Йоғчы, сығытчы ӧнгрӓ кʏн
*.............................. 5. Йоғчы, сығытчы ӧнгрӓ кʏн*

тоғсықда Бӧкли чӧлгил, табғач, тʏпʏт, апар, пурум
*тоғсықда Бӧкли чӧлгил, ....бғач, тʏпʏт, апар, пурум*

қырқыз, ʏч қурықан, отуз татар, қытаӣ, татабы-
*қырқыз, ʏч қурықан, отуз татар, қытаӣ, татабы-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

бунча бодун кälипäн сыгтамыс, йоғламыс. Антағ
*бунча бодун кälипäн сыгтамыш, йоғламыш. Антағ*

кулуг қаған äрмис. Анта кисрä иниси қаған
*кулуг қаған äр........................................ қаған*

5. болмыс äринч, оғлы аты қаған болмыс äринч.
*.......................нч, оғлы аты қаған болмыш äринч.*

Анта кисрä иниси äчисин–тäг қылынмадуқ äринч,
*Анта ........................................6. қылынмадуқ äринч,*

оғлы қангын–тäг қылынмадуқ äринч, билигсиз
*оғлы қангын–тäг қылынмадуқ äринч, билигсиз*

қаған олурмыс äринч, йаблақ қаған олурмыс äринч,
*қаған ....рмыс äринч, йаблақ қаған олурмыш äринч,*

буйруқы йäмä билигсиз < > äринч, йаблақ
*буйруқы йäмä билигсиз äрмис äринч, йаблақ*

äрмис äринч. 6. Бäглäри, бодуны тузсуз учун,
*äрмиш äринч. Бäглäри, бодуны тузсуз учун,*

табғач бодун тäблигин, курлуг учун, армақчысын
*табғач бодун тäбл..... курлугин .........................сын*

учун, инили äчили киксурутукин учун бäгли
*учун, инили .........................................................*

бодунлыг йонгашуртуқын учун турук бодун
*............. 7. йонгашуртуқын учун турук бодун*

äллäдук äлин ыч[ғ]ыну ыдмыс. 7. Қағанладуқ
*äл(л)äдук äлин ычғын... ..дмыш. Қағанладуқ*

қағанын йитуру ыдмыс. Табғач бодунқа бäглик
*қағанын йитуру ыдмыш. Табғач бодунқа бäглик*

уры оғлын қул болты, силик қыз оғлын кунг
*уры оғлын қул қылты, силик қыз оғлын кунг*



www.ziyouz.com kutubxonasi

болты. Түрүк бäгläр түрүк атын ыты табғачғы
*қылты. Түрүк бäгläр түрүк атын ыты табғ.......*

бäгläр табғач атын тутыпан табғач қағанқ[а]
*бäгläр табғ..........................................................*

8. кöрмис. Äлиг йыл исиг, күчүг бирмис. Илгäрү
*................................ 8. исиг, күчүг бирмиш. Илгäрү*

күн тоғсықда Бöкли қағанқа тäги сүлäйү бирмис.
*күн тоғсықа Бöкли ....ғанқа тäги сүлäйү бирмиш.*

Қурығару Тäмир қапығқа тäги сүлäйү бирмис.
*Қурығару Тäмир қапығқа < > сүлäйү бирмиш.*

Табғач қағанқа äлин тöрүсин алы бирмис. Түрүк
*Табғач қағанқа äлин тöр(ү)син алы бирмиш. Түрүк*

қара қамуғ 9. бодун анча тимис: Äллиг бодун
*қара қамуғ бодун анча тимиш: Äллиг бодун*

äртим äлим амты қаны? Кимкä äлиг қазғанур–ман?
*..........................................................................................*

тир äрмис. – Қағанлығ бодун äртим, қағаным
*.................. 9. Қағанлығ бодун äртим, қағаным*

қаны? Нä қағанқа исиг, күчүг бирүр–мäн?-тир
*қаны? Нä қағанқа исиг, күчүг бирүр–мäн?-тир*

äрмис. Анча тип табғач қағанқа йағы болмыс. 10.
*äрмиш. Анча тип табғач қағанқа йағы болмыш.*

Йағы болуп итинү, йаратуну умадуқ йана
*Йағы болуп итинү, йаратуну умадуқ йана*

ичикмис. Бунча исиг, күчүг биртүкгäрү сақынматы
*[и]чикмиш. Бунча исиг, күчүг биртүкрү сақынматы*

«түрүк бодун öлүрäйин, уруғсыратайын» тир
*«түрүк бодунуғ öлүр......................тайын»......*



www.ziyouz.com kutubxonasi

ärмис, йоқаду барыр ärмис. Ÿзä түрүк тäнгриси,
....................................................*10. түрүк тäнгриси,*

түрүк ыдуқ йäри, 11. субы анча тäмис: «Түрүк
........ *ыдуқ йäри, субы анча тäмиш äринч: «Түрүк*

бодун йоқ болмазун» тийин, «бодун болчун тийин
*бодун йоқ болмазун» тийин, «бодун болчун тийин*

қангым Äлтäрис қағаныг, ögүм Илбилгä қатунуғ
*қангым Äлтäрис қағаныг, ögүм Илбилгä қатунуғ*

тäнгри тöпүсинтä тутуп йöгäрү кöтүрмис äринч.
*тäнгри тöпүсинтä тутуп йöгäрү кöтүрти äринч.*

Қангым қаған йäти йиг[ир]ми äрин ташықмыс.
*Қангым қаған йäти йиг[ир]ми äрин таш...м.....*

Т[ашр]а 12. йорыйур тийин кү äсидип балықдақы
................... *йо[р]ыйур....................................л....д.....*

ташықмыс, тағдақы инмис. Тирилип йäтмис äр
*таш...................... 11. инмиш. Тирилип йäтмиш äр*

болмыс. Тäнгри күч биртүк үчүн қангым қаған
*болмыш. Тäнгри күч биртүк үчүн қангым қаған*

сүси бöри--тäг äрмис, йағысы қонй–тäг армис.
*сүси бöри–тäг äрмиш, йағысы қонй–тäг армиш.*

Илгäрү, қурығару сүлäп ти[р]мис, қобурт[мыс].
*Илгäрү, қурығару сүлäп тирмиш, қобуртмыш.*

[Қа]муғы 13. йäти йүз äр болмыс. Йäти йүз äр
*Қамуғы йäти йүз äр болмыш. Йäти йүз äр*

болуп äлсирäмис, қағансырамыс бодунуғ,
*болуп äл...........................................................*

күнгäдмис, қуладмыс бодунуғ, түрүк тöрүсүн
...................................................*нуғ, түрүк тöрүсүн*



www.ziyouz.com kutubxonasi

ычғынмыс бодунуғ ӓчүм апам төрүсинчӓ йаратмыс,
*.......... 12. бодунуғ ӓчүм апам төрүсинчӓ йаратмыш,*

бошғурмыс. Төлис, тардуш ....................................
*бошғ....мыш. Төлис, тардуш бодунуғ анта итмиш.*

14. Йабғуғ, шадығ анта бирмис. Бирийӓ табғач
*Йабғуғ, шадығ анта бирмис. Бирийӓ табғач*

бодун йағы ӓрмис, йырайа баз қаған, тоқуз оғуз
*бодун йағы ӓрмиш, йырайа баз қаған, тоқуз оғуз*

бодун йағы ӓрмис. Қырқыз, қурықан, отуз татар,
*бодун йағы ӓрмиш. Қы..............................................*

қытанй, татабы қоп йағы ӓрмис. Қангым қаған
*.......................................................................м қ.......*

бунч[а] .................. 15. қырқ артуқы йӓти йолы
*......................бодунуғ қыр............. 13. йӓти йолы*

сүлӓмис, йигирми сүнгүс сүнгүсмис. Тӓнгри
*сүлӓмиш, йигирми сүнгүш сү.......миш. Тӓнгри*

йарлықадуқ үчүн ӓллигиг ӓлсирӓтмис, қағанлығығ
*йарлықадуқ үчүн ӓллигиг ӓлсирӓтмиш, қағанлығығ*

қағансыратмыс, йағығ баз қылмыс, тизлигиг
*қағансыратмыш, йағығ бан(баз?) қылмыш, тизлигиг*

сөкүрмис, башлығығ йүкүнтүр..................16. төрүг
*сөкүрмиш, башлығығ йүкүнтүрмиш. Қангым.......*

қазғаныш уча бармыс. Қангым қағанқа башлайу
*...................................... Қангым ............. башлайу*

баз қағаныг балбал тикмис. <
*баз қағаныг балбал тик...... 14. Қаған учдуқда өзүм*

>. Ол төрүдӓ үзӓ ӓчим қаған
*сӓкиз йашда қалтым. Ол [т]өрүдӓ үзӓ ӓчим қаған*



www.ziyouz.com kutubxonasi

олурты. Ӓчим қаған олурупан тӱрӱк бодунуғ йичӓ
*олурты. .................... олурупан тӱрӱк бодунуғ йичӓ*

итди, < > игит(т)и, чыганйыг ............................
*итди, йичӓ игит(т)и, чыганйыг бай қылты, азыг*

................. 17. Ӓчим қаған олуртуқда öзӱм <
*öкӱш қылты. Ӓчим қаған олуртуқа öзӱм тигин ӓрк.*

*....ий........................ тӓнгри йарлықады ӓрмис ӓринч*

> тардуш бодун ӱзӓ шад
*15. тöрт йигирми йашымқа тардуш бодун ӱзӓ шад*

ӓртим. Ӓчим қаған бирлӓ илгӓрӱ Йашыл öгӱз,
*олуртым. Ӓчим қаған бирлӓ илгӓрӱ Йашыл öгӱз,*

Шантунг йазықа тӓги сӱлӓдимиз, қурығару Тӓмир
*Шантунг йазықа тӓги сӱлӓдимиз, қурығару Тӓмир*

қапығқа тӓги сӱлӓдимиз. Кöгмӓн аша қы........
*қапығқа тӓги сӱлӓдимиз. Кöгмӓн аша қырқыз*

..................................18. Қамуғы биш отуз сӱлӓдимиз,
*йӓрингӓ тӓги сӱ..................... биш отуз сӱ.................з,*

ӱч йигирми сӱнгӱшдимиз. Ӓллигиг ӓлсирӓтдимиз,
*...............ми.......................................................................*

қағанлығыг қағансыратдымыз, тизлигиг
...................................................................................

сöкӱртимиз, башлығыг йӱкӱнтӱртимиз. Тӱргӓс
*16. сöкӱртимиз, башлығыг йӱкӱнтӱртимиз. Тӱргӓс*

қаған тӱрӱкӱмиз, ..................................... 19. ӱчӱн
*.....ған тӱркӱм, бодунум ӓрти. Билмӓдӱкин ӱчӱн*

бизингӓ йанглуқын < > ӱчӱн қағаны
*биз[инг]ӓ йангылтуқын, йазынтуқын ӱчӱн қағаны*

öлти, буйруқы, бӓглӓри йӓмӓ öлти. Он оқ бодун



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ӧлти, буй......ы, бäглäри йäмä ӧлти. Он оқ бодун*

äмгäк кӧрти, äчүмиз апамыз тутмыс йäр суб
*äмгäк кӧрти, äчү...........................................р су..*

идисиз болмазун тийин аз бодунуғ итип йар.......
*.......сиз қалмазун .........н .............................................*

20. барс бäг äрти, қаған ат бунта биз биртимиз.
*............. 17. äрти, қаған атығ бунта биз биртимиз.*

Синглим қунчуйуг биртимиз. Ӧзи йангылты,
*Синглим қ........йуғ биртимиз. Ӧзи йазынты,*

қағаны ӧлти, бодуны күнг қул болты. Кӧгмäн йäр
*қағаны ӧлти, бодуны күнг қул болты. Кӧгмäн йäр*

суб идисиз қалмазун тийин аз қырқыз бодунуғ
*суб идисиз .......мазун тийин аз қырқыз бодунуғ*

< > йарат..................................21. йана биртимиз.
*анча йаратып кäлтим ....ӧнг ш..................................*

Илгäрү Қадырқан йышығ аша бодунуғ анча
*............. Қадырқан йыш............ б.......нуғ анча*

қонтуртымыз, анча итдимиз. Қурығару Кäнгү
*қонтур.............................. Қурығару 18. Кäнгү*

Тарманқа тäги түрүк бодунуғ анча қонтуртымыз,
*Тарбанқа тäги түрүк бодунуғ анча қонтур[ты]мыз,*

анча [и]тдимиз. Ол ӧдкä қул қуллуғ болмыс ........
*анча итдимиз. Ол ӧдкä қул қуллуғ < >, күнг*

...................................... <
*күнглүг болмыш äрти. Иниси исин билмäз äрти,*

>. 22 Анча қазғанмыс, < >
*оғлы қангын билмäз äрти. Анча қазғанмыш, анча*

итмис äлимиз, тӧрүмиз äрти. Түрүк оғуз бäглäри,
*итмиш äлимиз.............................................................*



www.ziyouz.com kutubxonasi

бодун, äсидинг! Үзä тäнгри басмасар, асра йäр
*....дун, äсид! Үзä тäнгри басм....................... йäр*

тилинмäсäр, түрүк бодун, äлингин төрүнгин ким
*тилинмäсäр, 19.түрүк бодун, äлингин төрүнгин ким*

артаты...................................................... 23. öкүн,
*артаты, удчы[д]ы(?). Түрүк бодун, äрäт аз, öкүн,*

көргүнгин үчүн, игидмис билгä қағанынгын äрмис,
*көргүнгин үчүн, игидмиш < > қағанынга äрмис,*

бармыс, äдгү äлинг[ä] кäнтү йангылтығ, йаблақ
*бар................ äлингä кäнтү йангылтығ, йаблақ*

кигүртиг. Йарақлығ қантан кäлип йанйа äлтди,
*кигүртиг. Йарақлығ қантан кäлип йайа äлтди,*

сүнгүглүг қантан кäлипäн сүрä äлтди? Ыдуқ
*сүнгүглүг қантан .............. сүрä ä..............дуқ*

Өтүкäн йы...........................................24. бардығ,
*Ö......... йыш бодун бардығ, илгäрү ...... бардығ,*

қурығару барығма бардығ. Бардуқ йäрдä äдгүг
*қурығару 20. барығма бардығ. Бардуқ йäрдä äдгүг*

ол äринч: қанынг субча йүгүрти, сөнгүкүнг тағча
*ол äринч: ..нынг öгүзчä йүгүрти, сөнгүкүнг тағча*

йатды, бäглиг уры оғлунг қул болты, силиг қыз
*йатды, бäглиг уры оғлунгын қул қылтығ, силиг..*

оғлунг күнг болты билмäдүк үчүн ..........
*................. қылтығ ол билмäдүк äгин үчүн,*

...................................................................... 25. Башлайу
*йаблақынгын үчүн, äчим қаған уча барды. Башлайу*

қырқыз қағанығ балбал тикдим. Түрүк бодунуғ
*қырқыз қағанығ .............................. Түрүк бодун*



www.ziyouz.com kutubxonasi

аты, күси йоқ болмазун тийин қангым қағанығ,
*аты, күси йоқ болмазун тийин қангым қағанығ,*

өгүм қатунуғ көтүрмиш тәнгри, әл биригмә тәнгри
*21. өгүм қатунуғ көтүрүгмә тәнгри, әл бириг....нгри*

түрүк бодун аты, күси йоқ бо......................................
*түрүк бодун аты, күси йоқ болмазун тийин өзүмүн*

...............26. қаған олуртды әринч. Нәнг йылсығ
*ол тәнгри қаған олуртды...............................лсығ*

бодунқа олурмадым, ичрә ашсыз, ташра тонсуз,
*бодунта үзә олурмадым, ичрә ашсыз, ташра тонсуз*

йабыз йаблақ бодунта үзә олуртум. Иним Күл
*йабыз йаблақ бодунта ..........................................*

тигин < > бирлә сөзләшдимиз
*..игин ики шад, иним [Кү]л тигин ..лә сөзләшдимиз*

Қангымыз әчимиз қаз....................................................
*Қангымыз ....22. әчимиз қазғанмыш бодун аты күси*

...............27. тийин түрүк бодун үчүн түн удымадым
*йоқ бо....... тийин түрүк бодун үчүн түн удымадым*

күнтүз олурмады[м]. Иним Күл тигин бирлә, ики
*күнтүз олурмадым. Иним Күл т........ бирлә, <*

шад бирлә өлү йиту қазғантым. Анча қазғаныш
*> өлү йиту қазғантым. Анча қазғаныш*

бирики бодунуғ от суб қылмадым. Мән.............
*бирики бодунуғ от суб қылмадым. ......................*

............28. бармыш бодун < > өлү йиту йадағын,
*йәр сайу бармыш бодун ........... өлү йиту <*

йалангын йана кәлти. Бодунуғ игидәйин тийин
*> 23. кәлти. Бодунуғ игидәйин тийин*



www.ziyouz.com kutubxonasi

йырғару оғуз бодун тапа, илгäрү қытанй, татабы
*йырғару .............дун тапа, илгäрү қытанй, татабы*

бодун тапа, биргäрү Табғач тапа улуғ сү ики
*бодун тапа, биргäрү Табғач тапа < > ики*

йигир............................................ 29. кисрä тäнгри
*йигирм................. сүнгүшдим. Анта кисрä тäнгри*

йарлықазу, қутум бар үчүн, үлүгүм бар үчүн
*йарлықадуқ үчүн, қутум < > үлүгүм бар үчүн*

öлтäчи бодунуғ тиргүрү игит(т)им. Йаланг
*öлтäчи бодунуғ т.........рү игит(т)им. Йаланг*

бодунуғ тонлуғ < >, чығанй бодунуғ бай
*бодунуғ тонлуғ қылтым, чығанй бодунуғ бай*

қылтым, аз бодунуғ öкүш қылтым. Ығар äллигдä,
*қылтым, 24. аз бодунуғ öкүш қылтым. Ығар äллигдä,*

қ........................................................ 30. бодунуғ
*...ғанлығда йиг қылтым. Тöрт булунгдақы бодунуғ*

қоп баз қылтым, йағысыз қ.........м қоп мäнгä кöрти.
*қоп баз қылтым, йағысыз қағаным қоп мäнгä кöрти*

## МАЗМУНИ*

### КТк.1-11, Хb.1-14

(1) Кўкдай (улуғвор) Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган/Тангрининг иноятн билан] турк Билга хоқон бу[1] тахтга ўтирдим. Сўзимни тугал эшитгил[2] кетимдаги ини, жияним, ўғлоним, иттифоқ, уруғим, халқим, ўнгдаги шада-

---

* Кул тигин битиги асосга олинди. Билга хоқон матнидаги фарқлар изоҳда келтирилади. Изоҳдаги шартли белгилар шундай маъноларни билдиради: (Х)-Билга хоқон битигида; (-)-мазкур битигда шу сўз ёки бирикма учрамайди; (+)-бунга шундай сўз ёки жумла қўшилган; ([ )-шундан сўнг матн қуйидагича давом этади; (])-шу билан кейинги сўзга уланади; (......)-шу ерда бўш жой бор, лекин матн ўчган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

пит беклар, чапдаги тарханлар, буйруқ беклар, ўттиз ......(2) тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла. Олдинга – кун чиқарга, ўнгга – жанубга, орқага – кун ботарга, чапга – шимолгача бўлган оралиқдаги халқ бутунлай менга қарайди. Шунча халқни (3) шод этдим. У энди ёвуз эмас. Турк хоқони Ўтукан йишда турса, элда ташвиш йўқ. Шарққа – Шантунг даштига қадар лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга – Тўқуз арсанга қадар лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Ғарбга – Йинчу ўгузни (4) кечиб, Темир қопиққа қадар лашкар тортдим. Шимолга – Ер Байирқу еригача лашкар тортдим, шунча ерга қадар юриш қилдим. Ўтукан йишда яхши ҳоким йўқ экан. Элни тутғучи ер Ўтукан йиш экан. Бу ерда ўтириб, табғач халқи билан (5) муроса қилдим. Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни ҳисобсиз бераётган табғач халқи сўзи ширин, ипаклиги нафис экан. Ширин сўзи, нафис ипаклиги билан авраб, йироқ халқни шундай яқинлаштирар экан. Яқин бўлгандан сўнг ёвуз илмини у ерда кўрсатар экан. (6) Яхши, доно кишини, яхши, баҳодир кишини тинч қўймас экан. Бирор киши адашса, уруғи, халқи, уйи–ёпинчиғигача қўймас экан. Ширин сўзига, нафис шойисига алданиб, кўп турк халқи, ўлдинг. Турк халқи, айриминг жанубга Чуғай йиш, Тўг алтун (7) даштига манзил қилай деса, турк халқининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пишиқлар экан: йироқ бўлса, ёмон ипаклик берур, яқин бўлса, яхши ипаклик берур, дея шундай пишиқлар экан. Билимсиз киши у сўзни олиб [ўша гапга инониб], яқин бориб, кўп киши ўлдинг. (8) У ерга борсанг, турк халқи, ўлажаксан. Ўтукан ерда туриб карвон юбориб турса, ҳеч бир ташвиш йўқ. Ўтукан йишда турилса, мангу элни тутиб туражаксан. Турк халқи, тўкис ишонувчисан. Самимий, носамимийни ажратмайсан. Бир тутоқсанг, самимийни фарқламайсан. Ўшандайлигинг (9) учун (сени) ардоқлаган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг. У ерда хўп ғойиб бўлдинг, бадар кетдинг. Ўшандан қолганинг ҳар ерда хўп ўлиб–тирилиб юрар эдинг. Тангри ёрлақагани учун, истеъдодим, бахтим бор учун хоқон бўлдим. Хоқон бўлиб, (10) йўқ, қашшоқ халқни бутунлай оёққа қўйдим. Қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим. Ёки бу сўзимда ёлғон бор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ми? Турк беклари, халқи, буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бунда [яъни тошда] ёздим. Адашиб, айрилганингни ҳам (11) бунда ёздим. Ҳар қандай сўзим бўлса, мангу тошга ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклар.

Уй дунёга(гина) қарайдиган беклар, мутлақ гумроҳсиз.*

*(9) хоқон амаким хоқон бўлиб турганда тўрт тарафдаги халқни бунча......[та]нгр[и] ёрлақагани учун ўзим (хоқон бўлиб) турганимда тўрт [ёқдаги] халқни тузатдим, тикладим, и..... қилдим. Мен Тургаш хоқонига қизимни бениҳоя улуғ маросим билан олиб бердим. Тургаш хоқоннинг (10) қизини бениҳоя улуғ маросим билан ўғлимга олиб бердим. ..... бениҳоя улуғ маросим билан олиб бердим, й..... бажо келтирдим. Тур.... бегона ....... боши борни юкунтирдим, тиззаси борни чўктирдим. Юқорида осмон, пастда ер ёрлақагани учун .... (11) кўз билан кўрмаган, қулоқ билан эшитмаган халқимни шарққа ....... жанубга – Табғачга, ғарбга ..... ни билан оқ кумушини, қирғоғли инагини, экиндан тайёрланган ичкилигини, боқимдаги отини, айғирини, қора к.... (12) кўк тейинини туркимга, халқимга эгаллаб бердим, етказиб бердим ..... ғамсиз бўлди. Юқорида осмон эркли ......... халқ ...... шунча туман ўғ........ мен ..... эрни бунча (13) яна тарбияланг, озор берманг, тўлғатманг. (Мен тахтда) ўтирдим. Турк беклари, турк халқим ....... бердим ..... Энди соғона тошни ...... орттирган ипаклигимни турк халқи .....и бу хоқонингдан, бу бекларинг..... ташвиш етказ..... турк ..... (14) мени эзгу кўражаксан, уйингга киражаксан, ғамсиз бўлажаксан .....*

Матнларнинг фарқлари:

[1]Х.-. [2] Х. эшит.

КТу.1-30; Х.1-24.

*[(1) Кўкдай (улуғвор) Тангри яратган турк Билга хоқон сўзим: .....с турк Билга .....ти сир тўқуз ўғуз (?) эр машҳур беклари, халқи .... турк .... (2) узра хоқон бўлдим. Хоқон бўлувимга орзуманд турк беклари, халқи (терилиб), севиниб тўхтамиш,*

---

* КТк да шу ерда хоқоннинг сўзи тугайди. Матннинг давомини Билга хоқон битигидан (Xb. 9-14) келтирамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*кўзлари чақнаб боқди. Тахтга ўзим ўтириб, бунча оғир ҳокимиятни, тўрт ёқдаги .....дим*[*].

(1) Юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яратилган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бумин хоқон, Истами хоқон (тахтга) ўтирган. (Тахтда) туриб турк халқининг юртини, ҳукуматини тутиб турганлар, тартибга келтирганлар. (2) Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт тарафдаги халқни бутунлай олган(лар), бутунлай қарам қилган(лар), боши борни таъзим қилдирган(лар), тиззаси борни чўктирган(лар). Шарққа – Қадирқан йишга қадар, ғарбга – Темир қопиққача манзил қилдирган(лар). Иккисининг орасида (3) хўжайинсиз, танобсиз [чекланмаган ерга эгалик қилиб], кўк турк[1] шу тарзда яшар экан. (Улар) доно хоқон экан, алп хоқон экан, вазирлари ҳам[2] доно эканлиги учун, ботир эканлиги учун, беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан. Шунинг учун давлатни шундай тутган экан. Давлатни тутиб, расм-русумни адо этганлар. Ўзи шундай [бошқариб] (4) вафот этган. Азачи, йиғичи(лар), шарқдан – кун чиқардан бўкли чўлгил, табғач, тупут, апар, пурум, қирқиз, уч қуриқан, ўтуз татар, қитан, татаби – шунча халқ келиб йиғлаган, аза тутган. Шундай машҳур хоқон экан. Шундан кейин иниси хоқон (5) бўлган экан, ўғли, жигари (?) хоқон бўлган экан. Ундан кейин иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўғли отасидай иш тутмаган экан. (Тахтда) жоҳил хоқон турганлиги учун, бадфеъл хоқон турганлиги учун вазири ҳам калтафаҳм экан, ёвуз экан. (6) Беклари, халқи тўғри эмаслиги учун, табғач халқи ҳийлакор, тўймаслиги учун, фирибгари бор учун, ини ва оғани (бир-бирига) қайрагани учун, беги ва халқини бир-бирига чаққани учун турк халқи ушлаб турган давлатини қўлдан чиқариб юборган, (7) хоқонлик қилиб турган хоқонини йўқотиб юборди. Табғач халқига бек бўладиган ўғил[3] боласи билан қул бўлди, сулув қиз[4] боласи билан чўри бўлди. Турк беклар туркча отини қўйиб, табғачлик бекларнинг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонга (8) қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини берибди. Шарққа – кун чиқарда[5] Бўкли хоқонигача лашкар тортиб берибди. Ғарбга

---

[*] Мазкур бошлама Билга хоқон битигидан (Х. 1-2) олинди. У Кул тигин ёдгорлигида учрамайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

– Темир қопиққа қадар[6] лашкар тортиб берибди. Табғач хоқонига давлатини, ҳукуматини олиб берибди. Турк фуқароси, бари (9) халқ шундай дебди: «Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? Давлатни кимга эгаллаб беряпман?» - дер экан. «Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Не хоқонга меҳнатимни, кучимни беряпман?» - дер экан. Шундай деб табғач хоқонига ёв бўлибди. (10) Ёв бўлиб, ўзини эплаб ва тиклаб ололмай, яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кучини берганига андиша қилмай (табғач хоқони) «турк халқини ўлдирайин, уруғини қирайин» дер экан. [Уни] йўқотиб бораётган экан. Юқорида туркнинг осмони, туркнинг муқаддас ери, (11) суви шундай дебди:[7] «Турк халқи йўқ бўлмасин» дея, «халқ бўлсин» дея отам Элтарис хоқонни, онам Элбилга хотунни Тангри (ўз) мартабасида тутиб, юқори кўтарган экан. Отам хоқон ўн етти эр билан ташга чиқиб кетган. «Ташда (12) юрибди» деган овозани эшитиб, шаҳардаги ташга чиқибди, тоғдаги(си) инибди. Терилиб, етмиш эр бўлибди. Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридек экан, душмани қўйдек экан. Шарққа, ғарбга лашкар тортиб, (одам) йиғибди, (оёққа) турғазибди. Ҳаммаси (13) етти юз эр бўлибди. Етти юз эр бўлиб, давлатини йўқотган, хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, қул бўлган халқни, турк ҳукмронлигини бой берган халқни ота-боболарим йўсунича оёққа турғазибди, бошқарибди. Тўлис, тардуш[8] ........ (14) ябғуни, шадни ўшанда тайинлабди. Жанубда табғач халқи ёв экан, шимолда баз хоқон, тўқуз ўғуз халқи ёв экан. Қирқиз, қуриқан, ўтуз татар, қитан, татаби бутунлай ёв экан. Отам хоқон бунча .........[9].(15) қирқ етти йўла лашкар тортган, йигирма марта жанг қилган. Тангри ёрлақагани учун давлати борни давлатидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, душманни эл қилган, тиззаси борни чўктирган, боши борни таъзим қилдир[10]...... (16) ҳукмронлик қилиб вафот этган. Отам хоқон [қабри]га биринчи бўлиб баз хоқоннинг балбали тикилди[11]. Ўша ҳукумат бошига амаким хоқон бўлиб ўтирди. Амаким хоқон ўтириб, халқни яхшилаб оёққа турғизди,[12] тарбиялади, қашшоқни[13] ...... (17) Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим[14] тардуш халқи уза шад эдим.[15] Амаким хоқон билан шарққа Яшил ўгуз, Шантунг даштига қадар лашкар тортдик, ғарбга Темир қопиққа қадар лашкар тор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тдик. Кўгман оша қи[16]..... (18) Ҳаммаси (бўлиб) йигирма беш (марта) лашкар тортдик, ўн уч (марта) жанг қилдик. Давлатлини давлатсизлантирдик, хоқонлини хоқонидан жудо қилдик, тиззаси борни чўктирдик, боши борни юкунтирдик. Тургас хоқон туркимиз[17] ...... (19) учун, бизга (нисбатан) янглишгани[18] учун хоқони ўлди, вазири, беклари ҳам ўлди. Ўн ўқ халқи заҳмат чекди. Бобомиз, аждодимиз бошқарган ер-сув эгасиз бўлмасин[19] деб аз халқини тартибга солиб ..... (20) барс бек эди, хоқон унвонини бунда биз бердик. Синглим хоқонзодани бердик. Ўзи янглишди,[20] хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди. Кўгман ер-суви эгасиз қолмасин дея аз, қирқиз халқини[21] тикла[б][22] ......... (21) қайтиб бердик. Шарққа Қадирқан йишни оша халқни шундай қўндирдик, шундай тартибга келтирдик. Ғарбга Кангу Тарманга[23] қадар турк халқини шу ҳолда қўндирдик, шу хилда тартибга келтирдик. У чоғда қул қулли бўлган,[24] ....... (22) Шундай қозонилган,[25] тикланган элимиз, ҳукуматимиз (бор) эди. Турк ўғуз беклари, халқи эшитинг[26]! Юқоридан осмон босмаса, пастда ер ёрилмаса, турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди?[27] ..... (23) ўкин, кўргулигинг учун, тарбия қилган доно[28] хоқонингни,[29] емирилган, кетган эзгу давлатингга. Ўзинг янглишдинг, (орага) ёмонни киргиздинг. Қуролли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди? Муқаддас Ўтукан йиш[30] ......... (24) бординг, ғарбга боролгунча бординг. Борган ерда эзгулик шу бўлса керак: қонинг сувдай[31] оқди, суягинг тоғдай (уюлиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг[32] қул бўлди,[33] сулув қиз боланг чўри бўлди.[34] (Буни) билмагани учун[35] ...... (25) Бошлаб қирқиз хоқонининг балбалини тикдим. Турк халқининг номи, донғи йўқолмасин дея отам хоқонни, онам хотунни кўтарган Тангри, эл берган Тангри турк халқининг номи, довруғи йўқ бў....[36]. (26) хоқон қилиб ўрнатди. Мол-мулкли халққа[37] (хоқон) бўлмадим. Ичи ошсиз, таши тўнсиз, бечораҳол халқ узра (хоқон) бўлдим. Иним Кул тигин[38] билан сўзлашдик. Отамиз, амакимиз қоз[онган][39] ....... (27) дея турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим. Иним Кул тигин билан,[40] икки шад билан ўла-йита (зафар) қозондим. Шу хилда (зафар) қозониб, уюшган халқни ўт-сув қилмадим. Мен[41] ...... (28) кетган халқ[42] ўла-йита[43] яёв, яланғоч қайтиб келди. Халқни тарбиялай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ин дея шимолга ўғуз халқи томон, шарққа қитан, татаби халқи томон, жанубга табғач томон улуғ лашкар[44] [билан] ўн икки[45] .... (29) кейин Тангри ёрлақасин,[46] қутум бор учун,[47] насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб, оёққа қўйдим. Яланг халқни тўнли,[48] қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим. Паноҳталаб давлатлида,[49] ..... (30) халқни бутунлай дўст қилдим, душмансиз қилдим (?),[50] бутунлай менга қаради.

Матнларнинг фарқлари:

[1]Х. +.... тутиб. [2]Х. -. [3]Х. [боласини қул қилди. [4]Х. [боласини чўри қилди. [5]Х. кун чиқарга. [6]Х.-. [7]Х. деган экан. [8]Х. [халқини ўшанда тартибга келтирибди. [9]Х. .... халқни. [10]Х. [ган. Отам .... [11]Х. + Хоқон ўлганда ўзим саккиз ёшда қолдим. [12]Х. + яхшилаб. [13]Х. [бой қилди, озни кўп қилди. [14]Х. + шаҳзода эрк....ий..... тангри ёрлақагани учун ўн тўрт ёшимда. [15]Х. бўлиб ўтирдим. [16]Х. [рқиз ерига қадар лашкар ....... [17]Х. турким, халқим эди. Билмагани]. [18]Х. + гуноҳ қилгани. [19]Х. қолмасин. [20]Х. гуноҳ қилди. [21]Х. + шунча. [22]Х. тиклаб келдим..... ўнг ш... [23]Х. Кангу Тарбанга. [24]Х.-[чўри чўрили бўлган эди. + Иниси оғасини билмис эди, ўғли отасини билмас эди (яъни ини оғасига, ўғли отасига қарам бўлмас эди). [25]Х. + шундай. [26]Х. эшит. [27]Х. [топтади(?). Турк халқи, эрлар! Оз]. [28]Х.-. [29]Х. хоқонингга. [30]Х. [халқ бординг, шарққа ...... [31]Х. дарёдай. [32]Х. ўғил болангни. [33]Х. қул қилганини. [34]Х. чўри қилганини + у. [35]Х. [ёвузлиги учун, амаким хоқон вафот этди]. [36]Х.[лмасин дея ўзимни ул Тангри]. [37]Х. халқ устидан. [38]Х.+ икки шад, иним Кул тигин. [39]Х. [халқнинг номи, донғи йўқ бў....... [40]Х. [-ўла-йита. [41]Х. ......... ер сари]. [42]Х. + ....... [43]Х. [-қайтиб. [44]Х.-. [45]Х. ....... жанг қилдим. Шундан]. [46]Х. ёрлақагани учун. [47]Х.-. [48]Х. + қилдим. [49]Х. [хоқонлида яхши қилдим. Тўрт ёқдаги]. [50]Х. хоқоним.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КУЛ ТИГИН БИТИГИ

## МУҚАДДИМА

[Билга хоқон сўзи]:

Ка

1. Тăнгри- тăг тăнгридă булмуш түрүк Билгă қаған бу ŏдкă олуртум. Сабымын түкăти ăсидгил: улайу ин[и] йăгүнүм, оғланым, бирики, оғушум, бодунум, бирйă шадапыт бăглăр, йырйа тарқат, буйруқ бăглăр, отуз ... 2. тоқуз оғуз бăглăри, бодуны, бу сабымын ăдгүти ăсид, қатығды тинглă.

Илгăрү күн тоғсуқа, биргăрү күн ортусынгару, қурығару күн батсықынга, йырғару түн ортусынгару, анта ичрăки бодун қо[п] м[ăнг]ă кŏр[үр...]н бунча бо[дунуғ] 3. қоп итдим. Ол амты анйығ йоқ. Түрүк қаған Ŏтүкăн йыш олурсар ăлтă бунг йоқ.

Илгăрү Шантунг йазықа тăги сүлăдим, талуйқа кичиг тăгмăдим. Биргăрү Тоқуз ăрсăнкă тăги сүлăдим, Түпүткă кичиг [тăг]мăдим. Қурығару Йинчү ŏг[үз] 4. кăчă Тăмир қапығқа тăги сүлăдим. Йырғару Йăр Байырқу йăрингă тăги сүлăдим, бунча йăркă тăги йорытдым. Ŏтүкăн йышда йиг иди йоқ ăрмис, ăл тутсуқ йăр Ŏтүкăн йыш ăрмиш. Бу йăрдă олуруп табғач бодун бирлă 5. түзүлтүм.

Алтун, күмүш, исигти, қутай бунгсуз анча бирүр Табғач бодун сабы сүчиг, ағысы йымшақ ăрмис. Сүчиг сабын, йымшақ ағын арып, ырақ бодунуғ анча йағутыр ăрмис. Йағру қонтуқда кисрă анйығ билиг анта үйүр ăрмис. 6. Ăдгү билгă кисиг, ăдгү алп кисиг йорытмаз ăрмис. Бир киси йангылсар, оғушы, бодуны, ăби ăсүкингă тăги қыдмаз ăрмиш. Сүчиг сабынга, йымшақ ағысынга артуруп ŏкүш түрүк бодун ŏлтүг. Түрүк бодун үлăсикинг, бирйă Чуғай йыш Тŏг ăлтүн 7. йазы қонайын тисăр, түрүк бодун үлăсикиг анта анйығ киси анча бошғурур ăрмис: Ырақ ăрсăр, йаблақ ағы бирүр, йағуқ ăрсăр, ăдгү ағы бирүр тип анча бошғурур ăрмис. Билиг билмăз киси ол сабығ алып, йағру барып, ŏкүш киши ŏлтүг. 8. Ол йăргăрү олурсар, түрүк бодун, ŏлтăчи-сăн. Ŏтүкăн йăр олуруп арқыш тиркиш ысар, нăнг бунгуғ йоқ. Ŏтүкăн йыш олурсар, бăнггү ăл тута олуртачы-сăн, түрүк бодун, тоқ, арықақ-сăн, ачсақ, тосақ ŏмăз-сăн. Бир тудсар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ачсақ ӧмäз-сäн. Антағынгын 9. ΥчΥн игидмиш қағанынгын сабын алматын йäр сайу бардығ. Қоп анта алқынтығ, арылтығ. Анта қалмышы йäр сайу қоп туру ӧлΥ йорыйур äртиг.

Тäнгри йарлықадуқын ΥчΥ[н ӧ]зΥм қутум бар ΥчΥн қаған олуртум. Қаған олуруп, 10. йоқ, чығаний бодунуғ қоп қобуртдым. Чығаний бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ ӧкΥш қылтым. Азу бу сабымда игид барғу?

<u>ТΥрΥк бäгläр, бодун, буны äсидинг!</u> ТΥрΥк [бодунуғ ти]рип äл тутсуқынгын бунта уртум, йангылып Υлäсикингин йäмä 11. бунта уртум. Нäнг нäнг сабым äрсäр, бäнггΥ ташқа уртум. Ангар кӧрΥ билинг, тΥрΥк амты бодун, бäгläр, äб ӧдкä кӧрΥгмä бäгläр, гΥ йангылтачы–сиз.

ИЛОВА

[Й ў л л у ғ  т и г и н  с ў з и]:

Мäн б[äнгΥ таш..... табға]ч қағанта бäдизчи кäлΥртим, бäдзäтим. Мäнинг сабымын сымады. (12) Табғач қағанынг ичрäки бäдизчиг ыты, ангар м....ш барақ йаратуртым, и[ч]и ташын адынчығ бäдиз уртуртум, таш тоқытдым, кӧнгΥлтäки сабымын ол.....а татынга тäги буны кӧрΥ билинг. БäнгΥ таш (13) тоқытдым. Й.....қ äрсäр матқа äриг йäртä äрсäр, анча äриг йäртä бäнгΥ таш тоқытдым, битидим. Аны кӧрΥп анча билинг, ол таш.........дым.

Бу битиг битигмä атысы Йол(л)уғ т[игин].

К.I

КΥл тигининг алтунын кΥмΥшин ағышын барымын тΥр ..... қарасын йығма тойғы бу.... бäгим тäгин йӧкäрΥ тäнг..... таш битидим Йоллуғ тигин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

АСОСИЙ ҚИСМ

[Билга хоқон сўзи]:

К

1. Үзä кöк тäнгри, асра йағыз йäр қылынтукда икин ара киси оғлы қылынмыс. Киси оғлынта үзä äчүм апам Бумын қаған, Истäми қаған олурмыш. Олурупан түрүк бодунунг äлин тöр[ү]син тута бирмис, ити бирмис. 2. Тöрт булунг қоп йағы äрмис сү сүлäпäн тöрт булунгдақы бодунуғ қоп алмыс, қоп баз қылмыс, башлығығ йүкүнтүрмис, тизлигиг сöкүрмис. Илгäрү Қадырқан йышқа тäги, кирү Тäмир қапығқа тäги қонтурмыс. Äкин ар[а] 3. иди оқсуз кöк түрүк анча олурур äрмис. Бил(г)ä қаған äрмис, алп қаған äрмис, буйруқы йäмä билгä äрмис äринч, алп äрмис äринч, бäглäри йäмä, бодунды йäмä түз äрмис. Аны үчүн äлиг анча тутмыс äринч. Äлиг тутуп тöрүг итмис. Öзи анча 4. кäргäк болмыс. Йоғчы, сығытчы öнгрä күн тоғсықда Бöкли чöлгил, табғач, түпүт, апар, пурум, қырқыз, үч қурықан, отуз татар, қытаний, татабы – бунча бодун кäлипäн сығтамыс, йоғламыс. Антағ күлүг қаған äрмис. Анта кисрä иниси қаған 5. болмыс äринч, оғлы аты қаған болмыс äринч. Анта кисрä иниси äчисин–тäг қылынмадуқ äринч, оғлы қангын–тäг қылынмадуқ äринч, билигсиз қаған олурмыс äринч, йаблақ қаған олурмыс äринч, буйруқы йäмä билигсиз äринч, йаблақ äрмис äринч. 6. Бäглäри, бодуны түзсүз үчүн, табғач бодун тäблигин, күрлүг үчүн, армақчысын үчүн, инили äчили киксүрүтүкин үчүн бäгли бодунлығ йонгашуртуқын үчүн түрүк бодун äллäдүк äлин ыч[ғ]ыну ыдмыс. 7. Қағанладуқ қағанын йитүрү ыдмыс. Табғач бодунқа бäглик уры оғлын қул болты, силик қыз оғлын күнг болты. Түрүк бäглäр түрүк атын ыты табғачғы бäглäр табғач атын тутыпан табғач қағанқ[а] кöрмис. Äлиг йыл исиг, күчүг бирмис. Илгäрү күн тоғсықда Бöкли қағанқа тäги сүлäйү бирмис. Қурығару Тäмир қапығқа тäги сүлäйү бирмис. Табғач қағанқа äлин тöрүсин алы бирмис. Түрүк қара қамуғ 9. бодун анча тимис: Äллиг бодун äртим, äлим амты қаны? Кимкä äлиг қазғанур-мäн? -тир äрмис.-Қағанлығ бодун äртим, қағаным қаны? Нä қағанқа исиг, күчүг бирүр-мäн?-тир äрмис. Анча тип табғач қағанқа йағы болмыс. 10. Йағы болуп итину, йаратуну умадуқ йана ичикмис.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бунча исиг, күчүг биртүкгäрү сақынматы «түрүк бодун ӧлүрäйин, уруғсыратайын» тир äрмис, йоқаду барыр äрмис.

Үзä түрүк тäнгриси, түрүк ыдуқ йäри, 11. субы анча тäмис: «Түрүк бодун йоқ болмазун» тийин, «бодун болчун» тийин қангым Äлтäрис қағанығ, ӧгүм Илбилгä қатунуғ тäнгри тӧпүсинтä тутуп йӧгäрү кӧтүрмис äринч.

Қангым қаған йäти йиг[ир]ми äрин ташықмыс. Т[ашр]а 12. йорыйур тийин кү äсидип балықдақы ташықмыс, тағдақы инмис. Тирилип йäтмис äр болмыс. Тäнгри күч биртүк үчүн қангым қаған сүси бӧри-тäг äрмис, йағысы қонй-тäг армис. Илгäрү, қурығару сүлäп ти[р]мис, қобурт[мыс]. [Қа]муғы 13. йäти йүз äр болмыс. Йäти йүз äр болуп äлсирäмис, қағансырамыс бодунуғ, күнгäдмис, қуладмыс бодунуғ, түрүк тӧрүсүн ычғынмыс бодунуғ äчүм апам тӧрүсинчä йаратмыс, бошғурмыс. Тӧлис, тардуш .... 14. Йабғуғ, шадығ анта бирмис. Берийä табғач бодун йағы äрмис, йырайа баз қаған, тоқуз оғуз бодун йағы äрмис. Қырқыз, қурықан, отуз татар, қытанй, татабы қоп йағы äрмис. Қангым қаған бунч[а] ..... 15. қырқ артуқы йäти йолы сүлäмис, йигирми сүнгүс сүнгүсмис. Тäнгри йарлықадуқ үчүн äллигиг äлсирäтмис, қағанлығығ қағансыратмыс, йағығ баз қылмыс, тизлигиг сӧкүрмис, башлығығ йүкүнтүр..... 16. тӧрүг қазғаныл уча бармыс. Қангым қағанқа башлайу баз қағанығ балбал тикмис.

Ол тӧрүдä үзä äчим қаған олурты. Äчим қаған олурупан түрүк бодунуғ йичä итди, игит(т)и, чығанйығ.... 17. Äчим қаған олуртуқда ӧзүм тардуш бодун үзä шад äртим. Äчим қаған бирлä илгäрү Йашыл ӧгүз, Шантунг йазықа тäги сүлäдимиз, қурығару Тäмир қапығқа тäги сүлäдимиз. Кӧгмäн аша қы.... 18. Қамуғы биш отуз сүлäдимиз, үч йигирми сүнгүшдимиз. Äллигиг äлсирäтдимиз, қағанлығығ қағансыратдымыз, тизлигиг сӧкүртимиз, башлығығ йүкүнтүртимиз. Түргäс қаған түрүкүмиз, .... 19. үчүн бизингä йанглуқын үчүн қағаны ӧлти, буйруқы, бäглäри йäмä ӧлти. Он оқ бодун äмгäк кӧрти, äчүмиз, апамыз тутмыс йäр суб идисиз болмазун тийин аз бодунуғ итип йар...... 20. барс бäг äрти, қаған ат бунта биз биртимиз. Синглим қунчуйуғ биртимиз. Ӧзи йангылты, қағаны ӧлти, бодуны күнг қул



www.ziyouz.com kutubxonasi

болты. Кöгмäн йäр суб идисиз қалмазун тийин аз қырқыз бодунуғ йарат..... 21. йана биртимиз. Илгäрү Қадырқан йышыг аша бодунуғ анча қонтуртымыз, анча итдимиз. Қурығару Кäнгү Тарманқа тäги түрүк бодунуғ анча қонтуртымыз, анча [и]тдимиз. Ол öдкä қул қуллуғ болмыс ....... 22 Анча қазғанмыс, итмис äлимиз, тöрүмиз äрти.

Түрүк огуз бäглäри, бодун, äсидинг! Үзä тäнгри басмасар, асра йäр тилинмäсäр, түрүк бодун, äлингин тöрүнгин ким артаты?..... 23. öкүн, кöргүнгин үчүн, игидмис билгä қағанынгын äрмис, бармыс, äдгү äлинг[ä] кäнтү йангылтығ, йаблақ кигүртиг. Йарақлығ қантан кäлип йанйа äлтди, сүнгүглүг қантан кäлипäн сүрä äлтди? Ыдуқ Öтүкäн йы..... 24. бардығ, қурығару барығма бардығ. Бардуқ йäрдä äдгүг ол äринч: қанынг субча йүгүрти, сöнгүкүнг тағча йатды, бäглиг уры оғлунг қул болты, силиг қыз оғлунг күнг болты билмäдүк үчүн..... 25. Башлайу қырқыз қаганығ балбал тикдим.

Түрүк бодунуғ аты, күси йоқ болмазун тийин қангым қаганығ, öгүм қатунуғ кöтүрмиш тäнгри, äл биригмä тäнгри түрүк бодун аты, күси йоқ бо..... 26. қаған олуртды äринч. Нäнг йылсығ бодунқа олурмадым, ичрä ашсыз, ташра тонсуз, йабыз йаблақ бодунта үзä олуртум. Иним Күл тигин бирлä сöзлäшдимиз. Қангымыз äчимиз қаз..... 27. тийин түрүк бодун үчүн түн удымадым, күнтүз олурмады[м]. Иним Күл тигин бирлä, ики шад бирлä öлү йиту қазғантым. Анча қазғанып бирики бодунуғ от суб қылмадым. Мäн...... 28. бармыш бодун öлү йиту йадағын, йалангын йана кäлти. Бодунуғ игидäйин тийин йырғару оғуз бодун тапа, илгäрү қытанй, татабы бодун тапа, биргäрү Табғач тапа улуғ сү ики йигир.... 29. кисрä тäнгри йарлықазу, қутум бар үчүн, улүгүм бар үчүн öлтäчи бодунуг тиргүрү игит(т)им. Йаланг бодунуғ тонлуғ, чығанй бодунуғ бай қылтым, аз бодунуғ öкүш қылтым. Ығар äллигдä, қ...... 30. бодунуг қоп баз қылтым, йағысыз қ.........м қоп мäнгä кöрти. Исиг күчүг бирүр бунча тöрүг қазғаныш иним Күл тигин öзи анча кäргäк болты.

Қангым қаған учдуқда иним Күл тигин йит...... (31) Умай-тäг öгүм қатун қутынга иним Күл тигин äр ат булты. Алты йигирми йашынга äчим қаған илин тöрүсин анча қазғанты. Алты чуб со-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғдақ тапа сүлäдимиз, буздымыз. Табғач Онг тутуқ бис т...... (32) Күл тигин йадагын оплайу тäгди. Онг тутуқ йорчын йарақлығ äлигин тутды, йарақлығды қағанқа анчулады. Ол сүг анта йоққышдымыз. Бир отуз йашынга Чача Сүнгä сүнгүшдимиз. Äнг äлки Тадқас(?) Чорынг боз ... (33) öлти. Äкинти Ышбара Йамтар боз атығ бинип тäгди. Ол ат анта öлти. Үчүнч Йäгäнсил бäгинг кäдимлиг торығ ат бинип тäгди. Ол ат анта öлти. Йарақынта йалмасынта йүз артуқ оқун урты, йи[ни]нгä башынга бир т... (34) тäгдүкин, түрүк бäглäр, қоп билирсиз. Ол сүг анта йоққышдымыз. Анта кисрä Йäр Байырқу Улуғ Иркин йағы болты. Аны йанйып Түрги Йарғун кöлтä буздымыз. Улуғ Иркин азқынйа äрин тäзип барды. Күл тигин ..... (35) .....нга қырқыз тапа сүлäдимиз. Сүнгүг батымы қарығ сöкүпäн Кöгмäн йышығ тоға йорып, қырқыз бодунуғ уда басдымыз. Қағанын бирлä Сунга йышда сүнгүшдимиз. Күл тигин Байырқун ..... (36) бинип оплайу тäгди. Бир äриг илин урты, äки äриг удушуру санчды, ол тäгдүктä Байырқунунг ақ адғырығ удлуқын сыйу урты. Қырқыз қағанын öлүртимиз, илин алтымыз. Ол йылқа түргäс .... (37) тоға Äртис öгүзүг кäчä йорыдымыз. Түргäс бодунуғ уда басдымыз. Түргäс қаған сүси Болучуда отча борча кäлти, сүнгүшдимиз. Күл тигин Башғу боз ат бинип тäгди. Башғу боз к...... (38) тутузт[ы]. Äкисин öзи алтызды. Анта йана кирип түргäс қаған буйруқы, аз тутуқуғ äлигин тутды. Қағанын анта öлүртимиз, илин алтымыз. Қара түргäс бодун қоп ичикди. Ол бодунуғ Табарда қо..... (39) Соғдақ бодун итäйин тийин Йинчү öгүзүг кäчä Тäмир қапығқа тäги сүлäдимиз. Анта кисрä қара түргäс бодун йағы болмыш Кäнгрäс тапа барды. Бизинг сү аты торуқ, азуқы йоқ äрти. Йаблақ киси äр.... (40) алп äр қызынга(?) тäгмиш äрти. Антағ öдкä öкүнүп Күл тигиниг аз äрин иртүрү ыт(т)ымыз, улуғ сүнгүш сүнгүшмиш, алп Шалчы ақ атын бинип тäгмиш, қара түргäс бодунуғ анта öлүрмиш, алмыш, йана йорып ......

Kb

(1).... бирлä Қушу тутуқ бирлä сүнгүшмиш, äрин қоп öлүрмис, äбин бар..... тäгипäн қоп кäлүрти.

Күл тигин йити отуз йашынга қарлуқ бодун äрүр барур äркäли йағы болты. Тамғыдуқ башда сүнгүсдимиз. (2) [Күл] ти-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гин ол сүнгүшдä отуз йашайур äрти. Алп Шалчы ақын бинип оплайу тäгди, äки äр[иг] удушуру санчды. Қарл[уқ]уғ öлүртимиз, алтымыз. Аз бодун йағы [б]олты. Қара кöлтä сүнгүшдимиз. Күл тигин бир қырқ йашайур äрти. Алп Шалчы ақын (3) бинип оплайу тäгди. Аз Äлтäбäриг тутды, аз бодун анта йоқ болты. Äчим қаған или қамшағ болтуқынта, бодун öлүг иг[ли]г болтуқынта изгил бодун бирлä сүнгүшдимиз. Күл тигин Алп Шалчы ақын бинип ..... (4) [оплайу тäгд]и. Ол ат анта түс..... Изгил [боду]н öлти. Тоқуз оғуз бодун кäнтү бодунум äрти. Тäнгри йир булғақын үчүн йағы болты. Бир йылқа биш йолы сүнгүшдимиз. Äнг илик Тоғу балықда сүнгүшдимиз. (5) Күл тигин Азман ақығ бинип оплайу тäгди. Алты äриг санчды, сү [киш]исинтä йитинч äриг қылычлады. Äкинти, Қушлағақда [ ]з бирлä сүнгүшдимиз. Күл тигин Аз йағызын бинип оплайу тäгип, бир äриг санчды, (6) тоқуз äр[иг] äгирä тоқыды. [ ]з бодун анта öлти. Үчүнч, Бол.....нда оғуз бирлä сүнгүшдимиз. Күл тигин Азман ақығ бинип тäгди, санчды, сүсин санчдымыз, илин алтымыз. Тöртүнч, Чуш башынта сүнгүшдимиз. Түрүк (7) бодун адақ қамшатды, йаблақ бол[та]чы äрти. Оз[а кä]лмис сүсин Күл тигин ағытып тонгра бир оғуш алпағу он äриг Тонга тигин йоғынта [äги]рип öлүртимиз. Бисинч, Äзгäнти Қаданда оғуз бирлä сүнгүсдимиз. Күл тигин (8) Аз йағызын бинип тäгди, äки äр[иг] санчды, балықа бармады. Оғуз анта öл[ти] ....... қорғ[ан қ]ышлап йазынга оғузғару сү ташықдымыз. Күл тигин бäг башлайу ақытымыз, оғуз йағы ордуғ басды. Күл тигин (9) Öгсүз ақын бинип тоқуз äрин [са]нчды. Ордуғ бирмäди.

## ХОТИМА

Öгүм қатун, улайу öглäрим, äкäлäрим, кäлингүнүм, қунчуйларым, бунча йама тириги күнг болтачы äрти, öлүги йуртда, йолта йату қалтачы äртигиз.

(10) Күл тигин йоқ äрсäр, қоп öлтäчи äртигиз. Иним Күл тигин кäргäк болты, öзүм сақынтым: кöрүр кöзүм кöрмäз-тäг, билир билигим билмäз-тäг болты, öзүм сақынтым. Öд тäнгри йасар, киси оғлы қоп öлүгли тиримис. (11) Анча сақынтым, кöздä йаш кäлсäр, äт ыда(?), кöнгүлтä сығыт кäлсäр, йантуру



www.ziyouz.com kutubxonasi

сақынтым, қатығды сақынтым, äки шад улайу арқа äгүнүм, оғланым, бäглäрим, бодунум кöзи, қашы йаблақ болтачы тип сақынтым.

Йогчы, сығытчы, қыганй, татабы бодун башлайу (12) Удар сäнгүн кäлти. Табғач қағанта Исйи Лики(?) кäлти. Бир түмäн ағы, алтун, күмүш кäргäксиз кäлүрти. Түпүт қағанта Бöлүн кäлти. Қурйа, күн батсықдақы соғд бäрчäлäр(?),үч қарақ[1] улус бодунта Нäнг сäнгүн, Оғул тарқан кäлти. (13) Он оқ оғлум Түргäс қағанта Мақарач тамғачы, Огуз Билгä тамғачы кäлти. Қырқыз қағанта Тардуш Ынанчмур (Ынанч чор?) кäлти, барқ итгүчи, бäдиз йаратығма, битигташ итгүчи табгач қаған чанқаны(?) Чанг сäнгүн кäлти.

К.III

Күл тигин қонй йылқа йити йигирмикä учды. Тоқузунч ай йити отузқа [йоғ äртүртимиз. Барқын бäдизин] битигташ[ын] бичин йылқа йитинч ай йити отузқа қо[п ал]қд[ымы]з. Күл тигин ү..... қырқ артуқ[ы й]ити йашынг болтат таш.... бунча бäдиз äчиг Туйғун Äлтäбäр кäлү (р)ти.

Кс*

(1) Ынанчу апа йарған тарқан атығ ...... (2) курдануғ öрти. Иним Күл тигин ........ исиг күчүг биртүк үчүн түрүк Билгä қаған йиртä иним Күл тигиниг күзäдү олурт[ум].

ИЛОВА

[Й ў л л у ғ т и г и н с ў з и]:

К.II

Бунча битиг битигмä Күл тигин атысы Йоллуғ тигин битидим. Йигирми күн олуруп бу ташқа, бу тамқа қоп Йоллуғ тигин битидим. Ығар оғланынгызда тайағунынгызда кäгдä игидүр äртигиз, уча бардығыз, тäнгри тиригдäгичи.

---

[1] Бу сўзни бошқа нашрларда *Буқарақ* деб ўқиганлар.

* Тошнинг хитойча ёзувли ёғидаги ушбу туркий матн мазмуни битигнинг асосий қисмига тўғри келади. У Билга хоқон тилидан сўзланмоқда. У қай ўринда келиши ҳали аниқ бўлмагани боис, шу ўринда келтирилмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МАЗМУНИ

## МУҚАДДИМА

[Билга хоқон сўзи]:

Ка

(1) Кўкдай (улуғвор) Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган/Тангрининг инояти билан] турк Билга хоқон бу тахтга ўтирдим. Сўзимни тугал эшитгил кетимдаги ини, жияним, ўғлоним, иттифоқ, уруғим, халқим, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тарханлар, буйруқ беклар, ўттиз ......(2) тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла.

Олдинга – кун чиқарга, ўнгга – жанубга, орқага – кун ботарга, чапга – шимолгача бўлган оралиқдаги халқ бутунлай менга қарайди. Шунча халқни (3) шод этдим. У энди ёвуз эмас. Турк хоқони Ўтукан йишда турса, элда ташвиш йўқ.

Шарққа – Шантунг даштига қадар лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга – Тўқуз арсанга қадар лашкар тортдим, Тупутга бир оз етмадим. Ғарбга – Йинчу ўгузни (4) кечиб, Темир қопиққа қадар лашкар тортдим. Шимолга – Ер Байирку еригача лашкар тортдим, шанча ерга қадар юриш қилдим. Ўтукан йишда яхши ҳоким йўқ экан. Элни тутғучи ер Ўтукан йиш экан. Бу ерда ўтириб, табғач халқи билан (5) муроса қилдим.

Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни ҳисобсиз бераётган табғач халқи сўзи ширин, ипаклиги нафис экан. Ширин сўзи, нафис ипаклиги билан авраб, йироқ халқни шундай яқинлаштирар экан. Яқин бўлгандан сўнг ёвуз илмини у ерда кўрсатар экан. (6) Яхши, доно кишини, яхши, баҳодир кишини тинч қўймас экан. Бирор киши адашса, уруғи, халқи, уйи-ёпинчиғигача қўймас экан. Ширин сўзига, нафис шойисига алданиб, кўп турк халқи, ўлдинг. Турк халқи, айриминг жанубга Чуғай йиш, Тўг алтун (7) даштига манзил қилай деса, турк халқининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пишиқлар экан: йироқ бўлса, ёмон ипаклик берур, яқин бўлса, яхши ипаклик берур, дея шундай пишиқлар экан. Билимсиз киши у сўзни олиб, [ўша гапга инониб] яқин бориб, кўп киши ўлдинг. (8) У ерга борсанг, турк халқи, ўлажаксан. Ўтукан ерда туриб карвон юбориб турса, ҳеч бир ташвиш йўқ. Ўтукан йишда турилса, мангу элни тутиб туражаксан. Турк



www.ziyouz.com kutubxonasi

халқи, тўкис ишонувчисан. Самимий, носамимийни ажратмайсан. Бир тутоқсанг, самимийни ҳам фарқламайсан. Ўшандайлигинг (9) учун (сени) ардоқлаган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар ерга тарқаб кетдинг. У ерда хўп ғойиб бўлдинг, бадар кетдинг. Ўшандан қолганинг ҳар ерда хўп ўлиб–тирилиб юрар эдинг. Тангри ёрлақагани учун, истеъдодим, бахтим бор учун хоқон бўлдим. Хоқон бўлиб, (10) йўқ, қашшоқ халқни бутунлай оёққа қўйдим. Қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим. Ёки бу сўзимда ёлғон борми?

Турк беклари, халқи, буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бунда [яъни тошда] ёздим. Адашиб, айрилганингни ҳам (11) бунда ёздим. Ҳар қандай сўзим бўлса, мангу тошга ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклар. Уй–дунёга(гина) қарайдиган беклар, мутлақ гумроҳсиз.

## ИЛОВА

### [Йўллуғ тигин сўзи]:

Мен мангутош .... Табғач хоқонидан наққош келтирдим, нақшлатдим. Менинг сўзимни бузмади. (12) Табғач хоқони сарой наққошини юборди. Унга махсус зиёратгоҳ яраттирдим. Ичи–ташига махсус нақш солдирдим, тош ўрнаттирдим. Кўнгилдаги сўзларимни ул ..... [ўн ўқ авлоди]га, тотгача буни кўриб, билинг! Мангутош (13) ўрнаттирдим. Бу сайргоҳ бўлгач, мақбара сайргоҳ ерда бўлса! Шундай сайргоҳ ерда мангутош ўрнатдим, (битиг) битидим. Уни кўриб, шундай деб билинг: бу тош ........дим.

Бу битиг битилгучининг жигари Йўллуғ тигин.

К.I

Кул тигиннинг олтинини, кумушини, ипагини, борини тур[к халқи] фуқаросини йиққан тўйги бу ..... бегим тигин юқори Танг[ри] ....... тош битдим Йўллуғ тигин.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### [Билга хоқон сўзи]:

К

(1) Юқорида кўк осмон, пастда қўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яратилган. Инсон болалари устидан ота–бобом Бумин хоқон, Истами хоқон бўлиб (тахтга)



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтирган. (Тахтда) туриб турк халқининг юртини, ҳукуматини тутиб турганлар, тартибга келтирганлар. (2) Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт тарафдаги халқни бутунлай олган(лар), бутунлай қарам қилган(лар), боши борни таъзим қилдирган(лар), тиззаси борни чўктирган(лар). Шарққа – Қадирқан йишга қадар, ғарбга – Темир қопиққача манзил қилдирган(лар). Иккисининг орасида (3) хўжайинсиз, танобсиз [чекланмаган ерга эгалик қилиб], кўк турк шу тарзда яшар экан. (Улар) доно хоқон экан, алп хоқон экан, вазирлари ҳам доно эканлиги учун, ботир эканлиги учун, беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан. Шунинг учун давлатни шундай тутган экан. Давлатни тутиб, расм-русумни адо этганлар. Ўзи шундай [бошқариб] (4) вафот этган. Азачи, йиғичи(лар), шарқдан – кун чиқардан бўкли чўлгил, табғач, тупут, апар, пурум, қирқиз, уч қуриқан, ўтуз татар, қитан, татаби – шунча халқ келиб йиғлаган, аза тутган. Шундай машҳур хоқон экан. Шундан кейин иниси хоқон (5) бўлган экан, ўғли, жигари (?) хоқон бўлган экан. Ундан кейин иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўғли отасидай иш тутмаган экан. (Тахтда) жоҳил хоқон турганлиги учун, бадфеъл хоқон турганлиги учун вазири ҳам калтафаҳм экан, ёвуз экан. (6) Беклари, халқи тўғри эмаслиги учун, табғач халқи ҳийлакор, тўймаслиги учун, фирибгари бор учун, ини ва оғани (бир-бирига) қайрагани учун, беги ва халқини бир-бирига чаққани учун турк халқи ушлаб турган давлатини қўлдан чиқариб юборган, (7) хоқонлик қилиб турган хоқонини йўқотиб юборди. Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди. Турк беклар туркча отини қўйиб, табғачлик бекларнинг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонга (8) қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини берибди. Шарққа – кун чиқарда Бўкли хоқонигача лашкар тортиб берибди. Ғарбга – Темир қопиққа қадар лашкар тортиб берибди. Табғач хоқонига давлатини, ҳукуматини олиб берибди. Турк фуқароси, бари (9) халқ шундай дебди: «Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? Давлатни кимга эгаллаб беряпман?»-дер экан. «Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Не хоқонга меҳнатимни, кучимни беряпман?»-дер экан. Шундай деб табғач хоқонига ёв бўлибди. (10) Ёв бўлиб, ўзини эплаб ва тиклаб



www.ziyouz.com kutubxonasi

ололмай, яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кучини берганига андиша қилмай (табғач хоқони) «турк халқини ўлдирайин, уруғини қирайин» дер экан. [Уни] йўқотиб бораётган экан.

Юқорида туркнинг осмони, туркнинг муқаддас ери, (11) суви шундай дебди: «Турк халқи йўқ бўлмасин» дея, «халқ бўлсин» дея отам Элтарис хоқонни, онам Элбилга хотунни Тангри (ўз) мартабасида тутиб, юқори кўтарган экан.

Отам хоқон ўн етти эр билан ташга чиқиб кетган. «Ташда (12) юрибди» деган овозани эшитиб, шаҳардаги ташга чиқибди, тоғдаги(си) инибди. Терилиб, етмиш эр бўлибди. Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридек экан, душмани қўйдек экан. Шарққа, ғарбга лашкар тортиб, (одам) йиғибди, (оёққа) турғазибди. Ҳаммаси (13) етти юз эр бўлибди. Етти юз эр бўлиб, давлатини йўқотган, хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, қул бўлган халқни, турк ҳукмронлигини бой берган халқни ота-боболарим йўсунича оёққа турғазибди, бошқарибди. Тўлис, тардуш ........ (14) ябғуни, шадни ўшанда тайинлабди. Жанубда табғач халқи ёв экан, шимолда баз хоқон, тўқуз ўғуз халқи ёв экан. Қирқиз, қуриқан, ўтуз татар, қитан, татаби бутунлай ёв экан. Отам хоқон бунча ...... (15) қирқ етти йўла лашкар тортган, йигирма марта жанг қилган. Тангри ёрлақагани учун давлати борни давлатидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, душманни эл қилган, тиззаси борни чўктирган, боши борни таъзим қилдир...... (16) ҳукмронлик қилиб вафот этган. Отам хоқон [қабри]га биринчи бўлиб баз хоқоннинг балбали тикилди.

Ўша ҳукумат бошига амаким хоқон бўлиб ўтирди. Амаким хоқон ўтириб, халқни яхшилаб оёққа турғизди, тарбиялади, қашшоқни ...... (17) Амаким хоқон бўлиб турганда ўзим тардуш халқи уза шад эдим. Амаким хоқон билан шарққа Яшил ўгуз, Шантунг даштига қадар лашкар тортдик, ғарбга Темир қопиққа қадар лашкар тортдик. Кўгман оша қи..... (18) Ҳаммаси (бўлиб) йигирма беш (марта) лашкар тортдик, ўн уч (марта) жанг қилдик. Давлатлини давлатсизлантирдик, хоқонлини хоқонидан жудо қилдик, тиззаси борни чўктирдик, боши борни юкунтирдик. Тургас хоқон туркимиз ...... (19) учун, бизга (нисбатан) янглишгани учун хоқони ўлди, вазири, беклари ҳам ўлди. Ўн ўқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

халқи заҳмат чекди. Бобомиз, аждодимиз бошқарган ер-сув эгасиз бўлмасин деб аз халқини тартибга солиб яр..... (20) барс бек эди, хоқон унвонини бунда биз бердик. Синглим хоқонзодани бердик. Ўзи янглишди, хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди. Кўгман ер-суви эгасиз қолмасин дея аз, қирқиз халқини тикла[б] ......... (21) қайтиб бердик. Шарққа Қадирқан йишни оша халқни шундай қўндирдик, шундай тартибга келтирдик. Ғарбга Кангу Тарманга қадар турк халқини шу ҳолда қўндирдик, шу хилда тартибга келтирдик. У чоғда қул қулли бўлган, ....... (22) Шундай қозонилган, тикланган элимиз, ҳукуматимиз (бор) эди.

Турк ўғуз беклари, халқи эшитинг! Юқоридан осмон босмаса, пастда ер ёрилмаса, турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? ..... (23) ўкин, кўргулигинг учун, тарбия қилган доно хоқонингни, емирилган, кетган эзгу давлатингга. Ўзинг янглишдинг, (орага) ёмонни киргиздинг. Қуролли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди? Муқаддас Ўтукан йиш ......... (24) бординг, ғарбга боролгунча бординг. Борган ерда эзгулик шу бўлса керак: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай (уюлиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди. (Буни) билмагани учун ...... (25) Бошлаб қирқиз хоқонининг балбалини тикдим.

Турк халқининг номи, донғи йўқолмасин дея отам хоқонни, онам хотунни кўтарган Тангри, эл берган Тангри турк халқининг номи, довруғи йўқ бў..... (26) хоқон қилиб ўрнатди. Мол-мулкли халққа (хоқон) бўлмадим. Ичи ошсиз, таши тўнсиз, бечораҳол халқ узра (хоқон) бўлдим. Иним Кул тигин билан сўзлашдик. Отамиз, амакимиз қоз[онган] ....... (27) дея турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим. Иним Кул тигин билан, икки шад билан ўла-йита (зафар) қозондим. Шу хилда (зафар) қозониб, уюшган халқни ўт-сув қилмадим. Мен ...... (28) кетган халқ ўла-йита яёв, яланғоч қайтиб келди. Халқни тарбиялайин дея шимолга ўғуз халқи томон, шарққа қитан, татаби халқи томон, жанубга табғач томон улуғ лашкар [билан] ўн икки .... (29) кейин Тангри ёрлақасин, қутум бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб, оёққа қўйдим. Яланг халқни тўнли, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим. Паноҳталаб давлатлида, ..... (30) халқни бутунлай



www.ziyouz.com kutubxonasi

дўст қилдим, душмансиз қилдим (?), бутунлай менга қаради. Меҳнатни, кучни берувчи шундай ҳокимиятни қозониб, иним Кул тигин (Яратганнинг Ўзига) керак бўлди [яъни вафот этди].

Отам хоқон ўлганда иним Кул тигин ет...... (31) Умайдек онам хотун бахтига иним Кул тигин эр (деган) ном топди. Ўн олти ёшида амаким хоқон давлатини, ҳокимиятини шу хилда қозонди. Олти чуб [вилоят] суғдлари томон черик тортдик, тор-мор қилдик. Табғач ўнг тутуқ беш т..... (32) Кул тигин яёв отилиб ҳужум қилди. Ўнг тутуқ йўлбошчисини яроқли қўли билан тутди, яроқланган ҳолда хоқонга тортиқ қилди. У черикни ўшанда йўқ қилдик. Йигирма бир ёшида Чача Сунга уруш қилдик. Энг аввал Тадқас чўрнинг бўз ..... (33) ўлди. Иккинчи (бор) Ишбара Ямтар бўз отини миниб ҳужум қилди. У от ўшанда ўлди. Учинчи (бор) Ягансил бекнинг кийимли тўриқ отини миниб ҳужум қилди. У от ўшанда ўлди. Яроғига, ёпинчиғига юздан ортиқ ўқ билан урди. Баданга бошига бир т....... (34) ҳужум қилганини, турк беклари, яхши биласиз. У лашкарни йўқ қилдик. Ундан кейин ер байирқу[ли] Улуғ Эркин ёв бўлди. Уни қувиб, Турги Ярғун кўлда тор-мор қилдик. Улуғ Эркин озгина йигити билан қочиб кетди. Кул тигин ..... (35) .....[ёши]да Қирқиз томон лашкар тортдик. Найза ботими қорни ёриб, Кўгман йишга кўтарилиб юриб, қирқиз халқини қўққисдан босдик. Хоқони билан Сунга йишда жанг қилдик. Кул тигин Байирқунинг [оқ айғирини] (36) миниб отилиб ҳужум қилди. Бир эрни қўли билан урди, икки эрни бирйўла санчди. Ўша курашда Байирқунинг оқ айғирининг курагини синдириб урди. Қирқиз хоқонини ўлдирдик, давлатини олдик. Ўша йили тургаш .... (37) кўтарилиб, Эртис дарёсини кечиб юрдик. Тургас халқини қўққисдан босдик. Тургас хоқон лашкари Бўлучуда ўтдай-бўрондай келди, жанг қилдик. Кул тигин Башғу (отли) бўз отини миниб ҳужум қилди. Башғу бўз к..... (38) тутқазди. Иккисини ўзи олдирди. Ўшанда яна (жангга) кириб, Тургас хоқон(нинг) вазирини, аз тутуғини қўли билан тутди. Хоқонини ўшанда ўлдирдик, элини олдик. Тургас авом халқи бутунлай таслим бўлди. У халқни Табарда қў........ (39) Суғдақ халқини тузатайин дея Йинчу ўгузни кечиб, Темир қопиққа қадар лашкар тортдик. Шундан кейин авом тургас халқи душман бўлган Канграс томон борди. Бизнинг лаш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кар(имизнинг) оти орик, озиғи йўқ эди. Ёмон киши эр...... (40) алп эр бизга (?) ҳужум қилган эди. Ўшандай замонда ўкиниб, Кул тигинни оз эр билан излатиб юбордик. Катта жанг қилибди. Алп Шалчи оқ отини миниб ҳужум қилибди. Қора тургас халқини ўшанда ўлдирибди, қўлга олибди. Қайтиб юриб ........

Kb

(1)........ билан, Қушу тутуқ билан жанг қилибди. (Унинг) жангчиларини хуп ўлдирибди, уй-жойини ....... ҳужум қилиб бутунлай келтирди.

Кул тигин йигирма етти ёшида қарлуқ халқи бегоналашиб [орада зиддият чиқиб], душман бўлди. Тамғидуқ бошда жанг қилдик. (2) Кул тигин ўша жангда ўттиз яшар эди. Алп Шалчи (номли) оқ (оти)ни миниб, отилиб ҳужум қилди. Икки эрни бирваракайига санчди. Қарлуқни ўлдирдик, (қўлга) олдик. Аз халқи душман бўлди. Қора кўлда жанг қилдик. Кул тигин ўттиз бир яшар эди. Алп Шалчи (номли) оқ (оти)ни (3) миниб, отилиб ҳужум қилди. Аз Элтабарни қўлга туширди. Аз халқи ўшанда йўқ бўлди.

Амаким хоқоннинг давлати заифлашганда, халқ ночор қолганда изгил халқи билан жанг қилдик. Кул тигин Алп Шалчи оқини миниб, (4) отилиб жанг қилди. У от ўшанда туш....... Изгил халқи ўлди. Тўқуз ўғуз халқи ўз халқим эди. Кўк-ер фитнали бўлгани учун ёв бўлди. Бир йилда беш бора жанг қилдик. Бошлаб, Тўғу шаҳрида жанг қилдик. (5) Кул тигин Азман оқини миниб, отилиб ҳужум қилди. Олти эрни санчди, лашкар ҳужумида еттинчи эрни қиличлади. Иккинчи марта, Қушлағақда [ ]з билан жанг қилдик. Кул тигин Аз (номли) кул ранг (от)ини миниб, отилиб ҳужум қилиб, бир эрни санчди, (6) тўққиз эрни қуршаб урди. [ ]з халқи ўшанда ўлди. Учинчи бор, Бўл.........нда ўғуз билан жанг қилдик. Кул тигин Азман (номли) оқ (от)ини миниб ҳужум қилди, санчди. Лашкарини санчдик, давлатини олдик. Тўртинчи бор, Чуш бошида жанг қилдик. Турк (7) халқи оёқдан қолди, ёмон бўладиган эди. Илгари келган лашкарини Кул тиган турғизиб отлантириб, бир қавм алп ўн эрни Тўнга тигин азасида қуршаб олиб ўлдирдик. Бешинчи бор, Азганти Қаданда ўғуз билан жанг қилдик. Кул тигин (8) Аз (номли) кул ранг (от)ини миниб ҳужум қилди, икки эрни санчди. Шаҳарга бормади. Ўғуз



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўшанда ўлди. ....... қўрғонда қишлаб, баҳорда Ўғузга лашкар (билан) чиқдик. Кул тигинни бекларга бош қилиб жўнатдик. Ўғуз душман ўрдани босди. Кул тигин (9) Ўгсуз оқини миниб тўққиз эрни санчди. Ўрдани бермади.

ХОТИМА

Онам хотун, кейинги оналарим, акаларим, келинларим, хонзодаларим, бунча(нгиз) ҳам тириги(нгиз) чўри бўлар эди, ўлиги(нгиз) вайронада, йўлда ётиб қолар эдингиз.

(10) Кул тигин бўлмаганда бутунлай ўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди, ўзим алам чекдим; кўрар кўзим кўрмасдек, билар билимим билмàсдек бўлди [яъни кўзимнинг нури кетди, эс-ҳушимдан оғдим], ўзим алам чекдим. Дунёни Тангри ясайди, инсон боласининг бари ўлгучидир. (11) Шунчалик алам чекдимки, кўзда ёш келса, азоб бериб кўнгилдан йиғи келса, қайта қайғурдим, қаттиқ алам чекдим. Икки шад кейинги ини-жияним, ўғлоним, бекларим, халқим(нинг) кўзи-қоши ёмон бўлади деб қайғурдим.

Азачи, йиғичи, қитанй татаби халқини бошлаб (12) Удар сангун келди. Табғач хоқондан Исйи Лики келди. Бир туман ипак, олтин, кумушни ҳисобсиз келтирди. Тупут хоқондан бўлун келди. Жанубда кунботардаги суғд барчалар(?), уч қора улус халқидан Нанг сангун, Ўғул тарқан келди. (13) Ўн ўқ ўғлим Тургас хоқонидан Мақарач тамғачи, Ўғуз Билга тамғачи келди. Қирқиз хоқонидан Тардуш Инанч чўр келди. Бино қурувчи, нақш солинган битигтош ясовчи табғач хоқонининг чанқани(?) Чанг Сангун келди.

К.III

Кул тигин қўй йилида, [биринчи ойнинг?] ўн еттинчи (куни)да ўлди. Тўққизинчи ой(нинг) йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой(нинг) йигирма еттисида бутунлай тугатдик. Кул тигин у......... қирқ етти ёш (?) тош .......... бунча нақшни Туйғун Элтабар келтирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кс

(1) Инанчу бобо Ярған тарқан отини ......... (2) Қурданни ўрди. Иним Кул тигин ........ меҳнатини, кучини бергани учун турк Билга хоқон ерида иним Кул тигинни кузатиб ўтирдим.

ИЛОВА

[Йўллуғ тигин сўзи]:

К.II

Бунча битигни битилувчи Кул тигиннинг жигари Йўллуғ тигин битдим. Йигирма кун ўтириб, бу тошга, бу бинога тўлиқ Йўллуғ тигин битдим. Паноҳталаб ўғлонингизга, таянувчингизга қийинчиликда тарбият қилар эдингиз, вафот этдингиз. Тангри яшатувчидир.

## БИЛГА ХОҚОН БИТИГИ

МУҚАДДИМА

[Билга хоқон сўзи]:

Xb.1-14

ИЛОВА

[Йўллуғ тигин сўзи]:

Xb.

(14).......... кисрä табғач қ[аға]нта бäдизчи кäлүртим. ......... сабымын сымады ......... ичрäки бäдизчиг ыты .......... ангар ташығ барқ... йара[т]дым, ич[и]н ташын адынчығ бäдиз у.....м..... бымын (15) он оқ оғлынга, татынга тäги буны көрү билинг: бäнг[ү]таш тоқытдым ....йäртä .... тоқытдым, битидим, бу ...... таш барқын

АСОСИЙ ҚИСМ

[Билга хоқон сўзи]:

X.1-24

(24) Йäти йигирми йашыма Тангут тапа сүлäдим, тангут бодунуғ буздум, оғлын йу[туз]ын, йылқысын, барымын анта алтым. Сäкиз йигирми йашыма Алты чуб... (25) тапа сүлäдим. Бодунуғ анта буздум. Таб[ғач] онг тутуқ бäс түмäн сү кäлти. Ыдуқ башда сүнгүшдүм, ол сүг анта йоққышдым. Йигирми йашыма



www.ziyouz.com kutubxonasi

Басмыл ыдықут оғушум бодун ӓрти, арқыш ыдмаз тийин сүлӓдим, қ.....т ичгӓртим, қал...... ӓбрү кӓлүртүм. Ӓки отуз йашыма Табғач (26) тапа сүлӓдим. Чача сӓнгүн сӓкиз түмӓн [сү бир]лӓ сүнгүшдүм. Сүсин анта ӧлүртүм. Алты отуз йашыма чик бодун қырқыз бирлӓ йағы болты. Кӓм кӓчӓ Чик тапа сүлӓдим, Ӧрпӓнтӓ сүнгүшдүм. Сүсин санчдым, аз.....м......лгӓртим. Йӓти о[туз йашы]ма Қырқыз тапа сүлӓдим. Сүнгүг батымы (27) қарығ сӧкүпӓн Кӧгмӓн йышығ тоғ....п қырқыз бодунуг уда басдым, қағанын бирлӓ Сунга йышда сүнгүшдүм. Қағанын ӧлүртүм, илин анта алтым. Ол йылқа Түргӓс тапа Алтун йышығ [аш]а Ӓртис ӧгүзүг кӓчӓ йоры[дым. Түргӓс бодунуғ] уда басдым. Түргӓс қаған сүси отча борча кӓлти. (28) Болучуда сүнгүшдүмүз. Қағанын, йаб[ғусы]н, шадын анта ӧлүртүм. Илин анта алтым. Отуз йашыма Бӓсбалық тапа сүлӓдим. Алты йолы сүнгүшдүм.... [с]үсин қоп ӧ[л]үртүм..... ық ичрӓки нӓ киши ӓтин ...... үк йоқ үчүн киси б....д.....нга уқғалы кӓлти. Бӓсбалық аны үчүн озды. Отуз артуқы (29) бир йашыма қарлуқ бодун бунгсыз [ӓр]үр барур ӓркӓли йағы болты. Тамғыдуқ башда сүнгүшдүм. Қарлуқ бодунуғ ӧлүртүм, анта алтым ...... [санч]дым.... мал.... дүд.... қарлуқ бодун .... тир..... санчдым, ӧ.... То[қуз оғу]з мӓнинг бодунум ӓрти. Тӓнгри йӓр булғақын үчүн, ӧдинг (30) кү[н]и тӓгдүк үчүн йағы болты. Бир йылқа тӧрт йолы сүнгүшдүм. Ӓнг илки Тоғу балықда сүнгүшдүм. Тоғла ӧгүзүг йүзти. Кӓчип сү ..... [ӧ]кинти. Антарғуда сүнгүшдүм, сүсин санчдым ..... [ү]чүнч ....... [сү]нгүшдүм. Түрүк бодун адақ қамшаты, йаблақ (31) болтачы ӓрти, оза йанйа кӓлигм[ӓ] сүсин ағыт(т)ым. Ӧкүш ӧлтӓчи анта тирилти, анта Тонгра йи алпағуты бир оғушуғ Тонга тигин йоғ...... ӓгирӓ тоқыдым. Тӧртүнч Ӓзгӓнти Қадазда сүнгүшдүм, сүсин анта санчдым, йабрытдым ..... барым ..... ма Мағы қорған қышладуқда йут болты. Йазынга (32) Оғуз тапа сүлӓдим. Илки сү таш[ық]мыш ӓрти, ӓкин сү ӓбдӓ ӓрти, үч оғуз сүси басы ӧлти, йадағы баз болты тип алғалы кӓлти. Сынгар сүси ӓбиг барқығ йулғалы барды, сынгар сүси сүнгүшгӓли кӓлти. Биз аз ӓртимиз, йабыз ӓртимиз. Оғуз ...т йағ.... күч бӓртүк үчүн анта санчдым, (33) йанйдым. Тӓнгри йарлықадуқ үчүн, мӓн қазғантуқ үчүн түрүк бодун б....рғб....мыш ӓринч. Мӓн инӓлгү бунча башлайу



www.ziyouz.com kutubxonasi

қазғанмадым, түрүк бодун öлтäчи äрти, йоқ болтачы äрти .... бäгläр .... сақынынг, анча билинг. Оғуз бо[дун] ...... д ...... ыдмайын тийин сүлäдим, (34) äбин барқын buздум. О[ғу]з бодун тоқуз татар бирлä тирилип кäлти. Ағуда äки улуғ сүнгүш сүнгүшдүм, сүсин бу[з]дум, äлин анта алтым. Анча қазғаныл ..... [тäнгри йар]лықадуқ үчүн мäн отуз артуқы ......уқ äрти, öдсүг öт үлүг күг (35) игидмиш қа[ғаны йангылты]. Үзä тäнгри, ыдуқ йäр суб ..... қаған қуты тапқылмады äринч, тоқуз оғуз бодун йäрин субын ыдып Табғачғару барды. Табғач .... бодун .... йäр анча кäлти, игидäйин тийин б........ бодунуғ ...... (36) йазуқлат ..... [би]рийä Табғачда аты күси йоқ болты. Бу йäрдä мäнгä қур болты. Мäн öзүм қаған олуртуқум үчүн түрүк бодунуғ ....... ү ... дым .....р....й....дä қазғантым ...... тирилип й...... (37) .... [сүнгүшдүм, сүсин] санчдым, ичикигмä ичикди, бодун болты, öлүгмä öлти. Сäлäнгä қоды йорыпан қарғун қыслата äбин барқын анта буздум. ..... йышқа ағды. Уйғур Äлтäбäр йүзчä äриг ил т.......т (38) ...... [түр]үк бодун ач äрти. Ол йылқығ алып игит(т)им. Отуз артуқы тöрт йашыма оғуз тäзип Табғачқа кирти. Öкүнүп сүлäдим, суқын ..... [о]ғлын, йутузын анта алтым, äки äлтäбäрлиг бо[дун] ..... (39) ....ы бодун табғач қағанқа кöрти. Йалабачы, äдгү сабы, öтүги кäлмäз тийин йайын сүлäдим. Бодунуғ анта буздум, йылқ.....б...... сүси тирилип кäлти. Қадырқан йышда қо....... (40) .... ғақынга, йäрингäрү, субынгару қонты. Бирийä қарлуқ бодун тапа сүлä тип тудун Йамтарығ ыт(т)ым, барды ...... Илтäбäр йоқ болмыш, иниси бир қурғ[у]..... (41) ..... арқышы кäлмäди. Аны анчытайын тип сүлäдим. Қурғу äки үч äки силигин тäзип барды. Қара бодун қағаным кäлти тип, öг.... ....қа ат биртим. Кичиг ат[лы]ғ....

X.II

......öнгүг йоғуру сү йорып түнли күнли Йити öдүшкä субсыз кäчдим. Чарқақы тäги йолағ тигиниг...... Бäс кäчäнкä тäги .......

Xa

(1) ..... [таб]ғач атлығ сүси бир түмäн артуқы йäти бинг сүг илки күн öлүртүм. Йадағ сүсин äкинти күн қоп .... тирилип барды ........ (2) ..... [й]олы сүлäдим. Отуз артуқы сäкиз йашыма қышын Қытаний тапа сүлäдим. ......[артуқ]ы ...... [йа]шыма йазын



www.ziyouz.com kutubxonasi

Татабы тапа сү[лädим] ..... (3) [Мäн] ...... öлүртүм, оғлын, йутузын, [йы]лқысын, барымын .......йрä қонч....н қы..... (4) [бод].......[йу]тузын йоқ қылтым. ....... (5) [йор]......рым..... (6) [сүнг]...... үчүн ...... (7) [бäр]тим. Алп äрин öлүрүп, балбал қылу бäртим. Äлиг йашыма татабы бодун Қытанйда адақығ .....қа.... [Тү]нгкäр тағқа .... (8) Қуғ сäнгүн башаду тöрт түмäн сү кäлти. Түнгкäр тағда тäгип тоқыдым. Үч түмäн сүг ....түм, би..... äрсäр öктүм. Татабы .... (9) о... рти. Улуғ оғлум агрып йоқ болуча Қуғ сäнгүнүг балбал тикä биртим. Мäн тоқуз йигирми йыл шад олуртум, тоқу[з йигир]ми йыл қаған олуртум, ил тутдум. Отуз артуқы бир ..... (10) түркүмä, бодунума йäгин анча қазғану биртим.

## ХОТИМА

### [Йўллуғ тигин сўзи]:

Бунча қазғанып [.... қанг..... ган ы]т йыл онунч ай алты отузқа уча барды. Лағзын йыл бисинч ай йити отузқа йоғ äртүртүм. Буқағ тутуқ ..... (11) қангы Лисүн Тай сäнгүн башад[у] бис йүз äрин кäлти. Қоқулуқ ö........ алтун, күмүс кäргäксиз кäлүрти. Йоғ йыпарығ кäлүрүп тикä бирти. Чынтан ығач кäлүрүп öз йараш....... (12) Бунча бодун сачын, қулқақын, йанг[ақын бы]чды. Äдгү öзлүк атын, қара кисин, кöк тäйингин сансыз кäлүрүп қоп қот(т)ы.

---

(13) Тäнгри-тäг тäнгри йар[ат]мыш түрүк Билгä [қаған] сабым.

Қангым түрүк Билгä қаған олуртуқынта түрүк амты бäглäр ....... [к]исрä тардуш бäглäр, Күл чор башлайу улайу шадапыт бäглäр, öнгрä тöлöс бäглäр, апа тарқ[ан] .... (14) башлайу улайу шад[апыт] бäглäр ...... Туман тарқан, Тонйуқуқ, Бойла баға тарқан, улайу буйруқ ......' ич буйруқы, Бäг [Күл, Иркин] башлайу улайу буйруқ – бунча амты бäглäр қангым қағанқа äртингү.... (15) äртингү äти мағ и........ [тү]рүк бäглäрин, бодунын äртингү äти, мағ итди, öгд[и...... қангым] қаған .....[чы ағыр ташын] йоған[мы]ш. Түрүк бäглäр бодун ити йар........ и äрти, öзүмä бунча ........

---



www.ziyouz.com kutubxonasi

Xc

(1)....... үзä...... (2) Билгä қаған у[ча барды] ....... (3) йай болсар, үзä т[äнгри] ...... (4) кöбүргäси тäрчä анч.... (5) тағда сығун тäсäр ...... (6) сақынур–мäн қангым қ[аған] ...... (7) ташын öзүм қаған ........

ИЛОВА

X.I

[қаған б..... Йол(л)]уғ тигин битидим. Бунча барқығ бäдизиг, узуғ.... [ған атысы Йол(л)уғ] тигин мäн ай артуқы тöрт күн [олу]руп битидим, бäдизтим. Й......

## МАЗМУНИ

МУҚАДДИМА

[Билга хоқон сўзи]:

Xb.1-14

ИЛОВА

[Йўллуғ тигин сўзи]:

Xb

(14) ...... Сўнг Табғач хоқондан наққош келтирдим ........ Сўзимни бузмади. ....... ички [сарой] наққошини юбориб ........ унга тошни, иморат... яратдим. Ичини, ташини алоҳида нақшлатдим. .... (15) ўн ўқ ўғлига, тотига қадар буни кўриб, билинг: мангутош уйдирдим. .... ерда ...... уйдирдим, битдим, бу тош иморатни .....

АСОСИЙ ҚИСМ

[Билга хоқон сўзи]:

X.1-24

(24) Ўн етти ёшимда Тангут томон лашкар тортдим. Тангут халқини енгдим, ўғлини, хонумонини, йилқисини, молини ўшанда олдим. Ўн саккиз ёшимда Алти чуб ...... (25) томон лашкар тортдим. Халқини ўшанда енгдим. Табғач ўнг тутуқ(нинг) беш туман қўшини келди. Идуқ башда жанг қилдим, ўша лашкарни ўшанда йўқ қилдим. Йигирма ёшимда, Басмил идиқут қариндошим халқ(им) эди, карвон юбормаяпти деб лашкар тор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тдим. Қ....т таслим эттирдим, қал..... уйга келтирдим. Йигирма икки ёшимда Табғач (26) томон лашкар тортдим. Чача Сангун(нинг) саккиз туман лашкари билан уруштдим. Лашкарини ўшанда қирдим. Йигирма олти ёшимда чик халқи қирқиз билан ёв бўлди. Кам (дарёси)ни кечиб, Чик томон лашкар тортдим. Ўрпанда жанг қилдим. Лашкарини санчдим. Аз .....м.... таслим эттирдим. Йигирма етти ёшимда Қирқиз томон лашкар тортдим. Найза ботими (27) қорни ёриб Кўгман йишни ошиб, қирқиз халқини қўққисдан босдим. Хоқони билан Сунга йишда жанг қилдим. Хоқонини ўлдирдим, давлатини ўшанда олдим. Ўша йили Тургас томон Алтун йишни ошиб, Эртис дарёсини кечиб юрдим. Тургас халқини қўққисдан босдим. Тургас хоқоннинг қўшини ўтдай-бўрондай келди. (28) Бўлучуда жанг қилдик. Хоқонини, ябғусини, шадини ўшанда ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим. Ўттиз ёшимда Бешбалиқ томон лашкар тортдим. Олти йўла жанг қилдим. ...... лашкарини бутунлай ўлдирдим. ..... иқ ичидаги не киши этин .....ук йўқ учун киши ....га тушунгани келди. Бешбалиқ шунинг учун омон қолди. Ўттиз (29) бир ёшимда қарлуқ халқи бениҳоя бегоналашиб кетгач, ёв булди. Тамғидуқ башда жанг қилдим. Қарлуқ халқини ўлдирдим, ўшанда қўлга олдим. .....санчдим .... мал..... дуд... қарлуқ эли .... тир.... санчдим, ў..... Тўқуз ўғуз менинг халқим эди. Кўк ва ер фитнали бўлгани учун, замоннинг (30) куни етгани учун ёв бўлди. Бир йилда тўрт марта жанг қилдим. Энг аввал Тўғу баликда жанг қилдим. Тўгла дарёсини (?) кечиб лашкар .... Иккинчи марта Антарғуда жанг қилдим, лашкарини санчдим. Учинчи .... жанг қилдим. Турк халқи оёқдан қолди. Ёмон (31) бўладиган эди, илгарилаб, пароканда қилиб, келадиган лашкарини қайтардим. Кўп ўладиган (халқ) ўшанда тирик қолди. Ўшанда Тўнгра(нинг) жангчиси, паҳлавони, бир тоифани Тўнга тигин аза..... қуршаб урдим. Тўртинчи марта Азганти Қадазда жанг қилдим. Лашкарини ўшанда санчдим, тинкасини қуритдим. ....борим...ма Маги қўрғон(да) қишлаганимизда (элда) ют бўлди. Кўкламда (32) Ўғуз томон черик тортдим. Бир (қисм) лашкар йўлга чиққан эди, иккинчи (қисм) лашкар қўрғонда эди. Уч ўғуз лашкари босиб, ўлди, яёви ночор бўлди деб олгани келди. Қўшинининг ярми уй-жойини бушатгани борди, ярим қўшини жанг қилгани



www.ziyouz.com kutubxonasi

келди. Биз оз эдик, ночор эдик. Ўғуз .... т яғ.... куч бергани учун ўшанда санчдим, (33) пароканда қилдим. Тангри ёрлақагани учун, мен зафар қозонганим учун турк халқи ...... қозонди. Мен давлатни бундай бошқармаганимда турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди. ... беклари, ..... ўйланг, шундай билинг. Ўғуз халқи ..... ди юбормай деб, лашкар тортдим, (34) уй-жойини буздим. Ўғуз халқи тўқуз татар билан йиғилиб келди. Ағуда икки улуғ жанг қилдим, лашкарини буздим, элини ўшанда олдим. Шунча зафар қозониб..... Тангри ёрлақагани учун мен ўттиз ...уқ эди ....(?) (35) тарбият қилган хоқони адашди. Юқорида осмон, муқаддас ер-сув .... хоқон қути рози бўлмади шекилли, тўқуз ўғуз халқи ерини, сувини ташлаб Табғачга кетди. Табғач ... халқ..... ер шундай келди. Тарбият қилай деб б... халқни .... (36) гуноҳкор қил....... Жанубда Табғачда оти, донғи йўқ бўлди. Бу ерда (эса) менга [юқори] мартаба (насиб) бўлди. Менинг ўзим хоқон бўлиб турганим учун турк халқини ....у.... дим.... р.....й......да қозондим. ..... йиғилиб й...... (37) ......жанг қилдим, лашкарини санчдим. Таслим бўладигани таслим бўлди, (менга) эл бўлди, ўладигани ўлди. Саланга (дарёси ёқалаб) қуйи юриб, соқчиликни бостириб, уй-жойини ўшанда вайрон қилдим. .... йишга кўтарилди. Уйғур Элтабар юзтача эр билан шарққа т....т (38) ... турк халқи оч эди. Йилқини олиб боқдим. Ўттиз тўрт ёшимда ўғуз қочиб, Табғачга қўшилди. Ўкиниб, лашкар тортдим. ....(?)..... ўғлини, бекасини ўшанда олдим. Икки элтабарлик халқ ... (39) ....и халқи Табғач хоқонга қарам бўлди. Элчиси, яхши сўзи, мақтови келмаётир деб ёзда лашкар тортдим. Халқини ўшанда мағлуб қилдим, йилқи .... б..... лашкари йиғилиб келди. Қадирқан йишда қў... (40) .....ғақига, ерига, сувига қўнди. Жанубга қарлуқ халқи томон лашкар торт деб тудун Ямтарни жўнатдим. Кетди .... Элтабар йўқ бўлибди, иниси бир қурғу ..... (41) .... карвони келмади. Уни ҳушёр қилиб қўяй деб лашкар тортдим. Енгилтак икки-уч кишиси билан қочиб кетди. Қора халқ хоқоним келди деб, мадҳ...га от бердим. Кичик отлиқ ....



www.ziyouz.com kutubxonasi

X.II

.......ўнгини мўлжаллаб лашкар тортиб, туну кун Ети ўдушга сувсиз кечдим. Чўрқақи қадар сўқмоқ йўл билан .... Бес кечанга қадар .....

Ха

(1)........ табғачнинг отлиқ лашкарини ўн етти минг(ли) лашкарни биринчи кун ўлдирдим. Яёв лашкарини иккинчи кун бутунлай ....йиғилиб борди ..... (2) .... марта лашкар тортдим. Ўттиз саккиз ёшимда қишда Қитан томон лашкар тортдим. .... ёшимда кўкламда Татаби томон лашкар тортдим. .... (3) мен ... ўлдирдим, боласини, бекасини, йилқисини, молини ....йра қўнч....н қи.... (4) халқ .... бекасини йўқ қилдим. .... (5) юр.... рим.... (6) жанг қил... учун..... (7) бердим. Алп жангчиларни ўлдириб, балбал қилиб бердим. Эллик ёшимда татаби халқи Қитандан оёғини ....қа.... Тунгкар тоққа .... (8) Қуғ Сангун бошлаб тўрт туман лашкар келди. Тунгкар тоғда ҳужум қилиб, зарба бердим. Уч туман лашкарни ...дим, би... эса ... ўкдим. Татаби ...... (9) ў...... рди. Улуғ ўғлим оғриб нобуд бўлганига Қуғ Сангунни балбал қилиб тикиб бердим. Мен ўн тўққиз йил шад бўлиб турдим, ўн тўққиз йил хоқон бўлиб турдим, давлатни тутдим. Ўттиз бир ..... (10) туркимга, халқимга яхшиликни ўшанча қозониб бердим.

## ХОТИМА

[Йўллуғ тигин сўзи]:

Шунча қозониб, отам хоқон ит йили, ўнинчи ой(нинг) йигирма олтисида вафот этди. Тўнғиз йили бешинчи ой(нинг) йигирма еттисида йўғ (маросимини) қилдирдим. Буқағ тутуқ .....

(11) Отаси Лисун Тай Сангун бошлаб беш юз эр билан келди. Тутатқи ў....., олтин, кумуш ортиғи билан келтирди. Йўғ ифорини келтириб, ўрнатиб берди. Сандал ёғочни келтириб, ўз...яраш...(?) (12) Шунча халқ сочини, қулоғини, яноғини юлди. Яхши бўрдоқи отларини, қора кишларини, кўк олмахонларини ҳисобсиз келтириб, барини қўйиб кетди.

---

(13) Кўкдай (улуғвор) Тангри яратган турк Билга хоқон сўзим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Отам турк Билга хоқон бўлиб ўтирганда турк, энди, беклар ...... сўнгра тардуш беклар, Кул чўр бошлиқ кейинги шадапит беклар, олдинда Тўлўс беклар, апа тарқан ... (14) бошлаб кейин шадапит беклар .... Туман тарқан, Тўнюқуқ, Бўйла баға тарқан, кейин буйруқ ....ич буйруқи Бег Кул, Иркин бошлиқ кейин буйруқ – бунча, энди, беклар отам хоқонга бениҳоя ... (15) бениҳоя этиб мақтов......... Турк бекларини, халқини бениҳоя мақтади, сано айтди ... Отам хоқон ... қийматли тошни йўғ қилган. Турк беклари, халқи юборди ....эди, ўзимга бунча.....

---

Хс

(1)...... юқорида ...... (2) Билга хоқон вафот этди. ..... (3) Ёз бўлса, юқорида осмон .... (4) тоқи .....(?).... (5) тоғда кийик чопса, .... (6) ўйлайман отам хоқон..... (7) тошини ўзим хоқон......

ИЛОВА

Х.I

[Билга хоқон битигини Йўлл]уғ тигин битдим. Бундай иморатни, нақшни, санъатни .... хоқон жигари Йўллуғ тигин мен бир ою тўрт кун ўтириб битдим, нақшладим. Й.....



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МАНБАЛАР

*К* – Кул тигин битиги: *КТк* (ёки *Ка*) – Кул тигин кичик битиги; *КТу* (ёки *К,Кb*) – Кул тигин улуғ битиги; *К.I-III, Кс* – тошнинг тарошланган ва терс томонидаги ёзув.

*Х* – Билга хоқон битиги: *Х* – тошнинг юз томонидаги ёзув; *Ха, Хb* – икки ёнидаги ёзув; *Хс* – тошнинг орқа тарафидаги ёзув; *Х.I-II* – тарошланган қирралардаги ёзув.

*Тўн* – Тўнюқуқ битиги.

*О* – Унгин(~Ўнгин) битиги.

*МЧ* – Мўюн чўр битиги.

*МК* – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I-III. Тошкент, 1960-1963.

*СЦ* – Сюань-цзан кечмиши: Тугушева 1991.

*ДТС* – Древнетюркский словарь. Л., 1969.

*МТА* – Moğolistan'daki Türk Anıtları Projesi Albümü / Album for the Project on Turkish Monuments in Mongolia. Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. Ankara, 2001.

## ИЛМИЙ АСАРЛАР

*Абдураҳмонов, Рустамов 1982* – Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент, 1982.

*Абулғозиева, Исҳоқов, Содиқов 1993* – Абулғозиева Б., Исҳоқов М., Содиқов Қ. Янги топилган қадимги туркий битик. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 18 июнь, 1993.

*Аманжолов 1978* – Аманжолов А.С. К генезису тюркских рун.// «Вопросы языкознания». 2. М., 1978. С.76-87.

*Аманжолов 2003* – Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. Алматы, 2003.

*Айдаров 1990* – Айдаров Ғ. Орхон ескерткiштерiнiнг текстi. Алматы, 1990.

*Бернштам 1951* – Бернштам А.Н. Древнетюркский документ из Согда. «Эпиграфика Востока». N 5. М.-Л.,1951.С. 65-75.

*Бернштам 1956* – Бернштам А.Н. Древнетюркские рунические надписи из Ферганы. «Эпиграфика Востока». XI. 1956. С. 54-55, рис.2.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Булатова 1965* – Булатова В.А. Руническая надпись на хуме из Ферганы. – «Общественные науки в Узбекистане». 1965. №8. С. 60-62.

*Васильев 1983* – Васильев Д.Д. Графический фонд памятников тюркской рунической письменности Азиатского ареала. М., 1983.

*Исҳоқов 1989* – Исҳоқов М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти. – Ўлмас обидалар. Тошкент, 1989, 5-142– б.

*Исҳоқов, Содиқов 1993* – Исҳоқов М., Содиқов Қ. Янги топилган битиг талқини. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 9 июль, 1993.

*Заднепровский 1967* – Заднепровский Ю.А. Тюркские памятники в Фергане. «Советская археология». М., 1967, №1. С.270-274.

*Кызласов 1994* – Кызласов И.Л. Древняя письменность саяно-алтайских тюрков. М., 1994.

*Кызласов 1998* – Кызласов И. О глубине письменной культуры древнетюркских обществ.// «Адабий мерос». 1(67)-2(68). Тошкент, 1998. 7-9-б.

*Лившиц 1962* – Согдийские документы с горы Муг. Выпуск 2. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. М., 1962.

*Малов 1951* – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л., 1951.

*Малов 1952* – Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. М.-Л.,1952.

*Малов 1959* – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.-Л., 1959.

*Садыков 1992* – Садыков К.П. Графико-фонетические особенности тюркских уйгурописьменных памятников XI-XV вв. Автореферат докторской диссертации. Ташкент, 1992.

*Содиқов 1995* – Содиқов Қ. Қадимги туркий ёзувлар. Тошкент, 1995.

*Содиқов 1997* – Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). Тошкент, 1997.

*Содиқов 1998* – Содиқов Қ. 25 аср оша келган ҳарфлар. «Соғлом авлод учун» журнали. 4-5. 1998. 30-31-б.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Стеблева 1991* – Стеблева И.В. Стихи и время. –В кн. Сад одного цветка. Статьи и эссе. М., 1991. С.277-293.

*Тугушева 1991* – Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. М.,1991.

*Фрейман 1934* – Фрейман А.А. Опись рукописных документов, извлеченных из развалин здания на горе Муг в Захматабадском районе Таджикской ССР около селения Хайрабад и собранных Таджикистанской базой Академии наук СССР. – «Согдийский сборник». Л., 1934. С.33-51.

*Ercilasun 1995* – Ercilasun A.B. Wilhelm Radloff ve türk bengü taşları. –Orhun. S.4-7.

*Kurat 1940* – Kurat A.N. Topkapı Sarayı Müzesi arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan hanlarına aıt yarlık ve bitikler. Istanbul, 1940.

*Sertkaya 1995* – Sertkaya O.F. Göktürk tarihinin meseleleri. Ankara, 1995.

*Orhun* – Orhun. Moğolistan Tarihi Eserleri Atlası. Ankara, 1995.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЛОВАЛАР

## 1. ТАҚРИЗЛАР

### MOĞOLİSTAN'DAKİ TÜRK ANITLARI PROJESİ ALBÜMÜ / ALBUM FOR THE PROJECT ON TURKISH MONUMENTS IN MONGOLIA

Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. Ankara, 2001. I-XXXIII, 1-350 s.

Туркшуносликда катта бир қалқинма юз берди: Мўғулистондаги қадимги турк салтанатлари давридан қолган бебаҳо тарихий-археологик ёдгорліиклар альбоми нашр этилди. Асар турк ва инглиз тилларида. Китобни туркшунослар У.Ф. Серткая, Ч. Алйилмаз, Т. Баттулга нашрга ҳозирлаган.

Маълумки, Мўғулистон замини қадимда буюк салтанатлар маркази, турк маданиятининг ўчоқларидан эди. Тарихда чуқур из қолдирган турк салтанатлари ана шу заминда ўз такомилига етишди. 552 йили бир ёғи Шарқий Туркистон-у ҳозирги Корея чегараларига, иккинчи тарафи Қора денгизга қадар бўлган ҳудудда Биринчи турк хоқонлиги вужудга келди. Бу хоқонлиқ ўз вақтида ғоят гуллади. Охир оқибат ички низолар, Табғач (Хитой) хоқонлигининг мунтазам равишда олиб борган ёвузликлари таъсирида таназзулга юз тутиб, иккига (Шарқий ва Ғарбий хоқонлиққа) бўлиниб кетди. Бўлинганлари ҳам узоқ яшамади. 630 йилга келиб тамомон Табғач давлатига қарам бўлди.

682 йили аждодларимиз халқ қаҳрамони Элтариш бошчилигида ўз эркларини қайта тикладилар ва бу заминда янги бир салтанат - Иккинчи турк хоқонлиги барпо этилди. Тарих илмида бу икки салтанат "Кўк турк хоқонлиқлари" номи билан юритилмоқда. Иккинчи турк хоқонлиги 744 йилга қадар яшади. 745 йили бир ёғи Олтой, иккинчи ёғи Байкалдан то Шарқий Туркистонга чўзилган ўлкада Уйғур хоқонлиги номини олган янги бир туркий давлат ташкил топди. Бу хоқонлиқ 840 йилга қадар яшаб, сўнг у ҳам иккига бўлиниб кетди.

Кўк турк хоқонлиқлари даврида ҳам, Уйғур хоқонлигида ҳам туркий адабиёт ва маданият ғоят гуллаб-яшнади, шаҳарсозлик, архитектура, турк миллий санъати такомил топди. Давлатчилик асослари ана шу тупроқда ривожланди. Туркий



www.ziyouz.com kutubxonasi

халқлар ўз тарихининг ўчмас бир зарварағини шу ўлкаларда яратдилар. Мўғулистондаги энг кўҳна обидалар туркий халқларнинг ўша салтанатлари, буюк кўтарилишлар давридан қолган.

Янги нашрдан чиққан альбом тарихимизнинг ўша олтин даврларига бағишланади. Унга киритилган ёдгорликлар сақ-искиф даври, Кўк турк ҳамда Уйғур хоқонлиқлари даврига мансуб.

Мўғулистоннинг тарихий объектларида беш йил мобайнида турк-мўғул халқаро илмий экспедицияси фаолият кўрсатди. Тадқиқот жараёнида мавжуд ёдгорликлар бир бошдан ўрганилиб, уларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Илмий объектлардан ҳали фан учун маълум бўлмаган кўплаб материаллар топилди. Буларнинг натижасида илмий жумбоғи ечилмай турган масалаларга ойдинлик киритилди. Китоб айни экспедиция натижасида аниқланган ноёб материалларни ўзида жамлаганлиги билан ҳам қадрли. Булар Кул тигин, Билга хоқон ёдгорлик мажмуидан топилган мангутошлар, йирик давлат арбоби, донишманд, кўк турк адабиётининг машҳур намояндаси ва муаррих Тўнюқуқ хотирасига ўрнатилган мажмуа, Буғут ёдгорлиги, Чўйр ёдгорлиги, Кул-ич-чўр битиги, Хайр Тамир қояларидаги битиглар, Тарят, Мўюн-чўр битиглари, Шивеет Улаандан ҳамда Бўғдхон тоғи этакларидан топилган ёдгорликлар ва бошқа обидалардир.

Урхун ёдгорликлари комплексига кирувчи битиглар, асосан, тошларга ўйиб битилган. Лекин уларнинг бири - Хайр Тамир қояларидаги битиг эса бўёқ билан ёзилган.

Альбомдан жой олган илк обида Кул тигин мажмуасидир. Ёдгорлик ҳозирги Архангай аймоғидаги Кошо-Цайдам воҳасида асли ўрнатилган жойида турибди. Кул тигин ёдгорлик мажмуи 732 йили машҳур саркарда вафотидан сўнг унинг оғаси Билга хоқон тарафидан тикланган эди. Мажмуадан ҳозирда улкан битигтош ва зиёратгоҳ харобалари қолган.

Битигтош уч метрдан зиёдроқ улкан мармардан ишланган бўлиб, ёзуви тошнинг тўрт ёғи ва қирраларида. Яқин-яқингача олимлар ёдгорликнинг уст қисмига аждар тасвири ишланган деб қараб келар эдилар. Лекин олим Ч. Алйилмаз, ёдгорликни Буғут обидасига қиёслаган ҳолда, ушбу тасвир чақалоқни эмизаётган она бўри эканлигини исботлаб берди. Ҳақиқатан ҳам, ашина



www.ziyouz.com kutubxonasi

уруғи тасаввурида бўри қадрланган. Кўк турк салтанатларини бошқарган ашина уруғи ўз тарихини она бўрига боғлаган.

Кул тигин битиги икки тилли: асосий туркий матн кўк турк хатида, тошнинг шарқий юзидаги матни эса хитойча. Туркий матннинг муаллифи муаррих ва адиб Йўллуғ тигин, хитойча матн муаллифи эса Тан императорининг генерали Чанг Сангундир.

Кул тигин мақбара мажмуидан бу битигтошдан ташқари унинг бўлиниб тушган парчалари, улкан тошбақа, теваракдан инсон ва қўчқор ҳайкаллари, балбаллар, бино деворларининг қолдиқлари, устун ва унинг тагликлари, сопол парчалари ва бошқа археологик ашёлар топилган.

Ушбу мажмуа ёдгорликларидан бири алоҳида ажралиб туради. Бу саркарда Кул тигин ҳайкалининг бош қисмидир. Унда саркарда теран фикрли қирғил (ўрта ёшли шахс) сифатида ишланган, бошида туркий бўрк. Бўркда эса миллий нақшлар билан бирга ҳумоқуш тасвири. Ҳумо қадим аждодларимизда юксаклик ва беғуборлик рамзи эди.

Альбомдан хоқон Билга шарафига тикланган мажмуа материаллари-да ўрин олган. Булар улкан битигтош, унинг остидаги тошбақа, битигдан синиб тушган тош парчалари, инсон ва қўчқор ҳайкаллари, балбаллар, тўшамалар, бино ва устун қолдиқлари, сопол парчалари... Ҳозирги кезда битигтош махсус бинога келтириб сақланмоқда. Бу қабр мажмуида қазишма ишлари ҳам олиб борилди. Қазишма чоғида гўрдан ўта ноёб ашёлар чиққан.

Билга хоқон мажмуи 735 йили унинг ўғли Тангри хоқон тарафидан тикланган. Қабртош битигини эса адиб Йўллуғ тигин ёзган. Шунинг учун ҳам унинг матн тузилиши билан Кул тигин битиги ўртасида уйғунлик бор. Тош ҳозирги кўринишида анча талафот еган. Тошнинг кўчиб тушган парчаларидаги ёзувларни тугал тиклашнинг имкони йўқ. Лавҳ асосидан чиққан улкан тошбақа, теваракдан топилган ҳайкаллар кўк турк санъатида ҳайкалтарошлик алоҳида ўрин тутганидан далолат беради. Булар орасида, айниқса, Билга хоқон ва унинг хотинига қўйилган ҳайкаллар эътиборга молик. Лекин икковининг ҳам боши учган, шундай бўлса-да, ҳайкалларнинг бўйиндан пастки қисмлариёқ ўша давр санъати, миллий кийим-кечаклар билан боғлиқ муҳим этногарафик маълумотларни ўзида намоён этади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна бир жиҳати: Билга хоқон битигтошининг юқори қисми синиб тушган. Ҳозир ўша синган қисмнинг қолдиғигина сақланган. Унга жиддий разм солинса, унда хоқонлиқ туғроси ҳамда қандайдир тасвир қисмларини илғаш мумкин. Худди шуни Кул тигин обидасига қиёсланса, улар ўртасида яқинлик борлиги намоён бўлади. Қолдиқлар бирор жонзоднинг дум ва панжаларига ўхшаш. Эҳтимол, Билга хоқон мангутошига ҳам чақалоқни эмизаётган бўри тасвири ишланган бўлса ажабмас.

2001 йили бу мажмуада қазишма ишлари ҳам олиб борилган. Унда қабрдан кўплаб сопол парчалари, қўй суяклари, кумушдан ишланган кийик ҳайкалчаси, товоқ, кўза ва бошқа буюмлар, металл ашёлар, қимматбаҳо тошлар, олтин тақинчоқлар ҳамда бошқа идиш-оёқлар чиққан. Янги альбомда барисининг расмини кўрамиз.

Обидалар орасида Биринчи кўк турк хоқонлиги даврига оид Буғут ёдгорлиги алоҳида ажралиб туради. Ёдорлик ҳозир Чечерлег музейида сақланмоқда. Ушбу мажмуадан катта бир тошбақа устига ўрнатилган битигтош ва бир неча тош бўлаклари қолган. Муҳими, тошнинг уст қисмига, Кул тигин обидасидаги каби, бўри ва уни эмаётган чақалоқ тасвири ишланган. Битигтош анча нурагани боис, унинг матнини тўла тиклаб бўлмайди. Аслида ушбу обида икки тилли бўлган. Ҳозир ўша ҳолатидан фақат суғдча матни сақланган, холос. Иккинчи ёзувни олимлар браҳма ҳарфлари билан санскрит тилида ёзилган эди, дея тахмин қилмоқдалар. Лекин айни ҳолатида улар тахминидаги ўша номаълум матнни ўқишнинг мутлақо имкони йўқ - ёзуви бутунлай ўчиб кетган. Бизнингча, тошнинг бу юзидаги матн санскритча эмас, кўк турк хатида туркий тилда битилган бўлиши мумкин. Боиси, ёдгорликни турклар ўрнатганлар. Аёнки, бу даврларда кўк турк муҳитида санскрит тили ва ёзуви оммалашмаган эди.

Китобга киритилган ёдгорликлар орасида танасига битиг битилган ҳайкалча ҳам бор. Дундгўви аймоғининг Чўйр ҳудудидан топилган, тахминан, 687-692 йилларга мансуб тошодам ана шундай ёдгорликдир. Ҳайкал танасига кўк турк ёзувли матн битилиб, матн остига кийик тасвири ва бўй туғроси чизилган.

Альбомдан Уйғур хоқонлиғи даврига мансуб обидалар ҳам жой олган. Булар орасида қадимги Уйғур хоқонлиғининг пой-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тахти бўлмиш Қорабалғасун (Ўрдубалиқ, Хонбалиқ) харобаларидан топилган ёдгорликлар алоҳида ажралиб туради. Кент харобаларидан хон саройининг ва турли биноларнинг қолдиқлари, мозорлар, битигтошлар, ҳайкаллар, тегирмон тошлари, тош, металл ва сополдан ишланган буюмлар ва бошқа ашёлар чиққан. Қадим дўнгликлар остида ҳали ўрта аср шаҳарсозлигининг улкан қолдиқлари ястаниб ётибди. Муҳими шундаки, булар орасида сақ-скиф даврига мансуб бўлган ёдгорликлар ҳам бор.

Қорабалғасун ёдгорликлари ичида битигли тошлар ҳам бор. Ушбу тарихий-эпиграфик матнлар монийлик амал қилган даврларда (тахминан 821 йилдан кейин) яратилган бўлишига қарамай, Кул тигин, Билга хоқон битигларидаги тарихнавислик, кўк турк ёзма адабиёти анъаналарини давом эттирган.

Маълумки, Уйғур хоқонлиғи даврида турк ёзув маданияти янги бир босқичга эришди. Айни даврда турклар бир қанча ёзувлардан фойдаланди. Туркий муҳитга қўшни шарқ тиллари ва адабиётларининг таъсири кучайди. Қорабалғасун битигларида айни маданий, лисоний жараёнлар ўз аксини топган.

Қорабалғасун битиглари уч ёдгорликдан иборат. 1-мангутош катта бир ёдгорликнинг бўлагидир. Тош синганлиги боис ундаги матнни тўла тиклашнинг имкони йўқ. Ёдгорликнинг тепа қисмига бир тасвир ишланган. Олимлар уни икки аждар тасвири деб таърифламоқдалар. Лекин унга чуқур разм солган киши бу тасвирда аждарни эмас, балки ўлжасини еяётган арслонни кўради[1]. Унинг остида эса беш сатрли туркий матн парчаси. Матн кўк турк хатида бўлиб, ундан қуйидаги сўзларни тиклаш мумкин: *[B]u teŋrikän ... teŋridä q[u]t bulmuş al[p] bilgä ... teŋ[ri?] ... uyğur q(ağan)* ... (Бу илоҳий ... тангрининг иноятига эришган Алп Билга ... тангри ... уйғур хоқони ...)

3-қорабалғасун битиги кўпдан буён олимлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Боиси шундаки, ушбу ёдгорлик уч тилли: туркий, суғдча ва хитойча. Ҳозирги ҳолатида тош парчаланиб,

---

[1] Ҳарқалай, қадимги турк санъатида аждар эмас, арслон тасвирини ишлаш устивор эди. Бунга ҳозирги Шивеет Улаан деган жойдан топилган ёдгорликлар мажмуида ўкираётган шер ҳайкалларининг мавжудлиги ҳам ўрнак бўла олади (қаранг, ўша альбом, 247-264- бетлар). Аждар тасвири эса табғач санъатига хос.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзуви бир неча бўлакда сақланган. Туркий матн кўк турк ҳарфларида. Афсуски, ёзуви узуқ-юлуқ, матннинг айрим узиндиларигина қолган, холос. Мўғулистонда сақланаётган қадимги туркий ёдгорликлар альбомида бу тош бўлакларидаги ёзувларнинг фотосурати берилган. Ушбу альбомга кўра биринчи тош бўлагидаги туркий матндан қуйидагиларни тиклаш мумкин:

..................

1. ... eki: ...
2. ... [ya]ğı: ermiş ...
3. ...r′ : il[i] ...
4. ... : bu ...
5. ... : erg...
6. ... k id[i] ... yig...
7. ... [i]lgärü [:] kün [:] toğsuq...
8. ... : esidip : yaŋılyu : ol...
9. ... kirü : kün : batsıq...
10. ... l′...a : [yı?]...
11. ...ra anç[a] ...
12. ...y′...
13. ...k...

Иккинчи тош парчасидаги туркий матн қолдиқлари эса шундай ўқилади:

1. ... yarat...
2. ...din...
3. ... : adan...
4. ...i : mär...
5. ... : törün : y...
6. ...n′ : yemä : qu...
7. ...b ata adan : at...
8. ... [ke]rgäkintä : in...
9. ... [bi]rlä : uluğ ...
10. ... iki : ögränç ...
11. ...i : qamağ : ...
12. ...i : anta ...
13. ...ra anç[a] ...

Биринчи тошнинг 7-9-сатрларидаги *ilgärü kün toğsuq...esidip yaŋılyu ol...kirü kün batsıq...* (шарққа кун туғар... эшитиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

янглишиб, у ... жанубга кун ботар...) жумлалари Кул тигин битигидаги *ilgärü kün toğsıqda bökli qağanqa tegi ..., qurığaru Temir qapığqa tegi ...* (шарққа кун туғарда Бўкли хоқонига қадар ..., ғарбга Темирқопиққа қадар ...) сатрларини эсга солади. Матннинг бу жиҳати унда кўк турк тарихнавислигининг анъаналари яхши сақланганидан далолат беради.

Яна бир мисолга эътибор қаратайлик. Иккинчи тошдаги ёзувнинг тўртинчи сатрида айирғич вазифасидаги икки нуқтадан сўнг MR′ ҳарф бирикмаси мавжуд. Ёзув хусусиятларидан келиб чиқиб бу ҳарфларни *mär* деб ўқиш мумкин. Моний матнларида бу атама "устод" маъносини англатади. Ана шу тахмин чин бўлса, мазкур битиг турк-моний жамоаларида битилганлиги яна бир бор ўз тасдиғини топади.

Ёдгорликдаги суғдча ва хитойча матнлар нисбатан яхши сақланган. Муҳим жиҳати, суғдча матн ёзувнинг ўзига хос такомил этган шаклида. Ҳарфларнинг кўриниши, бошқа суғд ёдгорликларида учрамайдиган айрим янги белгилари билан ёзувнинг бу шакли уйғур хатига жуда яқин туради. Бу ёдгорликда суғд хатидан уйғур алифбосига бўлган силжишни эмас, аксинча, туркий ёзувнинг суғдчага бўлган таъсирини кузатиш мумкин.

Альбомда Уйғур хоқонлиги даврига мансуб Тарят битиги, 760 йили тикланган Мўюн-чўр ёдгорликлари бўйича ҳам муҳим расмлар келтирилган.

Архангай аймоғидаги Шивеет Улаан деган жойдан топилган обидалар қадимги турк сангтарошлигининг ҳали биз билмаган ва ва шу кезга дайин тасаввур этиб ҳам кўрмаган қирраларини очади. Уйғур хоқонлиги даврига мансуб ушбу археологик топилмалар қўрғон ва унинг атрофидан чиққан обидалардан иборат. Булар орасида инсон ва арслон, қўчқор, қўзи, товушқон ҳайкаллари ҳам мавжуд.

Тўв аймоғидаги Бўғдхон тоғи этагига 1733 йили қурилган Манзшир ибодатхонасининг ёнгинасида Кўк турк ва Уйғур хоқонлиқлари давридан қолган ёдгорликлар сақланмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу ибодатхона қолдиқлари, шунингдек, унинг рўпарасида бино устунлари, устун асослари, одам ҳайкаллари, балбаллар, арслон, қўчқор ҳайкаллари уст қисмига нақшлар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёнларига тоғ эчкиси, бўй тамғалари ишланган тошбақа, тегирмон тошлари ва бошқа ашёлар топилган.

Альбомдан ҳали илмий адабиётларда қайд этиб ҳам улгурилмаган обидалар ҳам ўрин олган. Улар кўк турк ва уйғур даврларига мансуб мозорлардир. Мозорлардан турли нақшлар билан безатилган тошлар, инсон ва қўчқор ҳайкаллари, балбаллар ва бошқа тошлар чиққан.

Айрим мозорларда қазишма ишлари ҳам олиб борилган. Қазишма чоғида уларнинг биридан олтин товоқ ва қошиқ ҳам чиққан.

Кўк турк хоқонликлари даврида яратилган маданий анъаналар, шаҳарсозлик ва архитектура, ҳайкалтарошлик, санът, ёзув маданияти соҳасида тўпланган тажрибалар Уйғур хоқонлиги даврида ҳам давом этди. Бироқ Кўк турк даврида туркларда кўк тангри инончи амал қилган бўлса, Уйғур хоқонлиги даврида буддийлик, монийлик кенг ёйилди. Бу тарихий жараён туркларнинг маданияти, санъати, адабиёти, шунинг билан бирга, архитектура ҳамда шаҳарсозлик маданиятига-да таъсир этди. Шунинг натижасида ҳар икки хоқонлиқ даврида яратилган обидалар ўртасида фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин. Альбомдаги расмларни кўрган киши бунга ишонч ҳосил қилади.

Китоб якунида (бу ўринда тарихий анъаналарнинг ҳозирги ҳолатини таққослаш мақсадида бўлса керак) бу ўлкаларда яшаётган туркий халқларнинг ҳозирги санъат намуналаридан ҳам ўрнаклар берилган.

Умуман, Мўғулистондаги қадимги салтанатлар давридан қолган, туркий халқларнинг фахру камоли бўлмиш тарихий-археологик ёдгорликлар альбомининг нашр этилганлигини туркшуносликнинг катта ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу альбом туркий халқлар тарихи, қадимги хоқонлиқлар даври санъати, архитектураси, эпиграфикаси, этнографияси, шаҳарсозлик маданияти бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар учун манба бўлуви тайин.

Қосимжон СОДИҚОВ,
4 май, 2002 йил



www.ziyouz.com kutubxonasi

## А.С. Аманжолов. ИСТОРИЯ И ТЕОРИЯ ДРЕВНЕТЮРКСКОГО ПИСЬМА Алматы, "Мектеп", 2003. С. 368.

Таниқли олим, филология фанлари доктори, Ал-Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университетининг профессори Алтай Сарсенович Аманжолов туркшуносликда улуғ бир ишни амалга оширди: унинг кўк турк ёзма ёдгорликларига бағишланган улкан монографик асари чоп этилди.

Ушбу монография Жанубий Сибирь, Мўғулистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистондан топилган қадимги туркий эпиграфик ёдгорликлар асосида кўк турк (туркий рун) ёзуви ва назариясини ўрганишга бағишланган бўлиб, муаллиф олиб борган узоқ йиллик тадқиқотларнинг маҳсулидир.

Китоб кириш, ўн боб ва хотимадан иборат. Китоб якунида фойдаланилган асарлар рўйхати ва йирик шарқшуносларнинг муаллиф ишларига ёзган тақризлари ҳам берилган.

I боб кўк турк хатининг алифбо тизими, ёзув белгилари ва унинг қадимги туркий тил товушлар қурумига муносабати, Талас, Енисей, Урхун битигларининг имло қоидаларига бағишланади.

II бобда Талас водийси ва Чу суви атрофларидан топилган ёдгорликлар хусусида сўз боради. Ундан Айритомдан чиққан олти топилма, Чу яқинидаги қояларга ўйиб битилган ёзувлар, Таласдан топилган таёқчалардаги битигларнинг тавсифи, транслитерацияси ва таржимаси жой олган.

III боб Енисей теварагидан чиққан ёдгорликларга бағишланади. Ушбу бобда йигирмата ёдгорлик тадқиқ этилган.

Китобнинг IV бобида йирик Урхун обидалари – Кул тигин, Ўнгин, Тўнюқуқ битиглари туркшуносликдаги янгича кўзқарашлар асосида талқин этилган.

V бобда Иртиш ёдгорликлари, VI бобда эса Ила ўлкасидан чиққан битиглар тадқиқ этилади.

VII бобдан Сирдарё яқинидан аниқланган, VIII бобдан эса Ёйиқ (Урал) бўйи ёдгорликлари ўрин олган.

Монографиянинг IX бобида Ўрта ва Марказий Осиё заминидаги қадим аждодларимиз қолдирган қоя расмлари, санъат асарлари, ёзувсимон чизгилар материали асосида пиктографик ёзув-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг идеографик (логографик) ёзувга айланиш жараёни таҳлил этиб берилган.

Тадқиқотнинг X боби кўк турк алифбосининг генезисига бағишланади.

Китобда тадқиқ этилган эпиграфик матнларнинг яратилиши VI-X юзйилликлардаги туркий давлатлар тарихи, қадимги турк адабий тилининг шаклланиши, туркий адабий жанрлар ва адабий тил услубларининг юзага келиши билан боғланади. Айрим битигларнинг тарихи ундан ҳам эскироқ даврларга илдиз отган.

Китоб туркий халқлар давлатчилик тарихи, ёзув маданияти, кўк турк обидаларини ўрганиш, туркий тиллар тарихи, умуман, туркшунослик учун муҳим масалалар қамраб олинганлиги билан ўта муҳимдир. Ишда мазкур масалаларга янгича бир кўзқараш мавжуд.

Асарда туркий эпиграфик матнлар транслитерация ҳолида келтирилган. Китобда уларнинг таржимаси ва изоҳлари ҳам берилади. Муҳими, муаллиф уларни туркшуносликдаги сўнгги қарашлар, талқинлар билан бойитган, илмий хулосаларнинг кўпи оригинал.

Тадқиқотда ёзувнинг палеографик хусусиятлари, ҳарф ва товуш муносабатларини чуқур тадқиқ этиш орқали қадимги туркий тилнинг фонетик қуруми тиклаб чиқилади. Бу борада муҳим хулосалардан бири, кўк турк алифбосидаги айрим ҳарфлар биз шу чоққача билган ва Урхун грамматикаларида қайта-қайта таъкидлаб келганлардан кўра кенгроқ вазифани бажарганлиги исботлаб берилган: улар бирдан ортиқ товушни ифода этган.

Маълумки, кўк турк алифбоси қадимги туркий тилнинг фонетик, морфо-фонологик хусусиятларини ўзида тугал бир кўринишда ифода этган ёзув эди. Туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида бу қадар мукаммал алифбо йўқ. Очиғи, кейинги даврларда яратилган ёзувларнинг ҳеч бири унга тенглаша олмайди.

Кўк турк ёзуви аждодларимизнинг улуғ кашфиётидир. Унинг илдизлари ва шаклланган даври хусусида тугал бир тўхтамга келинганича йўқ. Туркшуносликда бу масалада қатор, ҳатто бир-бирига зид фикрлар билдирилган. Айрим олимлар унинг асосларини қадимги туркий тамғалар (уруғ-қабила белгилари)га боғлаганлар. Уларнинг фикрича, кўк турк хати айни



www.ziyouz.com kutubxonasi

тамғалар асосида шаклланган. Бошқа бир кўзқарашга кўра, ушбу ёзув оромий алифболари, аниқроғи, суғд хати негизида ҳосил бўлган. Суғдийнинг такомиллашган шакли мазкур алифбонинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилган; унга айрим ўзгартишлар киритиш, янги белгилар орттириш йўли билан ёзув туркий тилга мослаштирилган. Бу маданий жараён, ўша олимларнинг фикрича, кўк турк хоқонлиқлари даврида, тахминан, VI юзйилликларда юз берган.

Туркшуносликда кўк турк хати Биринчи турк хоқонлиги даврида хоқон буйруғи билан кегашиб яратилган деб қаровчилар ҳам бор.

Умуман, қадимги туркий ёзувнинг келиб чиқиши ҳақидаги баҳс, афтидан, узоқ давом этадиган кўринади. Бироқ, бу масалада А. Аманжоловнинг кузатув ва хулосалари эътиборга сазовор. Назаримизда, ёзув генезиси ва тарихи хусусида билдирилган илмий ва мантиқли хулосалардан бири ҳам шу бўлса керак.

Олимнинг таъкидлашича, кўк турк хати бир шахс томонидан тузиб чиқилган деган фаразлар бутунлай асоссиздир. Турк ёзувининг (алифбо белгиларининг) палеографик ҳамда фонологик муносабатлари ушбу ёзув туркий тилнинг шаклланиши билан боғлиқ тадрижий такомилидан дарак беради. Бу жараён йўқ деганда милоддан бурунги IV-I юзйилликлардан нарига кетади. Шундан келиб чиққанда, кўк турк алифбоси туркий тиллар тарихий фонетикасини ўрганишда энг ишончли ва муҳим манба бўла олади.

Ушбу илмий хулосалар ишда қадим турк ўлкаларидан топилган ёзма ёдгорликлар билан далилланади. Археологияда шуҳрат топган Иссиқ тарихий қўрғонидан ҳамда Иртиш яқинидан топилган битиглар ана шулардандир.

Ўтган юзйилликнинг 70-йилларида Алмати яқинидаги Иссиқ шаҳри ёнидан искиф даврига мансуб қўрғон харобалари аниқланган эди. Археологик қазишма чоғида қўрғон остидан саркарда қабри топилган. Жангчининг ҳарбий уст-боши ниҳоятда зийнатланган, камар тўқасига искиф-ҳайвонат услубида расмлар ишланган. Жасадга унинг олтин сопли қиличи ҳам қўшиб кўмилган эди. Муҳими, лаҳатдан, булар билан бирга, ёғоч, лой, кумуш ва бронзадан ишланган ўттизга яқин идиш-оёқ чиққан. Улар



www.ziyouz.com kutubxonasi

ичида кумушдан ишланган бир товоқ эътиборни ўзига тортади. Товоққа 26 белгидан иборат матн битилган. Ушбу топилмадаги хатни олимлар шу чоққача "номаълум ёзув", "иссиқ ёзуви" деб атаб келмоқдалар. А. Аманжолов бу сирли ёзувни ўқиб, унинг туркий матн эканлигини исботлаб берди. Унинг фикрича, идишдаги бу хат кўк турк ёзувининг илк кўринишидир.

60-йилларда ҳам археологлар худди шундай топилмага дуч келган эдилар. Иртиш сувининг ўнг қирғоғида (Павлодар области) эски бир қабр қўрғон чиқди. Уларнинг текширишига қараганда, қабр милоддан бурунги V-IV юзйилликларга мансуб. Қабрга жасад билан бирга унинг оти ҳам қўшиб кўмилган экан. Яна ундан айиқ тишидан ясалган тумор ҳамда суякдан ишланган камар тўқаси ҳам чиққан. Қизиғи, тўқа юзида ёзувсимон чизгилар бор. Аввалига олимлар бу чизгиларнинг ҳарф белгилари эканига ишонқирамадилар. Кейинчалик туркшуносликда тўқа сиртидаги чизгилар ёзув экани ўз исботини топди. Разм солинса, матн беш ҳарф ва икки белгидан иборат экани аён бўлади. А. Аманжолов уни *ақ сығун* деб ўқиди. Қадимги туркийда *сығун*- маралдир, суякдаги ёзув "оқ марал" деган маънони беради. Башарти, қабрнинг милоддан бурунги V-IV юзйилликларга мансуб экани назарда тутилса, ундаги ёзувли топилма ҳам шунчалик эски даврга оид экани маълум бўлади.

Мўғулистондаги Селенга суви яқинидан топилган VIII юзйилликнинг ўрталарига мансуб бир мангутошдаги битиг ҳам турк хатининг узоқ тарихга эга эканидан дарак беради. Ёдгорликда уйғур хоқони Мўюн-чўр ўз битигини "минг йиллик ва туман кунлик" деб атайди. Мана хоқоннинг ўз ёзуви ҳақида айтганлари: *Бинг йиллиқ туман кунлук битигимин белгумун анта яси ташқа яратиттим* (Минг йиллик, туман кунлик битигимни, белгимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим).

Эътироф этишларича, алифбо ёки ҳарф-товуш ёзуви инсоният маданияти ҳамда лисоний тафаккури тарихидаги энг йирик кашфиётлардандир. Шундай экан, туркий алифбо ёзувининг кечмиши ҳам туркий ёзув маданияти ва лисоний қарашларимиз тарихининг нечоғли қадимийлигини исботлаб турибди.

Олим туркий ёзув генезисини кузатар экан, унинг график шакллари Ерўрта денгизи яқинларида амал қилган қадимий



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзувларга (илк сомий, кадимги юнон ва б.) ўхшаш эканлигини аниқлайди. Унинг фикрича, кўк турк алифбоси мутлақ мустақил равишда шаклланиб, бой ва такомиллашган график тизимга эришган. Генетик жиҳатдан унинг Ерўрта денгизи яқинларида амал қилган қадимий ёзувларга ўхшашлиги туркий ёзув ўзининг узоқ асрли тараққиёти даврида улар билан яқин муносабатда бўлиб келганидан далолат беради. Бу ёзувларнинг келиб чиқишида, чамаси, милоддан бурунги III-II мингйилликларда амал қилган қандайдир логографик ёки алфавитли ёзув манба бўлиб хизмат қилган бўлиши керак.

Кези келганда, ёзув маданияти тарихи, ёйилиш жараёни билан алоқали бошқа бир масалани таъкидлаш ҳам ўринли деб ҳисоблаймиз.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган, деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув, асосан, кўк турк хоқонлиқлари даврида Енисей ва Урхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб билиш тек бир ёқламадир. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Шарқий Туркистонга қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий атрофлари бўйлаб Шарқий Оврўпагача бўлган улкан ҳудуддан топилган ва топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу заминларда ёзув маданияти ғоят равнақ топганидан далолат бермоқда Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил; ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос. Қадим ўлкалардан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг хилма-хил эканлигидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминидан топилаётган илк ўрта асрларга мансуб обидалар бизнинг кўҳна тупроғимиз ҳам кўк турк хатининг маданий учоқларидан бири ўтганидан далолат бермоқда.

Мазкур китобда А.С. Аманжоловнинг айрим сўзлар этимологиясига оид қарашлари ҳам эътиборни ўзига тортади. Шулардан бири улус номи сифатида қўлланувчи *турк* сўзининг асл маъноси хусусида билдирилган мулоҳазалардир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркшуносликда *турк* этнонимининг келиб чиқишини қадимги туркий тилда қўлланилган "жасур, кучли" маъносидаги "турк"ка боғлайдилар. А. Аманжолов бу масалада янги, ҳарқалай, асосли бир нуқтаи назарни ўртага ташлайди. Бу борада у ушбу сўзнинг ёдгорликлар ва ҳозирги туркий тилларда амал қилаётган маъноларига таянган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк" асарида *турк* сўзининг қавм маъносидан ташқари "етилганлик, айни паллага кирганлик" маъноси ҳам келтирилади: *турк қуяш ўди* - кун ўртаси; *турк йигит* - ўрта ёшли йигит (I, 335). *Турк* сўзининг ушбу маъноси ҳозир ҳам айрим олтой тилларида бор: бурят тилида: *туруу* - "бош, илғор, етакчи", кўчма маънода "фахрий". Бунинг параллел кўринишини мўғулчада ҳам учратамиз. Мўғулчада *туруун*: 1) "бош, етакчи"; 2) "биринчи, илғор, асосий" каби маъноларга эга. Қадимги туркий ёдномалар тилидаги *турук, турк* сўзи ҳам маъносига кўра мўғулча *туруун* сўзига мосдир. Шундан келиб чиқиб, *турк* этноними бошлаб 1) "бош, етакчи, йўлбошчи"; 2) "бирор нарсанинг бошланиш қисми, боши, чўққиси" маъносида қўлланган дейиш мумкин (кейинги маъноси туркий *баш* сўзига синонимдир). Мўғул тилида бу маънода *тўлча* сўзи қўлланади.

Шу ўринда А. Аманжолов муҳим бир маълумотни далил қилиб келтиради. VI-VII асрларга мансуб хитойча "Суйшу" йилномасида *турк* сўзининг асл номи мўғулчадаги *дуулга* (дубулға) сўзига боғлиқ ҳолда талқин этилган. Хитойча манба муаллифининг қайд этишича, туркларнинг яшаш жойи - Цзиньшань ("Олтин тоғлар")нинг кўриниши дубулғага ўхшайди. Бу ўринда йилномачининг этноним номига мўғул тили хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашганлиги кўриниб турибди: у мўғулча *тўлга* ("бош, бошланиш қисм"), *дуулга* ("дубулға") сўзларининг маъносига таяниб *турк* этимологиясини баён этган.

Ўз вақтида туркшунос Г. Дёрфер ёдгорликларда қўлланган *турк* сўзи қавмнигина эмас, турдош маъноларни ҳам ифода этувини таъкидлаган эди. Масалан, *турк қаған* ("турк хоқони" ва "бош, олий хоқон"), *турк билга қаған* ("турк доно хоқон" ва "бош, олий хоқон").

Менимча, Г. Дёрфернинг *турк* сўзининг бу ўриндаги маъносини хоқоннинг сифати шаклида талқин этгани тўғри. Бироқ,



www.ziyouz.com kutubxonasi

уни "бош, сардор, етакчи" маъносида тушунмаслик керак. Сабаби, *қаған* сўзининг ўзи "олий, бош хон, хонларнинг хони" дегани. *Турк* сўзи эса унинг сифати, даражаси бўлиб "кучли, жасур" маъносини англатади. Унвонни қўшиб аташ туркий давлатчилик этикетида кенг амал қилган.

Муҳими, *турк* сўзининг Г. Дёрфер назарда тутган ушбу маъноси қадимги шумерча *САГ* логограммасига мос келади, ушбу логограмма ҳам айни маънода қўлланган. Ваҳоланки, шумер ва қадимги турк тилларида параллел қўлланувчи сўзлар анчагина. Масалан, шумерча *САГ* - қадимги туркий *сақ, сақа*. Туркий *сақа* сўзининг "етук, катта" маъноси бор. Масалан, қозоқчада: *сақа жигит* - етук йигит. А. Аманжоловнинг фикрича, этноним сифатидаги *сақ~сак* сўзи ҳам ана шунга бориб туташади. Шулардан келиб чиқиб, тарихан *турк* этноними ҳам, *сақ/сақа (сак)* этноними ҳам бир маънони ифода этган деган мулоҳазани айтиш мумкин.

Умуман, таниқли туркшунос А. Аманжоловнинг кўк турк ёзма ёдгорликларига бағишланган ушбу монографиси туркшунослик соҳасидаги йирик ишлардан бўлиб, фаннинг келгуси равнақи учун хизмат қилуви табиий.

Қосимжон СОДИҚОВ<br>6 ноябрь, 2003 йил



www.ziyouz.com kutubxonasi

## 2. Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг тузилиши

| Кул тиги битиги | | Билга хоқон битиги | |
|---|---|---|---|
| матн қисмлари | матн сатри | матн қисмлари | матн сатри |
| *Муқаддима:* (Б и л г а х о қ о н с ў з и) | | *Муқаддима* (Б и л г а х о қ о н с ў з и) | |
| 1. Билга хоқоннинг мурожаати. | КТк. 1-2 | 1. "____"____ "____" | Xb. 1 |
| 2. Тасарруфидаги ерларнинг кенглиги, ўзи эл тинчлигининг таянчи эканлиги ҳақида таъкид. | КТк. 2-3 | 2. "____"____" ____" | Xb. 2 |
| 3. Турк элини душмандан озод этиб, давлатни тиклаганлиги ҳақида маълумот. | КТк. 3-10 | 3. "____"____" ____" | Xb. 2-8 |
| 4. Турк беклари, халқига хитоб (Türk beglär, bodun, bunı esiding!) Ушбу битигда хоқоннинг даъвати (sabı) ёзилганлиги ҳақида таъкид. | КТк. 10-11 | 4. "____"____" ____" | Xb. 8 |
| 5. ____ | | 5. Билга хоқоннинг турк халқи учун қилган яхшиликларининг баёни. | Xb. 9-12 |
| 6. ____ | | 6. Элга насиҳат | Xb. 13-14 |

www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| *Илова:*<br>(Й ў л л у ғ т и г и н с ў з и) | | *Илова:*<br>(Й ў л л у ғ т и г и н с ў з и) | |
| 1. Йўллуғ тигиннинг мангутош ўрнатилуви, мақбара тикланганлиги ҳақидаги маълумоти.<br>2. Битиг муаллифи ҳақида маълумот. | КТк. 11-13<br>КТк. 13, К.I | 1. Йўллуғ тигиннинг мангутош ўрнатилганлиги, мақбара тикланганлиги ҳақидаги маълумоти.<br>2. —— | Xb. 14-15 |
| *Асосий қисм:*<br>(Б и л г а х о қ о н с ў з и) | | *Асосий қисм:*<br>(Б и л г а х о қ о н с ў з и) | |
| — | | а) Билга хоқон сўзининг бошламаси (Tänri-teg tänri yaratmış türk Bilgä qağan sabım) | X.1 |
| — | | б) Билга хоқон тахтга чиқиб давлатни мустаҳкамлагани ҳақида маълумот (билдиргулик). | X. 1-2 |
| 1. Билга хоқоннинг сабоқ бўлсин дея келтирган турк улусининг ўтмиши (I турк хоқонлиғининг барпо этилуви, унинг тантанаси ва инқирози, II хоқонлиқнинг барпо этилиши) ҳақидаги ҳикояси. | КТу.1-10 | "____"____"____"____" | X. 2-9 |
| 2. Элтариснинг элни табғач қарамлигидан озод этиб, давлатни барпо этганлиги ҳақида маълумот. | КТу. 11-15 | "____"____"____"____" | X. 10-12 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. Элтариснинг вафоти, тахтга Бўгу хоқоннинг чиқиши ҳақидаги маълумот. | КТу. 16 | "____" ____" ____" ____" | Х. 13-14 |
| 4. Бўгу тахтга чиққан кезларда Мўгиланнинг тардушлар устидан шад эканлиги ҳақида қайд. | КТу. 17 | "____" ____" ____" ____" | Х. 14-15 |
| 5. Бўгу ва Мўгиланнинг турк давлатини мустаҳкамлаш йўлида бирликда олиб борган фаолияти. | КТу. 17-22 | "____" ____" ____" ____" | Х. 15-18 |
| 6. Турк ўғуз беклари, халқига хитоб (Türk oğuz begläri, bodun, esiding!). Билга давлатнинг парчаланиб кетишидан ташвишда. | КТу. 22-24 | "____" ____" ____" ____" | Х. 18-19 |
| 7. Мўгиланнинг тахтни эгаллаши. | КТу. 25-26 | "____" ____" ____" ____" | Х. 20-21 |
| 8. Турк давлатини мустаҳкамлаш йўлида Билга хоқон ва Кул тигиннинг ҳамкорликда олиб борган фаолияти. Кул тигин қаҳрамонликларининг баёни. | КТу. 26-49, Кс. (?) | 8. Билга хоқоннинг турк давлатини мустаҳкамлаш йўлида олиб борган фаолияти, курашлари, жасорати ҳақида маълумот. | Х. 21-41, Х.II, Ха. 1-10 |
| *Хотима:* (Билга хоқон сўзи) | | *Хотима:* (Йўллуғ тигин сўзи) | |
| 1. Билга хоқон ўз уруғига Кул тигин хотирасини эслатиб чеккан азияти. | КТу. 49-50 | 1. Билга хоқон ўлими ва йўғ маросимининг таърихи. | Ха. 10 |
| 2. Эпитафия (марсия). | КТу. 50-51 | 2. Маросим тадбирлари ҳақидаги қайдлар. | Ха. 10-12 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. Кул тигин дафн маросими ҳақида маълумот.<br>4. Кул тигин ўлими, йўғ маросими ва мақбара тикланганлигининг таърихи.<br>— | КТу. 51-53<br>К. III | 3. Йўллуғ тигин ёрлиғининг бошламаси (Tänri-teg tänri yaratmış türk Bilgä qağan sabım).<br>4. Билга хоқон тахтда эканлигида қозонган шуҳратининг таърифи.<br>5. Йўллуғ тигиннинг Билга хоқонга аталган марсияси (эпитафия). | Ха. 13<br>Ха. 13-15<br>Хс. |
| *Илова*<br>(Йўллуғ тигин сўзи) | | *Илова*<br>(Йўллуғ тигин сўзи) | |
| 1. Йўллуғ тигин ушбу битигни битганлиги ҳақида маълумот.<br>2. Йўллуғ тигиннинг Кул тигинга бағишлаган марсияси (эпитафия). | К. II<br>К. II | 1. Йўллуғ тигин ушбу битигни битганлиги ҳақида маълумот. | X. I |

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ ........ 3

**I БЎЛИМ. ЎРТА ОСИЁ-КЎК ТУРК ЁЗУВИНИНГ БЕШИГИ.** ........ 7

Аждодларимизнинг улуғ кашфиёти ........ 7

Ўзбекистондан топилган кўк турк ёзувли битиглар ........ 10

**II БЎЛИМ. УРХУН ОБИДАЛАРИ; МАТН МАЗМУНИ ВА ТАРИХИЙ ТАЛҚИНИ** ........ 21

Битигларнинг ғоявий хусусияти ........ 22

Туркий тарихнавислик: унинг шаклланиши ва такомили ........ 26

Тарихнавислар. Кўк турк адабиётининг намояндалари ........ 28

Кўк туркларнинг машҳур хоқон ва саркардалари ........ 32

Тўнюқуқ битигида кечган *түрк(~түрүк) сир бодун* бирикмаси ҳақида ........ 38

Битигларда акс этган тарихий воқеалар ........ 41

**III БЎЛИМ. МАТН ТУЗИЛИШИ.** ........ 57

Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг матний-қиёсий таҳлили ........ 57

Кул тигин, Билга хоқон битигларидан ўрин олган хоқон сўзининг бошлама (унвон)лари ........ 66

Матнларнинг ёзув ва имло хусусиятлари ........ 72

**IV БЎЛИМ. МАТНЛАР.** ........ 76

[Билга хоқон мурожаати]: қиёсий матн ........ 76

Кул тигин битиги ........ 96

Билга хоқон битиги ........ 112

МАНБАЛАР ........ 121

ИЛМИЙ АСАРЛАР ........ 121

ИЛОВА ........ 124



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚАЙДЛАР УЧУН



www.ziyouz.com kutubxonasi